Ҳ. УЗОҚОВ

# ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛАРИ

СССР Педагогика фанлари академиясининг академиги
ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор
*Виктор Васильевич Решетов*
ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор
*Ғанижон Абдураҳмоновнинг*
умумий таҳрири остида.

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1972

www.ziyouz.com kutubxonasi

У 29

Узоқов, Ҳ.
Ўзбек тилшунослари. Проф. В. В. Решетов ва Ғ. Абдураҳмоновлар умумий таҳрири остида. Т., «Ўқитувчи», 1972.
268 б.

Узаков, Х. Узбекские лингвисты.
4 Ўз

№ 763—72
Навоий номли ЎзССР
Давлат кутубхонаси.

МУНДАРИЖА

*Бет*

Сўз боши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 5
Филология фанлари докторлари . . . . . . . . . . . . . 11
Филология фанлари кандидатлари . . . . . . . . . . . . 111

*На узбекском языке*

ХАЙДАРАЛИ УЗАКОВ

УЗБЕКСКИЕ ЛИНГВИСТЫ

*Издательство «Ўқитувчи»*
Ташкент — 1972

Махсус редактор *Ҳ. А. Жамолхонов*

Редактор *Х. Ҳайитметов*
Расмлар редактори *Қ. Алиев*
Техредактор *С. Ахтамова*
Корректор *Д. Абдуллаева*

Теришга берилди 2/VII-1971 й.
Босишга рухсат этилди 24/XII-71 й.
Қоғози 60×90 1/16. Қоғоз л. 16,75.
Уч. нашр. л. 16,68. Тиражи 2000. Р19298.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 49-69. Баҳоси 95 т, Муқоваси 20 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот
Давлат комитетининг 1- босмахонаси.
Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21. Қоғоз № 3.
1972 й. Зак. 104

Типография № 1 Государственного
комитета Совета Министров УзССР
по печати. г. Ташкент, ул. Хамзы, 21

www.ziyouz.com kutubxonasi

## СЎЗ БОШИ

Атоқли педагог К. Д. Ушинский айтганидек, «Она тили бошқа барча предметлар таркибига кирувчи ва ўзида уларнинг натижаларини мужассамловчи... марказий предмет...» бўлиши керак. Демак, она тилининг ва у билан боғлиқ бўлган ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўлини маълум даражада акс эттирадиган китобнинг яратилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўлини турли аспектда ёритадиган қатор китоблар бор. 1965 йилда «Фан» нашриёти томонидан нашр этилган «Ўзбек тилшунослари» ҳам ана шундай китоблардан биридир. Бу китобда ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларида ижод этган ва этаётган 12 фан доктори, профессори ва 62 фан кандидати ҳақида илмий-биографик справка берилган эди.

Китоб автори тилшунос-олимларнинг сафи кейинги йилларда анча ўсганлигини инобатга олиб, уни қайта ишлади ва қатор янги материаллар билан бойитди. Хусусан, ҳар бир олим ҳақидаги мақолага шу олимнинг илмий ишлари рўйхати (хронологик тартибда) илова қилинди. Бу рўйхат тилшунос-олимларимиз яратган асарлар тематикаси, бинобарин, шу тематика орқали ўзбек тилшунослигининг ярим асрлик тараққиёт йўли билан ҳам танишиш имконини беради.

Эслатма. Айрим сабабларга кўра китобга 1966 йилгача кандидатлик диссертацияси ёқлаган олимлар ва шу йилгача



www.ziyouz.com kutubxonasi

эълон қилинган илмий ишлар киритилди, аммо биографик справкада 1970 йилгача бўлган маълумотлар (докторлик илмий даражасини олиш, Фанлар академиясига ҳақиқий ёки мухбир аъзо бўлиб сайланиш, иш жойини ўзгартириш каби янгиликлар) ҳам берилди.

Бир қатор олимлардан илмий-биографик маълумот олиш анча қийин бўлди. Шу сабабли уларни китобга киритиш имкони ҳам бўлмади.

Китоб кириш (қисқача тарихий очерк)дан, икки қисм ва исмлар кўрсаткичидан иборат.

Биринчи қисмга фан докторлари ва профессорлар, иккинчи қисмга эса фан кандидатлари киритилди. Ўзбек тилшунослиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган атоқли рус туркологлари ҳам китобнинг биринчи бобидан ўрин олди.

Исмлар кўрсаткичида китобга киритилган олимларнинг рўйхати алфавит тартибида келтирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИРИШ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек миллий маданиятининг, шу қатори ўзбек тилшунослигининг ҳам равнақ топишига замин яратди.

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатга амал қилиб, ўзбек тилини миллий тил, бинобарин, давлат тили даражасига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилди, бу процесс билан алоқадор бўлган барча ишларга, чунончи, ўзбек тили тарихини, турли диалект ва шеваларини, луғат состави ва товушлар системасини, умуман, тил қурилишини ўрганишга, янги ўзбек графикасини яратишга, бу графиканинг имло қоидаларини ишлаб чиқишга, азалдан мавжуд бўлган лексикографияни янада ривожлантиришга муҳим давлат иши деб қаради. Шу муносабат билан 1925 йилда Ўзбекистон Халқ Маорифи комиссарлиги ҳузурида илмий марказ тузилди, бу марказ ҳузурида эса Ўзбекларни ўрганиш комитети ташкил этилди. 1929 йилда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида махсус Давлат илмий-тадқиқот институти (УзГНИИ) ташкил топди, институт таркибида эса Тил ва адабиёт сектори ишлай бошлади. 1931 йилда педагогика ва тил-адабиёт проблемаларини илмий асосда ишлаб чиқарувчи, малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илмий тадқиқотлар натижасидан замон талабига қараб фойдаланишни жорий қилувчи илмий ташкилот — Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий текшириш институти (УзНИИКС) барпо этилди. Мазкур институтнинг тил ва адабиёт секторлари 1934 йилда Ўзбекистон Фанлар комитети ҳузуридаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтига айлантирилди. Бу институт ўзбек тилшунослигининг йирик илмий маркази сифатида ҳозир ҳам ишлаб турибди.

Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги равнақи ҳақида гапир-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда, бу тараққиётга асос солган дастлабки тилшунос олимларимиз ва зиёлиларимизни (биринчи дарсликлар, алифбе ва ўқиш китобларини ёзган Ш. Раҳимий, Н. Саид, А. Йўлдошев, Ш. Зуннун, Қ. Рамазон, Элбекларни) ҳурмат билан тилга оламиз.

Ўтган ярим аср мобайнида ўзбек тилшунос-олимларимиз сафи ҳам беқиёс даражада ўсди. Зотан, 1920 йилларда Ғ. О. Юнусов, Е. Д. Поливанов, К. К. Юдахин каби профессорлар, А. Зоҳирий, А. Авлоний, Ш. Раҳимий каби саноқли зиёлилар ўзбек тили соҳасида ижод этишган бўлса, 1930 йилларга келиб уларнинг сафи анча кенгайди: бу даврда А. К. Боровков профессор бўлди, В. В. Решетов, С. И. Иброҳимов, А. Ғ. Ғуломов, У. Т. Турсунов, С. Муталлибов, О. У. Усмонов, Ф. К. Камолов, Ҳ. Ғозиев, С. Зуфаров, Т. И. Иброҳимов, Я. И. Калантаров, И. А. Киссен, З. М. Маъруфов ва бошқалар қизғин ижод йўлига тушиб олишди. 1940 йилларга келиб улардан бир қанчаси (В. В. Решетов, А. Ғ. Ғуломов, Ф. Камолов, О. У. Усмонов, З. Маъруфов, А. Маъруфовлар) филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга муяссар бўлишди.

1950 йилларда эса В. В. Решетов, А. Ғ. Ғуломов каби забардаст олимларимиз филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун муваффақиятли равишда диссертация ёқлашди. 1960 йилларга келиб фан докторлари қаторидан Ғ. Абдураҳмонов, Ф. Абдуллаев, М. Асқарова, О. Азизов, С. Усмонов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ш. Раҳматуллаев, М. Мирзаев, С. Иброҳимов, С. Муталлибов, А. Ҳожиев, А. Рустамов каби олимлар ҳам ўрин олишди.

Ҳозир ўзбек тилшунос-олимларидан В. В. Решетов СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, О. Азизов, М. А. Асқарова шу академиянинг мухбир аъзолари, Ш. Шоабдураҳмонов ва Ғ. Абдураҳмоновлар эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидир.

Ўзбек тилшунослигининг конкрет соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқларни тахминан қуйидагича характерлаш мумкин.

1. **Ўзбек диалектологияси.** Бу соҳа, асосан, ўзбек тилининг хилма-хил шеваларини, уларнинг ўзбек адабий тили билан муносабатини, қолаверса, шевалар орқали ўзбек халқининг этногенези, маданий меросини ўрганиш каби муҳим проблемалар билан шуғулланиб келган.

Ўзбек тили диалектларини ўрганишда проф. Е. Д. Поливанов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, проф. К. К. Юдахин, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси проф. А. К. Боровков, биринчи ўзбек тилшунос профессори Ғ. О. Юнусов, СССР Педагогика фанлари академиясининг академиги, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби проф.



www.ziyouz.com kutubxonasi

В. В. Решетов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, проф. Ш. Шоабдураҳмонов, филология фанлари доктори, проф. С. Иброҳимов каби олимларнинг хизмати айниқса катта бўлди.

Хусусан, проф. Е. Д. Поливанов Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Туркистон шевалари тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борди, улар бўйича қатор асарлар яратди. Профессор К. К. Юдахин 1925 йилдаёқ эски туркий чўзиқликни ва қадимий морфемаларни ўзида сақлаган Қорабулоқ шевасининг тил хусусиятларини мукаммал текширди; кейинроқ Водил, Ўш, Манкент шевалари бўйича ҳам жиддий асарлар яратиб, ўзбек-уйғур ва қирғиз-ўзбек-тожик тиллари орасидаги муносабатларни хийла ёритиб берди. Профессор Ғ. О. Юнусов ўзбек миллатининг қатағанлар уруғи тилини мустақил текширди ва ўзбек лаҳжаларининг мураккаб таснифини яратди; проф. А. К. Боровков Наманган ва бошқа ўзбек шевалари тўғрисида капитал асарлар ёзди, уларда ўзбек ва тожик тиллари ўртасидаги муносабатга оид муҳим назарий фикрлар берди.

Ўзбек диалектологияси бўйича катта ишлар қилган ва қилаётган олимлардан яна бири проф. В. В. Решетовдир. У ўзининг «Ўзбек тилининг Марғилон шеваси», «Ўзбек тилининг Наманган шеваси ҳақида» каби ишларида шаҳар типидаги ўзбек шеваларининг фонетик-морфологик хусусиятларини, «Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш масалаларига доир», «Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси» каби асарларида эса бир қатор назарий масалаларни ёритди.

Филология фанлари доктори, профессор Ш. Шоабдураҳмонов ўзбек адабий тилига сезиларли таъсир кўрсатган қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасини текшириб, «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» номли капитал асарини яратди. Филология фанлари доктори, проф. Ф. Абдуллаев Хоразм шевалари лексикаси ва фонетикаси юзасидан жиддий тадқиқотлар олиб борди. Қисқаси, 1966 йилнинг ўрталаригача ўзбек диалектологияси бўйича 5 фан доктори (В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, С. Иброҳимов, М. Мирзаев, Ф. Абдуллаев) ва 24 фан кандидати (Т. Иброҳимов, Ш. Афзалов, Ҳ. Ғуломов, Е. Ғуломов, Ф. Абдуллаев, В. Эгамов, Х. Дониёров, А. Ишаев, Ҳ. Узоқов, С. Туляков, Б. Жўраев, И. Фармонов, А. Шерматов, А. Алиев, Ю. Жуманазаров, К. Назаров, Н. Ражабов, А. Маматқулов, Н. Ғафурова, Ғ. Мирсоатов, С. Отамирзаева, Ш. Носиров, С. Зуфаров, Т. Йўлдошевлар) етишиб чиқди. 1954 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузурида ўзбек диалектологияси сектори ташкил топди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек диалектологиясининг қисқа вақт ичида анчагина ютуқларга эришганлигидан далолат беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Ўзбек тили тарихи.** Ўтган давр мобайнида ўзбек тили тарихи бўйича ҳам жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, профессор А. К. Боровковнинг XII—XIII асрлар ёдгорлиги — «Тафсир» лексикаси бўйича яратган йирик монографияси, «Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида», «1905—1917 йиллар ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили тарихидан очерклар» (I, II, III) каби асарлари, филология фанлари доктори, профессор Ғ. Абдураҳмоновнинг «Ўрхун ёдгорликлари тилида қўшма гап конструкциялари», «*а* фонемасининг тарихи», «Эски туркий тил синтаксиси устида текширишлар» каби ишлари, филология фанлари доктори С. Муталлибовнинг «XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси» номли иши ва уч томли «Девону луғатит турк»нинг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси, филология фанлари кандидати Т. Салимовнинг «Насабнома ва унинг тил хусусиятлари» номли тадқиқоти, филология фанлари кандидати А. М. Шчербакнинг «XI—XIII аср туркий текстлар грамматик очерки», «Эски ўзбек тили грамматикаси» номли монографиялари, Олим Усмоннинг тил тарихини даврлаштиришга оид иши шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда ўзбек тили тарихи бўйича ишлаётган мутахассислар сафига яна бир қатор талантли олимлар (филология фанлари докторлари А. Рустамов, С. Н. Иванов, филология фанлари кандидатлари Мирқаюм Каримов, Қозоқбой Маҳмудов, Акбар Аҳмедов, Шамсиддин Шукуров, Маҳфуза Туробова, Акбар Матғозиев, Ўлмас Мирзакаримовалар) келиб қўшилди.

Ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида махсус бўлим — тил тарихи сектори ишлаб турибди.

**3. Ҳозирги замон ўзбек тили.** Бу соҳада 1920—30 йилларда профессор Е. Д. Поливанов, профессор Ғ. О. Юнусов, профессор К. К. Юдахин, профессор А. К. Боровков, В. В. Решетов, У. Турсунов, А. Ғ. Ғуломов, Ф. Камолов, Ҳ. Ғозиев, Х. Назарова каби олимлар самарали меҳнат қилишган.

1940—50 йилларда ҳозирги замон ўзбек тили тараққиёти янада юқорироқ босқичга кўтарилди. Бу даврда А. Ғ. Ғуломов «Ўзбек тили тарихий сўз ясалишининг проблемалари» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади. Р. Жуманиёзов (ўзбек тилида сифатдош аниқловчилар), Х. Комилова (ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчи), А. Маъруфов (пайт эргаш гаплар), З. Маъруфов (сифатларнинг қиёсий даражалари), Ф. Камолов (ўзбек тили фонетикаси ва лексикаси), М. Мирзаев (вақтли матбуотда совет-интернационал сўзлар), О. Орифов (чиқиш келишиги), А. Сулаймонов (ўтган замон феъл категориялари), С. Усмонов (ундовлар), С. Фердоус (феълнинг зид категорияси), С. Фузаилов (равиш), Ш. Раҳматуллаев (фразеологик



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирикмалар), О. Мадраҳимов (янги ясалган сифатлар) каби қатор тадқиқотчилар эса кандидатлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Ўзбек тилшунослигининг мазкур соҳасини такомиллаштиришда, уни рус ва бошқа қардош халқларга пропаганда қилишда атоқли турколог, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. Н. Кононовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Олим ўзининг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили грамматикаси» китобида янги проблематик масалаларни илмий асосда тўғри ва пухта таҳлил қилиб беради.

Кейинги йилларда бу соҳада фан докторларидан А. Ғ. Ғуломов, В. В. Решетов, М. А. Асқарова, Ш. Раҳматуллаев, С. Усмонов, Ғ. Абдураҳмонов, Ф. Абдуллаев ва бошқалар самарали меҳнат қилишмоқда.

**4. Қиёсий грамматика.** Бу соҳа профессор Е. Д. Поливановнинг номи билан узвий боғлиқдир. Олим 1925 йилдаёқ ўзбек мактабларида рус тили ўқитиш методикасига, рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш масалаларига бағишланган қатор асарлар яратган эди.

Сўнгги йилларда республика олий ўқув юртларининг филология факультетларига рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш предмети ва курси киритилди. Ҳозир рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси ўзбек тилшунослиги таркибидан мустаҳкам ўрин олган. Бунда филология фанлари доктори, профессор О. А. Азизовнинг хизмати бениҳоя каттадир: унинг «Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси» номли докторлик иши ва дарслигини мазкур курснинг назарий асоси деб баҳолаш мумкин.

Ҳозир тилшуносликнинг бу соҳасида А. И. Абражеев, И. А. Киссен, А. Сафоев, М. Муҳамедова, А. Бўрибеков каби ўнлаб етук мутахассислар хизмат қилмоқда.

**5. Ўзбек лексикографияси.** Ўзбек лексикографияси амалий соҳа сифатида анча қадимий бўлса-да, фан сифатида Октябрдан сўнг майдонга келди.

Ишлаб чиқариш, фан ва маданиятнинг янги ижтимоий тузум шароитида кенг ривож топиши тилдаги сўзларни маълум система асосида луғатларга тўплашни, шу асосда луғатларнинг турли типларини яратишни тақозо қиларди. Профессор Е. Д. Поливановнинг «Қисқача русча-ўзбекча луғат»и (1926), проф. К. К. Юдахиннинг «Қисқача ўзбекча-русча луғат»и (1927), А. Зоҳирийнинг «Русча-ўзбекча мукаммал луғат»и, С. Раҳмонқуловнинг икки қисмдан иборат «Русча-ўзбекча луғат»и (1927, 1928), С. Раҳматий ва А. Қодирийнинг «Русча-ўзбекча сўзлиги» (1934), У. Аҳмаджонов ва Б. Ильязовнинг «Ўзбекча-русча луғат»и (1931), В. В. Решетовнинг ўзбек вақтли матбуоти негизида тузган «Қисқача ўзбекча-русча луғат»и



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1935) ана шундай зарурат туфайли тузилган дастлабки лексикографик ишлар эди.

Сўнгги йилларда ўзбек лексикографияси янги илмий кадрлар билан бойиди; лексикографлар замон талабидан келиб чиқиб, қатор луғатлар нашр эттирдилар. Атоқли туркolog А. К. Боровков таҳрири остида чиққан «Ўзбекча-русча луғат» (1959), П. Шамсиев, С. Иброҳимовларнинг «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»и (1953), Р. Абдураҳмонов раҳбарлигида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» (1954), 5 томли «Русча-ўзбекча луғат» (1950—1955), С. Иброҳимов, Ф. Камолов, З. Маъруфовларнинг «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» (1961), А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати» (1963), Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (1964) шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда республиканинг атоқли олимлари иштирокида 14 томли «Ўзбек Совет энциклопедияси», 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзбек лексикографиясининг анча ривожланган соҳалардан бирига айланганлигидан далолат беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Фаттоҳ Абдуллаев



Етук олим, филология фанлари доктори, проф. Фаттоҳ Абдуллаев 1914 йилда Наманганда туғилди. Унинг ёшлик даври Қозоғистоннинг Авлиёота (Ҳозирги Жамбул) шаҳрида ўтди. Бошланғич маълумотни ҳам шу ерда олди.

Фаттоҳ Абдуллаев 1922 йилдан 1925 йилгача эски мактабларда ўқиди, 1925 йилдан совет мактабида таълим ола бошлади. 1930 йилда бошланғич мактабни тугатиб, Каттақўрғон шаҳридаги А. Икромов номли педагогика техникумига ўқишга кирди. Техникумни 1933 йилда муваффақиятли тамомлаган Ф. Абдуллаев 1934—39 йилларда Ленинград Давлат университетининг филология факультетида ўқиди, уни муваффақиятли тамомлаб, Тошкентга қайтди ва 1944 йилнинг ноябригача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлади.

1944—47 йилларда Наманганлаги ўқитувчилар институтида дарс берди, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасини бошқарди; 1947 йилнинг июлидан 1950 йилнинг июнь ойигача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим ва сектор мудири вазифаларида хизмат қилди.

Ф. Абдуллаев 1944 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасини тугатиб, 1946 йилда проф. А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида арабизм» деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Олим 1951 йилнинг февралида Хоразмга келади. Бу ерда педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб, ўзбек тили бўйича лекциялар ўқийди; 1956 йилнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

августида яна Тошкентга келиб, 1957 йилгача Тошкент Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди; 1957 йилнинг сентябридан ЎзССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, 1965—70 йилларда ҳозирги ўзбек адабий тили секторининг бошлиғи вазифаларида ишлаб келди. Ҳозир шу институт тил тарихи секторининг мудири лавозимида хизмат қилмоқда.

У Хоразмдагилик даврида халқ шевалари вакилларидан кўплаб фактлар тўплади, уларни ўткир диалектолог, синчков тадқиқотчи кўзи билан текшириб, қатор илмий-лингвистик хулосалар чиқарди, илмий жиҳатдан анча ибратли мақолалар, монографиялар яратди. Унинг «Ўзбек тили Хоразм шеваларининг тарихига доир», «Урганч шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари», «Хоразм шеваларининг таснифи масаласи», «Хоразм шевалари», «Хоразм шевалари фонетикаси» каби қатор мақола ва монографиялари ўша даврларда халқ оғзидан ёзиб олинган бой фактик материаллар асосида вужудга келган.

Талантли олим кўп йиллик ишларининг якуни сифатида «Хоразм шевалари» номли катта монография яратди, 1961 йилда «Хоразм шевалари фонетикаси» темасида докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди. Докторлик диссертациясига асос бўлган «Хоразм шевалари» (I) номли китобида муаллиф бу шевалардаги сўзларнинг луғати ҳамда Хоразм шеваларининг мукаммал таснифини беради. Ишнинг луғат боби ўзбек диалектологиясида луғат тузиш ишида илк бор тажриба бўлиб, Хоразм шеваларининг айрим лексик хусусиятларини акс эттириш вазифасини ўтайди.

Ф. Абдуллаев «Об одном фонетическом соответствии в истории узбекского языка» (1958), «К вопросу об оконье в узбекском языке» (1957), «Киши номларини қисқартиш усуллари» (1960), «Ўзбек тилида қўш ундошлар» (1960) каби асарларида ўзбек тили фонетикасида мунозарали бўлган масалаларни ҳал этишга уринганини кўрамиз.

Талантли олим дурустгина адабиётшунос ва таржимон ҳамдир: у «Умар Ҳайём — улуғ шоир ва файласуф», «Туркман шоири Камина», «Адабиёт санъат сифатида» каби илмий ишлар яратган.

Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам» (1952), «Небит доғ» (1962) романларини, М. Казакевичнинг «Одерда баҳор» (1950), Джек Лондоннинг «Ҳикоялари»ни (1956) ва бошқаларни ўзбек тилига таржима қилган.

Ф. Абдуллаев ўз илмий-педагогик фаолияти давомида 80 босма листга яқин илмий асар ёзган тадқиқотчи. У республикамизда ёш тилшунос кадрлар етиштириш ишларига ҳам озмикўпми ўз улушини қўшяпти: олим шу кунгача 5 та докторлик ва 25 та кандидатлик ишларига расмий оппонент бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1940

Умар Ҳайём улуғ шоир ва файласуф. «Гулистон» журнали, 3-сон, Тошкент.

Туркман шоири Камина. «Гулистон» журнали, 7-сон, Тошкент.

1941

Адабиёт санъат сифатида. Тошкент.

1949

Ўзбек тил билими. Тил ва адабиёт институтининг асарлари, Тошкент.

Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари (юқоридаги тўплам).

1957

Ургенч шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», 1-сон, Тошкент.

К вопросу об оконье в узбекском языке. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», 1-сон, Тошкент.

1958

Об одном фонетическом соответствии в истории узбекского языка. Известия АН УзССР, № 3.

Хоразм шевалари тарихига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1959

Ўзбек тилида чўзиқ унлиларнинг табиати ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Эски ўзбек тили. Дарслик (ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек ёзуви тарихидан материаллар, Тошкент.

1960

Киши номларини қисқартиш усуллари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида қўш ундошлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

*-чи* аффиксининг генезиси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1961

Туркий тилларда келишик аффиксларининг генезиси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

## 1962

О генезисе джеканья в тюркских языках. Журнал «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент.

Келишик аффиксларининг генезиси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

Хоразм шевалари, I китоб, Тошкент.

Хоразм шеваларининг таснифи масаласи. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.

Турк тилларида ң товушининг урчиши масаласи, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

## 1964

Об интенсивной форме прилагательных в тюркских языках. Научные труды ТашГУ, вып. 260, Языкознание, Ташкент.

## 1965

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

## 1966

Диалектал луғат тузиш принциплари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

Алишер Навоий асарлари тилида унли товушлар уйғунлиги масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

Фонетика хорезмских говоров. Ташкент.

Хоразм шевалари лексикаси. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Ғанижон Абдураҳмонов

Ғанижон Абдураҳмонов ҳозирги етакчи тилшунос олимлардан бири. У филология фанлари доктори (1960), профессор (1966), Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1968), 1946 йилдан бери КПСС аъзоси.

Ғанижон Абдураҳмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У шаҳардаги 1-ўрта мактабни тугатгач, 1942 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради ва уни 1946 йилда имтиёзли диплом билан тугатади; ўша йили институтда ўқитувчи қилиб қолдирилади. 1950 йилда проф. Улуғ Турсунов раҳбарлигида (Самарқанд Давлат университетида) «Ҳозирги замон ўзбек тилида субстантивация» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлайди.

1956—58 йиллар давомида Фарғона педагогика институтида тил кафедраси мудири, директор муовини, директор вазифасини ўтовчи ва директор вазифаларида ишлаб келди. 1958—67 йилларда ЎзССР ФАнинг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилини тарихий-қиёсий ўрганиш сектори бошлиғи. 1967 йилдан Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти ректори лавозимида хизмат қилди. 1971 йилдан бошлаб ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министри вазифасида ишлаб келмоқда.

Ғанижон Абдураҳмонов ўз педагогик фаолиятини илмий иш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борди.

Ҳозирги вақтда Ғанижон Абдураҳмоновнинг қаламига мансуб бўлган ва нашр қилинган ишларнинг рўйхати етмишга яқин бўлиб, уларнинг умумий ҳажми бир юз саксон босма листни ташкил қилади. Олим ўзбек тили ва умуман тилшуносликнинг турли соҳалари бўйича қалам юритади. У яратган асарлар орасида фонетика, морфология, синтаксис, тил тарихи, тарихий фонетика, қиёсий грамматика, қадимий ёдгорликлар тилини алоҳида-алоҳида ўрганиш каби проблемаларга бағишланган ишлар, мактаб ва олий ўқув юртлари учун мўлжалланган программа, қўлланма ва дарсликлар борлигини кўрамиз. Олимнинг ҳо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

зирги ўзбек тили синтаксиси ва тарихий синтаксис бўйича олиб борган тадқиқотлари айниқса эътиборга лойиқдир: у ўзбек тилида ажратилган гап бўлаклари мавжудлиги ҳақидаги масалани биринчи бўлиб ўртага ташлади ва бу типдаги бўлакларнинг қўлланиши совет даврида янада активлашганлигини, бинобарин, тилнинг стилистик имкониятлари ҳам анчагина кенгайганлигини назарий жиҳатдан асослаб берди; гапларнинг структурасига кўра турларини традиция бўйича иккига эмас, балки амалий ва назарий далиллар асосида учга—содда, мураккаб ва қўшма гапларга бўлди; «Ўзбек адабий тилининг қўшма гап синтаксиси асослари» номли ишида эса қўшма гапнинг ҳали ўрганилмаган ва ўзбек тилшунослигида таърифланмаган янги конструкцияси—боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида баҳс юритди ҳамда шундай синтактик конструкциянинг ўзбек тилида мавжудлигини фактлар асосида исботлаб берди. Олим ўзининг шу иши учун 1960 йилда филология фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

Ғанижон Абдураҳмонов ўзбек тили тарихини, хусусан, фонетика тарихи, синтактик конструкцияларнинг тарихий ривожи, айрим ёдгорликлар (ўрхун обидалари, «Қутадғу билик», «Девону луғотит турк», «Ўғузнома», «Муҳаббатнома») тилининг синтактик тузилиши каби масалаларни ўрганишга ҳам салмоқли ҳисса қўшган олимдир. Унинг илмий фаолияти ўрта ва олий мактаблар билан ҳам узвий боғланган: у ўрта мактабларнинг юқори синфлари ва олий ўқув юртлари учун пунктуация, синтаксис ва тил тарихи бўйича тузилган қатор қўлланма ва дарсликлар ҳамда программалар автори, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тайёрлаган икки томлик «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китоби ҳам Ғ. Абдураҳмоновнинг умумий таҳрири остида чиққан. Унинг айрим ишлари миллий тилларнинг яқинлашуви ва Совет Иттифоқидаги миллий тилларнинг тараққиёт перспективалари масалаларини ёритишга бағишланган.

Машҳур тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини ўзбек тилида нашр этиш ҳам Ғанижон Абдураҳмоновнинг номи билан узвий боғланган: олим бу ишга масъул муҳаррирлик қилган, унинг индекс-луғатини тузишда эса бевосита иштирок этган.

Олим ўз илмий фаолиятини республикамиздаги ва республикамиздан ташқаридаги тилшунослар билан мустаҳкам алоқа боғланган ҳолда олиб боради.

Ғанижон Абдураҳмонов 1966 йилнинг сентябрь ойида Туркияда тилшунослар қурумида қатнашган ва илмий доклад қилган.

Олимнинг бевосита раҳбарлигида 8 киши кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ғ. Абдураҳмоновнинг илм соҳасидаги ишлари Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дирланган: у Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзосидир (1968).

Асарлари:

1950

Субстантивированные прилагательные в современном узбекском языке. Самарканд.

1953

Ўрта мактаб программалари. Ўзбек тили, VIII—X синфлар учун (ҳамкор), Тошкент.

1954

Ўзбек тилидан қўлланма (ҳамкор). (Бу қўлланма 1962 йилгача саккиз марта нашр этилган.) Тошкент.

1955

Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар. Тошкент.

Бир составли гапнинг типлари ҳақида (илмий конференциядаги доклад тезислари), Фарғона.

1957

Сифатларнинг отлашиши. «Уч. зап. Ферганского госпединститута», IV, Фергана.

Қўшма гап. Сиртдан ўқувчилар учун қўлланма, Тошкент.

1958

Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент.

Қўшма гаплар билан содда гапларнинг ўзаро фарқланишига доир баъзи бир мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1959

Эргаш гапли қўшма гаплар масаласи. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент.

1960

Пунктуациядан таблицалар. Тошкент.

Қўшма гапларнинг тарихий тараққиёти ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Қўшма гаплар классификацияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. Ташкент.

1961

Коммунизм қуриш авж олдирилган даврда миллий тилларнинг тараққиёт перспективалари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1962

КПСС XXII съезди қарорлари асосида миллий тилларни ўрганиш масаласи. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 2- сон, Тошкент.

Ўзбек тили синтаксисидаги мураккаб гаплар масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3- сон, Тошкент.

Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи. Тошкент.

Ўзбек тили фонетикаси тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

1963

К вопросу о генезисе фонемы $\bar{\underline{a}}$. Журнал «Общественные науки в Узбекистане», № 5, Ташкент.

1964

Қўшма гап синтаксиси. Тошкент.

Ўзбек тилшунослиги ривожланиш йўлида. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 8 ва 9- сонлар, Тошкент.

О периодизации узбекского литературного языка за советский период. Сб. «Вопросы развития литературных языков народов СССР», Алма-Ата.

Ўзбек тилшунослигининг актуал проблемалари. Сб. «Объединенная научная сессия, посвященная 40- летию УзССР и Компартии Узбекистана», Ташкент.

1965

Ўрхун ёдгорликлари тилида қўшма гап конструкциялари. Сб. «Исследование по грамматике тюркских языков», Ташкент.

1966

Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида. «Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масаласи», тўплам, Тошкент.

За дальнейшие успехи узбекской филологии. (Ҳамкор), «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 7- сон, Тошкент.

КПСС XXIII съезди ва ўзбек тилшунослиги олдида турган масалалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

Синтаксисга киришув. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», II китоб, Тошкент.

Гап (юқоридаги китоб).

Мазмун ва интонацияга кўра гап турлари (юқоридаги китоб).

Бир составли гапларнинг типлари (юқоридаги китоб).

Тўлиқсиз гаплар (юқоридаги китоб).

Мураккаб гап синтаксиси (юқоридаги китоб).

Қўшма гап синтаксиси (юқоридаги китоб).

Туркияда навоийшунослик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Отақўзи Азизов

Ўзбек ва рус тилшунослигида салмоқли ўрин тутган лингвистлардан бири СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси (1968), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), филология фанлари доктори, профессор Отақўзи Азизович Азизовдир. У 1945 йилдан бери КПСС аъзоси.

О. Азизов 1910 йил 21 сентябрда Қирғизистон ССРнинг Ўш область, Лайлак қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1929 йилда ишчилар факультетини (ўрта маълумот ўрнида) муваффақиятли тугатиб, ўша йили В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)га ўқишга киради, 1933 йилда қишлоқ хўжалиги ва иқтисод бўйича мутахассис бўлиб чиқади.

Ёш мутахассис ўз устида тинмай ишлаб, қизиққан соҳаси — педагогликни, рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганишни сира тўхтатмайди. Бу соҳада қатор илмий ва методик мақолалар, қўлланмалар чиқара бошлайди. 1943 йилда проф. А. В. Миртов раҳбарлигида «Рус феълининг ҳозирги замон маънолари ҳамда унинг ўзбек тилида берилиши» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади.

О. Азизов ўзининг узоқ йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида рус ва ўзбек тилшунослигида текшириш ниҳоят зарур бўлган проблемалар устида қалам тебратди. Унинг рус ва ўзбек тилларидаги феълларнинг семантик хусусиятлари, рус ва ўзбек тилларидаги от, вид категориялари, олий ўқув юртларининг ўзбек бўлимларида рус тили морфологиясини ўқитиш методикаси сингари масалалар юзасидан олиб борган текширишлари тилларни қиёсий ўрганиш соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Автор мазкур масалалар бўйича олиб борган тадқиқотларида рус ва ўзбек тилларининг грамматик воситаларини атрофлича қиёслаб, қатор илмий ва методик хулосалар чиқарган.

Проф. О. Азизов республикамизда, иттифоқда ва ҳатто чет элларда ўткир методист-тилшунос сифатида танилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

О. Азизов 16 йилдан ортиқ вақт ичида Тошкент Давлат университети рус тили кафедрасини бошқариб келмоқда. У кўплаб ёш тилшуносларнинг раҳбари. Таниқли ва истеъдодли педагог 1957—59 йилларда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг йўлланмаси билан Хитой халқ республикасининг Синьцзян-уйғур автоном районидаги Урумчи шаҳар филология институтида рус тилидан дарс берди. «Тилшуносликка кириш», «Ҳозирги замон рус тили» каби предметлардан лекциялар ўқиди.

Олим тилшуносликнинг орфография («Ўзбек орфографиясининг баъзи масалалари ҳақида»), лексикография («Карманный русско-узбекский словарь», «О некоторых вопросах сельскохозяйственной терминологии»), морфология («Словообразование в современном русском языке») каби соҳалари бўйича қатор асарлар яратган.

О. Азизов қарийб 30 йиллик тадқиқотларини якунлаб, 1964 йилда «Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков» деган темада докторлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Олимнинг шу темада нашр этилган асари (1960), «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси» (1965, ҳамкорликда) ва, айниқса, «Тилшуносликка кириш» (1963) номли китоби республикамиз олий ўқув юртлари филология факультетларида муҳим қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

О. Азизов миллий мактабларга рус тили ўқитувчилари тайёрлаш, истеъдодли тилшунос олимлар етиштириш соҳасида битмас-туганмас ишлар қилмоқда. Унинг қўлида ўқиб таълим олган, унинг доно маслаҳатларидан озиқланган педагог-кадрлар ва ёш олимларнинг кўпчилиги иттифоқимиз мактаблари, олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Асарлари:

1949

Учебное пособие по русскому языку для бойцов-узбеков. Издательство газеты «Фрунзевец».

1950

Семантика настоящего времени глагола русского и узбекского языков. Труды ин-та языка и литературы АН УзССР.

О некоторых вопросах узбекской сельскохозяйственной терминологии. «Уч. зап. ТашСХИ», Ташкент.

Русча-ўзбекча луғат. (Беш томлик луғатнинг **в, п, с, х** ҳарфлари.) Тошкент.

1952

Некоторые вопросы узбекской орфографии. Сб. статей Ин-та языка и литературы АН УзССР, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1953

Грамматика русского языка для VIII—IX классов. (А. С. Матийченко билан ҳамкорликда.) Учпедгиз, Ташкент.

## 1954

Русско-узбекский словарь. (Буквы **в, х, ф.**) Изд. иностранных и национальных словарей, Москва.

## 1955

К вопросу о методике преподавания морфологического состава русского слова в вузах. Изд. САГУ, Труды филологического факультета, т. XIX.

Узбекский язык для русских школ. Учебное пособие для IX—X классов, Учпедгиз, Ташкент.

## 1956

Методика преподавания состава русского слова в узбекской школе. Сб. статей, Учпедгиз, Ташкент.

Краткий русско-узбекский словарь. (А. Усмонов билан ҳамкорликда.) Учпедгиз, Ташкент.

## 1957

Учебник русского языка для VIII—IX классов узб. школы. (А. С. Матийченко билан ҳамкорликда.) Учпедгиз, Ташкент.

## 1958

Учебник русского языка для IX классов узб. школы. (Т. В. Афанасьева билан ҳамкорликда.) Учпедгиз, Ташкент.

## 1959

Учебные материалы по русскому языку для китайцев. Изд. Синьцзянского филологич. ин-та, Урумчи.

Учебные материалы по русскому языку для уйгуров. (Ли Пин билан ҳамкорликда.) Изд. Синьцзянского филологич. ин-та, Урумчи.

Словообразование в современном русском языке. (Курс лекций, прочитанных в КНР.) Изд. Синьцзянского филологич. ин-та, Урумчи.

Некоторые вопросы сопоставительного изучения разносистемных языков. (Юқоридаги тўпламда.)

О принципах составления программ по языку. Введение в



www.ziyouz.com kutubxonasi

языкознание. (На уйгурском языке.) Синьцзянское народное издательство, Урумчи.

Категория числа существительных в русском и узбекском языках. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 5, Ташкент.

## 1960

Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Учпедгиз, Ташкент.

Категория вида русского глагола и грамматические средства передачи ее в узбекском языке. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 2, Ташкент.

Введение в языкознание. (На китайском языке.) Синьцзянское народное издательство, Урумчи.

## 1961

Пособие по развитию русской речи. (Е. А. Стэнман билан ҳамкорликда.) Изд. «Средняя и высшая школа», Ташкент.

Русско-узбекский карманный словарь. (О. У. Усмонов билан ҳамкорлида), Ташкент.

## 1963

Тилшуносликка кириш. «Ўрта ва олий мактаб», Тошкент.

Основные принципы использования родного языка при обучении русскому языку. Изд. «Средняя и высшая школа», Ташкент.

Программа по практическому курсу русского языка. (А. Ш. Шабанов, Сайкиев ва бошқалар билан ҳамкорликда), Изд. «Высшая школа», Москва.

## 1965

Ещё раз об использовании родного языка при обучении русскому языку. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 2, Ташкент.

Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. (М. Мирзаев, А. Сафоев, А. Бўрибековлар билан ҳамкорликда), «Ўқитувчи», Тошкент.

## 1966

Главная задача — обучение языку. Журн. «Русский язык и литература в узбекской школе», № 1. Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Мазлума Асқарова



Етук тилшунос олима М. Асқарова ўз соҳасида ўзбек аёлларидан етишган биринчи фан доктори (1963) ва профессоридир. У коммунист (1965), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси (1968).

М. Асқарова 1924 йилда Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1932 йилда Октябрь районидаги 53-мактабга ўқишга кирди. 1933—37 йилларда болалар уйида тарбияланиб, ўз ўқишини давом эттирди. 7-синфни тугатгач, Ленин номли 1-педагогика билим юртида ўқий бошлади. Билим юртини 1940 йилда тугатиб, Тошкент Давлат педагогика ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1944 йилда институтни тамомлаган М. Асқарова ЎзССР Маориф министрлигининг буйруғи билан шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида аспирант қилиб қолдирилди; 1947—48 йилларда эса СССР ФАнинг Шарқшунослик институти ҳузурида кандидатлик диссертациясини ёзди. 1948 йилдан ҳозирга қадар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси, доценти, профессори ва кафедра мудири вазифаларида ишлаб келмоқда.

Олима 1951 йилда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Илмий советида «Ўзбек тилида равишдош» темасида кандидатлик диссертациясини, 1963 йилда эса «Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гапларнинг типлари» мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Мазлума Асқарова синчков тадқиқотчи ва тажрибали педагогдир. У ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 40 га яқин монография, дарслик ва брошюралар яратди. Бу асарларнинг умумий ҳажми 130 босма листдан ортади.

Олима қаламига мансуб асарлар орасида «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар» (1960) монографияси, проф. А. Ғ. Ғуломов билан ҳамкорликда яратилган «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1961) ва «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1965) дарсликлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Олиманинг бу ки-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тоблари республикамиз олий ўқув юртларидаги филология факультетлари учун асосий қўлланма ва дарсликлар вазифасини ўтаб келмоқда.

М. Асқарованинг чуқур илмий мулоҳаза юрита билиши, рад этиш қийин бўлган далилларга таяниб иш кўриши унинг юқорида номи зикр этилган монографиясида ҳам сезилиб туради. Олима бу капитал асарида ўзбек тилида қўшма гаплар табиатини, хусусан, эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш йўллари, уларнинг классификацияси каби қатор масалаларни моҳирона ёритишга эриша олган.

М. Асқарова қўшма гап синтаксиси проблемаларидан ташқари, равишдош, сифатдош, боғловчи юкламалар, сон категорияси, синтактик синонимика каби масалалар юзасидан ҳам қатор асарлар яратган.

У Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида докторлик ва кандидатлик илмий даражаларини бериш Илмий советининг, ЎзФАнинг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида кандидатлик илмий даражасини бериш Илмий советининг, Республика Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги қошидаги филология секциясининг, ЎзССР Маориф министрлиги қошидаги УМСнинг ва, ниҳоят, Республика Министрлар Совети қошидаги илмий координация советининг аъзоси.

Ҳозир олима республикамизнинг бир неча етакчи тилшунослари билан ҳамкорликда «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслиги, «Ўзбек тили грамматикасидан практикум» қўлланмаси ва ҳ. к. устида иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1953

Ўзбек тилида равишдош ва сифатдошлар. (Ҳамкор—Р. Жуманиёзов), Тошкент.

1954

Деепричастие в современном узбекском языке. «Уч. зап. ТГПИ», II, Ташкент.

Объём и содержание вузовского курса современного узбекского языка Сб. «Вопросы узбекского языкознания», Ташкент.

1955

Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар. «Совет мактаби» журнали, 11- сон, Тошкент.

1957

Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўшма гаплар. «Уч. зап. ТГПИ», вып. IV, Ташкент.

Равишдош. «Ҳозирги замон ўзбек тили», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1959

Аниқловчи эргаш гап. «Уч. зап. ТГПИ», вып. XII, Ташкент.

## 1960

Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Монография, Тошкент.

## 1961

Ҳозирги замон ўзбек тили (синтаксис). Дарслик (ҳамкор— А. Ғуломов), Тошкент. Бу дарслик 1965 йилда қайта нашр этилган.

Сложное предложение с придаточными дополнительными в современном узбекском языке. Сб. «Вопросы описательной грамматики тюркских языков», Москва.

## 1962

Қўшма гапнинг кўчирма гапли тури. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1- сон, Тошкент.

О некоторых вопросах сложного предложения в современном узбекском языке. Труды ТашГУ им. В. И. Ленина, филологические науки, 12, Ташкент.

Боғловчи-юкламалар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

«*Бўл*» сўзининг синтактик хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5- сон, Тошкент.

Айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг қўлланиши ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 9- сон, Тошкент.

## 1963

Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. Автореферат докт. дисс., Ташкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилида боғловчили эргаш гапли қўшма гаплар. «Уч. зап. ТГПИ», № 42, Ташкент.

Эргаш гапларнинг синтактик синонимикаси масаласи. «Уч. зап. ТГПИ», № 4, Ташкент.

## 1964

Нисбий сўзларнинг эргашган қўшма гап компонентларини бириктиришдаги роли. «Совет мактаби» журнали, 3- сон, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашиш формалари. «Уч. зап. ТГПИ», кн. 2, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Александр Константинович Боровков

Атоқли турколог ва шарқшунос, Ўзбекистон (1943) ва СССР (1958) Фанлар академияларининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1943), профессор (1935) А. К. Боровков ўзбек тилшунослигининг ривожланишида етакчи роль ўйнаган олимлардан биридир.

А. К. Боровков 1904 йилнинг 16 мартида Тошкентда ишчи оиласида туғилди, бошланғич, ўрта ва олий маълумотларни ҳам шу ернинг ўзида олди. У 20 ёшидан бошлаб Ўрта Осиё Давлат музейида илмий ходим, Ўрта Осиё Давлат университетининг медицина ва қишлоқ хўжалик факультетларида ўзбек тили ўқитувчиси вазифаларида ишлади, айни пайтда университетнинг шарқ факультетида таҳсил ҳам кўрди. 1928 йилда университетни муваффақиятли тугатиб, Ленинград Давлат университетида ўзбек ва уйғур тилларидан дарс бера бошлади, шу давр ичида СССР Фанлар академиясининг Тил ва тафаккур институти аспирантурасида ҳам ўқиди. 1929 йилда аспирантурани тамомлаб, Ленинград Тилшунослик илмий текшириш институтида, 1934 йилдан 1960 йилгача эса СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим, бўлим мудири ва, ниҳоят, директорнинг илмий ишлар бўйича муовини лавозимларида ишлаб келди. 1961 йилдан умрининг охиригача СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг Ленинград бўлимида директор бўлиб хизмат қилди.

Александр Константинович Боровковнинг илмий фаолияти унинг студентлик йилларидаёқ бошланган эди: у 1927 йилда машҳур «Алпомиш» достонининг мазмунини Шаҳристонда биринчи бўлиб ёзиб олди. 1928 йилда эса «Игры узбекских детей» ва «Дорвоз» номли этнографик асарларини яратди.

А. К. Боровковнинг илмий фаолияти кўп қиррали ва ниҳоятда сермаҳсул бўлди: у қорачай-булғор тили мутахассиси сифатида «Карачаево-балкарский язык», «Очерки карачаево-балкарской грамматики», ўзбек тили мутахассиси сифатида «Узбекский литературный язык», қорақалпоқ тилининг тадқиқотчиси сифатида «Об очередных вопросах изучения каракалпакского языка», рус тили мутахассиси сифатида «Рус тили



www.ziyouz.com kutubxonasi

грамматикасининг қисқача очерки», уйғуршунос сифатида «Учебник уйгурского языка» (бу дарслик учун А. К. Боровков 1935 йилда филология фанлари кандидати илмий даражасини ва профессорлик унвонини олишга муяссар бўлган), тилшунос-философ сифатида «Новое учение о языке», назариётчи-фонолог сифатида «Природа тюркского изафета», тил тарихи бўйича мутахассис сифатида «А. Навои как основоположник узбекского литературного языка», «Очерки истории узбекского языка», диалектолог сифатида эса «Вопросы классификации узбекских говоров» каби асарларини яратди.

А. К. Боровковнинг ўзбек лексикографияси тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳам бениҳоя катта бўлди. У 1950—55 йилларда чиққан беш томлик ва бир томлик «Русча-ўзбекча луғат»ларни ҳамда 1959 йилда нашр бўлган «Ўзбекча-русча луғат»ни тузиш ишига бевосита раҳбарлик қилди, эски ўзбек тилида ёзилган Тафсирнинг луғатини ишлаб чиқди, Замахшарийнинг тўрт тилли «Муқаддиматул адаб» асарининг туркий қисмини текширди, уни манбалар билан таққослаб, қиёсий луғат ҳам тузди, ҳиротлик Толеъ Имонийнинг XV асрда яратган «Бадойъеул-луғат»ини бошқа луғатларга қиёслаб, 1961 йилда нашр эттирди.

А. К. Боровков улкан тилшунос бўлибгина қолмай, этнограф ва ҳатто тарихчи ҳам эди. Унинг «Игры узбекских детей», «Дорвоз», «Несколько общих замечаний об источниках по истории туркмен в XVI—XIX вв», «История Царствования Алла-Кулихана» номли асарлари бунинг ёрқин далилидир.

А. К. Боровков Ленинград туркология мактабининг атоқли арбоблари В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, Ф. Е. Корш, А. Н. Самойлович, С. Е. Маловларнинг традицияларини ҳормай-толмай давом эттирди.

Олимдан 150 дан ортиқ монография, дарслик ва бошқа типдаги илмий тадқиқотлар мерос қолди. У меҳрибон мураббий сифатида 50 дан ортиқ юксак малакали тилчи кадр етиштирди.

Партия ва Ҳукуматимиз А. К. Боровковнинг бу хизматларини муносиб тақдирлаб, уни Ленин ордени (1953), Меҳнат Қизил Байроқ ордени (1956), «Ҳурмат белгиси» ордени (1949), медаллар ва Фахрий Ёрлиқлар билан мукофотлаган.

Асарлари:

1928

Игры узбекских детей. Сб. научного кружка при Восточном факультете Среднеазиатского государственного университета, вып. I, Ташкент.

Дорвоз. Известия Средазкомстатиса, III, Ташкент.

1932

Карачаево-балкарский язык. Яфетический сб., VII, Л.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1934

Об очередных вопросах изучения каракалпакского языка. Каракалпакия. Труды первой конференции по изучению производительных сил Каракалпакской АССР, т. II, Л.

Узбекский литературный язык, Сб. «Язык и мышление», II, Л.

## 1935

Природа «турецкого изафета». Сб. «Академику Н. Я. Марру», М.—Л.

Об единой карачаево-балкарской орфографии. Изв. АН СССР, Отделение общественных наук, № 5.

Уйгурско-русский словарь (литогр.), Ленинград.

Учебник уйгурского языка. Изд. Ленинградского Восточного института, № 52, Ленинград.

Очерки карачаево-балкарской грамматики. Сб. «Языки Северного Кавказа и Дагестана», I, М.—Л.

Предисловие к словарю А. Амирова „Өzbek tilidagi sovet internatsional sөzlar imla lugatcasi," Taskent.

## 1936

Новое учение о языке и проблема изучения национальных языков. Сб. «ВЦК нового алфавита — Н. Я. Марру», Москва.

О частях речи в языках тюркской системы. Сб. «Революция и письменность», № 2, Москва.

## 1937

О некоторых очередных вопросах орфографии узбекского литературного языка. «Записки ИВ АН СССР», VI, Москва—Ленинград.

## 1938

Несколько общих замечаний об источниках по истории туркмен в XVI—XIX вв. Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. II, (П. П. Иванов билан ҳамкорликда) Москва—Ленинград.

История царствования Алла-Кули-хана. Извлечения из «Рияз-уд-довле», сочинения Мухаммед Риза мираба Агехи. Перевод. Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. II, М.—Л., 1938.

## 1939

Өzbek tilinin̡ jan̡i orfografija projekti, Ozbek Fanlar komitetinin̡ nasrijati, Taskent (ҳамкорлар — О. Усмонов, Ф. Камолов, Б. Азизов).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1940

Алишер Навои (к 500-летию со дня рождения). СВ, I.

Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики). «Изв. УзФАН СССР», № 7, Ташкент.

Новый узбекский алфавит. Журн. «Литература и искусство Узбекистана», кн. III, Ташкент.

Изучение жизни и творчества Алишера Навои. Сб. «Родоначальник узбекской литературы», Ташкент.

## 1941

Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг. Ташкент.

## 1942

Краткий очерк русской грамматики. Русско-узбекский словарь. Ташкент.

Узбекское языковедение. Сб. «25 лет советской науки в Узбекистане», Ташкент.

## 1944

Вопросник для собирания материалов по узбекским говорам. Ташкент.

## 1946

К вопросу о родственных отношениях корейского и «алтайских» языков.—«Изв. АН СССР», Серия VI, т. XXI, № 15—17, Ленинград.

Краткая фонетическая характеристика китайского языка (пекинского говора северно-мандаринского наречия), М.



www.ziyouz.com kutubxonasi

О новом китайском алфавите «Чжу-инь цзы-му». «Революционный Восток», № 2.

## 1928

Введение в языкознание для востоковедных вузов, Ленинград.

Специфические особенности последнего десятилетия (1917—1927) в истории нашей лингвистической мысли. (Сўз боши ўрнида), «Уч. зап. Ин-та языка и лит-ры Российской ассоциации научно-исслед. ин-тов общественных наук (РАНИОН)», т. III, М.

Материалы по японской акцентологии. I. Говор Тоса,— «Ученые записки Института языка и литературы Российской ассоциации научно-иследовательских ин-тов общественных наук», т. III, М.

Факторы фонетической эволюции языка, как трудового процесса. I. Обзор процессов характерных для языкового развития в эпохе натурального хозяйства (юқоридаги тўпламда).

Задачи социальной диалектологии русского языка. Журнал «Родной язык и литература в трудовой школе», № 2, № 4—5, Москва.

Русский язык сегодняшнего дня. Журнал «Литература и марксизм», кн. 4, Москва.

Образцы не-сингармонистических (иранизованных) говоров узбекского языка. «Докл. АН СССР», (Серия) В. Л. № 5 (I. Каршинский говор города Бегбуди), № 14 (II. Вокализм говора гор. Самарканда. Глава из описания двуязычной системы), № 15 (III. Самаркандский говор. Д а в о м и).

Пособие по китайской транскрипции (Н. Попов — Татива билан ҳамкорликда), II, Москва.

Итоги унификационной работы. «К проекту унифицированного НТА, принятому на I Пленуме, VI 1927», статья I, Сб. «Культура и письменность Востока», кн. I, Москва.

К вопросу о заглавных буквах (юқоридаги тўпламда).

Об обозначении долготы гласных в НТА. III, Баку (юқоридаги тўпламда).

О буквах k и g (юқоридаги тўпламда).

Рецензия на книгу Н. И. Конрада «Японская литература в образцах и очерках» (т. I),— «Новый Восток», кн. 20—21, Москва.

Основные формы графической революции в турецких письменностях СССР,— «Новый Восток», кн. 23—24.

Из хроники современных национальных график СССР (Проект ассирийского алфавита на русской основе). Журнал «Революционный Восток», № 4—5, Москва.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Одно из доказательств общности происхождения арабского и европейского алфавитов. Сб. «Культура и письменность Востока», кн. V, Баку.

Образцы неиранизованных (сингармонистических) говоров узбекского языка. I. Говор города Туркестана. II. Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд).— «Изв. АН СССР», серия VII, отделение гуманитарных наук, № 7.

Круг современных проблем современной лингвистики. Журнал «Русский язык в советской школе», № 1, Москва.

1930

Акцентуация. «Литературная энциклопедия», т. I, Москва.

Аллитерация. «Литературная энциклопедия», т. I, Москва.

Албанский язык. «Литературная энциклопедия», т. I, Москва.

Грамматика японского разговорного языка. (Труды Моск. ин-та востоковедения им. Н. Н. Нариманова, XIV) (О. В. Плетнер билан ҳамкорликда), Москва.

Грамматика современного китайского языка. (Труды ин-та востоковедения им. Н. Н. Нариманова, XV) (А. Н. Иванов билан ҳамкорликда), Москва.

О гольдах (Очерк). В кн.: В. Ошанин, Стойбище Оймеконск Роман, Москва-Ленинград.

1931

За марксистское языкознание. Сб. «Популярные лингвистические статьи», Москва.

Японский язык, БСЭ, т. 65, Москва.

Историко-фонетический очерк японского консонантизма. «Уч. зап. ин-та языка и лит-ры РАНИОН», Лингвистич. секция, т. 4, Москва.

Корейский язык. «Лит. энциклопедия», т. 5, Москва.

Za perception des sons d'une langue étrangère, „Travaux du Cercle linguistique de Prague", 4. Prague.

1933

Некоторые фонетические особенности каракалпакского языка («Труды Хорезмской экспедиции»), Ташкент.

Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. (К современной стадии узбекского языкового строительства), Ташкент.

Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1957

Фразеология. «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент.

Модал сўзлар. «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг асарлари. Ўзбек тили масалалари, Янги серия, 104-чиқиши, филология фанлари, 11-китоб, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар. (Юқоридаги «Асарлар».)

Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий кўринишлари. (Юқоридаги «Асарлар».)

1960

Ўрта мактабларнинг 5-синфи учун немис тили дарслиги. (Ҳамкор), тўртинчи нашри, Тошкент.

1961

Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати. (Ҳамкор), Тошкент.

Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке. Труды СамГУ им. А. Навои, Вопросы фразеологии, Новая серия, вып. 106, Самарканд.

1962

Жамловчи сон ясалишидаги чекланишнинг сабаби ҳақида бир мулоҳаза. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Филология факультетларининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида сиртдан ўқувчи студентлар учун «Ҳозирги ўзбек тили» курсидан контрол ишлар (ушбу асарнинг иккинчи нашри 1963 йилда босилган), Тошкент.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидан программа (университетларнинг филология факультетлари учун). Ҳамкор — С. Фузаилов, Тошкент.

Луғавий бирликларнинг замонийлиги жиҳатдан гуруҳланиши ва номланиши масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1963

О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц. Научные труды ТашГУ, Новая серия, вып. 211, филологические науки, кн. 24, Ташкент.

Архаизм ва историзм. Научные труды ТашГУ, Новая серия, вып. 211, филологические науки, кн. 24, Ташкент.




www.ziyouz.com kutubxonasi

Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

Узбекский язык для взрослых (самоучитель), ч. I (ҳамкор), Ташкент.

1964

Феъл фразеологик бирликларда мослашув. Научные труды ТашГУ, Новая серия, вып. 260, филологические науки, кн. 25, Языкознание, Ташкент.

Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси. Труды ТашГУ, Новая серия, вып. 268, филологические науки, кн. 26, Ташкент.

Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Тошкент.

1965

Лексикология ҳамда фразеология. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (сиртдан ўқувчилар учун қўлланма), Тошкент.

1966

Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент.



# Виктор Васильевич Решетов

СССР (1968 йилгача РСФСР) Педагогика фанлари академиясининг академиги, шу академиянинг Президиуми аъзоси (1959), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), филология фанлари доктори (1952), профессор (1952) В. В. Решетов совет тилшунослигида салмоқли ўрин тутган лингвистлардан биридир. У 1952 йилдан бери КПСС аъзоси.

В. В. Решетов 1910 йил 23 мартда Тошкентда туғилди.

1926 йилда мактабни тугатгач, Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг туркология бўлимига ўқишга кирди, бироқ, шарқ факультетини эмас, балки педагогика факультетининг тил ва адабиёт бўлимини тугатди, чунки 1931 йилда шарқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

факультети педагогика факультетига айлантирилган эди (кейинчалик бу факультет Душанбага кўчирилди). Факультетни битиргач, унга олий ўқув юртларининг рус группаларида ўзбек тили ва рус бўлмаган группаларида рус тили ўқитувчиси ихтисоси берилди. Бу икки профилли ихтисос В. В. Решетовнинг бутун илмий-педагогик фаолиятига таъсир қилди. Натижада унинг кўп асарлари икки тилда босилди.

В. В. Решетовнинг педагогик фаолияти 1929 йилдан бошланган: у студентлик давридаёқ Ўрта Осиё Давлат университети қошидаги ишчилар факультетига ўқитувчи қилиб тайинланган эди, айни пайтда шу факультет кечки бўлимининг ўқув ишларига мудирлик ҳам қиларди.

1933—34 ўқув йилида В. В. Решетов Маданий қурилиш илмий-текшириш институти (УзНИИКС)нинг аспирантурасига ўқишга кирди. Бу институт тез орада ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар комитети составига кирди. В. В. Решетов аспирантурада узоқ ўқимади: у 1934 йилнинг ўзидаёқ Тил ва адабиёт институтининг тил секторига кичик илмий ходим бўлиб ишга ўтди. Ўша вақтда институтда проф. Е. Д. Поливанов ишлар эди. Атоқли олим билан бир институтда хизмат қилиш В. В. Решетовнинг ижодий йўлини (ўзбек диалектологияси, ўзбекларга рус тили ўқитиш методикаси бўйича ихтисослашишни) ҳам маълум даража белгилаб берди.

Бу даврда олим Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги марҳум И. А. Батманов, проф. Улуғ Турсунов билан бирга ишлади, Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги К. К. Юдахин ва СССР ҳамда ЎзССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси проф. А. К. Боровков билан ижодий муносабатда бўлиб турди. Буларнинг ҳаммаси В. В. Решетовнинг ижодий ўсишига самарали таъсир кўрсатди.

В. В. Решетов ўзининг педагогик фаолияти давомида қуйидаги олий ўқув юртларида хизмат қилди:

1) 1929 йилдан 1959 йилгача В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида (дастлаб ўқитувчи, ишчилар факультети ўқув бўлимининг мудири, доцент, кейинчалик профессор вазифасида);

2) 1935 йилдан 1960 йилгача вақт-вақти билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида (доцент, кафедра мудири, рус тили ва адабиёти факультетининг декани, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори вазифаларида), Тошкент чет тиллар педагогика институтида (профессор, умумий тил билими ва рус тили кафедрасининг мудири вазифаларида);

3) 1963 йилдан ҳозирга қадар Республика рус тили ва адабиёти институтида (ректор лавозимида).



www.ziyouz.com kutubxonasi

В. В. Решетовнинг илмий-тадқиқот институтларидаги хизмати:

1) 1934 дан 1955 йилгача: ЎзССР Фанлар комитетининг Тил ва адабиёт институтида (илмий ходим вазифасида), СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалида (катта илмий ходим, сектор мудири, илмий секретарь вазифаларида), ЎзССР Фанлар академиясида (сектор мудири, илмий секретарь, директор ўринбосари, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида директор вазифасида);

2) 1960—1963 йилларда РСФСР Педагогика фанлар академиясининг Миллий мактаблар илмий-текшириш институтида (директор вазифасида);

1940 йилда В. В. Решетов «Ўзбек тилининг Марғилон шеваси» деган темада кандидатлик диссертацияси, 1952 йилда эса «Оҳангарон водийсининг қурама шевалари» деган темада (СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида) докторлик диссертацияси ёқлаган.

В. В. Решетов Москвада РСФСР Педагогика фанлари академиясида ишлаш давомида СССР Фанлар академиясининг тилшунослик институти ишларида ҳам қатнаб турди, хусусан, рус тили орфографиясини тартибга солиш комиссиясининг, «Социалистик миллатларнинг ташкил топишида миллий тилларнинг тараққиёт қонуни» проблемаси бўйича Илмий советнинг аъзоси бўлди, «Русский язык в национальной школе» журналининг Бош редактори бўлиб хизмат қилди. Шу йилларда у рус бўлмаган мактабларда рус тили ўқитиш методикасини яратиш ташаббускори бўлди.

1963 йилнинг ноябрида В. В. Решетов Москвадан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборилди. Бу ерда у Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг ректори қилиб тайинланди. Олим ҳозир ҳам шу вазифада ишлаб турибди.

В. В. Решетов 1967 йилнинг августида СССР Министрлар Совети томонидан СССР Педагогика фанлари академиясини ташкил қилиш иши бўйича таъсисчи академик қилиб тайинланди (бу вазифада у СССР Педагогика фанлари академиясининг академиклари ва мухбир аъзоларини сайлаш бўйича эксперт комиссиясининг ишида қатнашди).

В. В. Решетов 140 дан ортиқ монография, дарслик, мақола ва тезислар автори, 40 дан ортиқ монографик тўплам, ахборот, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг муҳарриридир. У бир қанча нашриётлар редколлегиясининг аъзоси.

В. В. Решетовнинг илмий ишлари фактик материалларнинг чуқур ўрганилиши, хулоса ва назарий умумлашмаларининг кучлилиги билан ажралиб туради. Унинг биринчи илмий иши вақтли ўзбек матбуотининг лексик составига тегишли эди. Бунда



www.ziyouz.com kutubxonasi

у лингвистик статистика усули билан этимологик планда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг лексикасини текширган.

В. В. Решетовнинг илмий фаолиятида ўрта мактаб ва олий ўқув юрти дарсликлари, ўқув-методик қўлланмалари катта ўрин тутади. Унинг ўзбек тили грамматикаси бўйича ёзган асарлари, хусусан, бизда ва чет элларда ижобий баҳоланган ўзбек тили фонетикасига оид капитал асари айниқса диққатга сазовордир.

Ўзбек диалектологияси бўйича ҳам В. В. Решетов ниҳоятда катта ишлар қилган: у айрим шеваларни анализ қилибгина қолмай, балки уларнинг классификациясини берган, ўзбек шеваларини ўзбек халқининг этногенези билан боғлиқ ҳолда ўрганиб, қатор масалаларни тарихий-лингвистик планда ҳал қилган, ҳозирги ўзбек адабий тилининг диалектал асосини, ўзбек шеваларининг территориал аралаш ва турк бўлмаган тиллар билан ўзаро муносабатини аниқлаб берган.

В. В. Решетов ўзбек диалектологиясининг актуал назарий масалаларини монографик тадқиқот қилиш ва айрим шева ҳамда диалектларни лингвистик география методи билан тавсиф этишдан ташқари, олий мактабларда ўзбек диалектологиясини ўқитиш ишларини яхшилашга ҳам катта аҳамият берди.

В. В. Решетовнинг ўзбек диалектологиясига оид кўпгина асарлари фақат умумтуркологик аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки умумлингвистик аҳамиятга ҳам эгадир, чунки уларда турли системадаги тилларнинг ўзаро таъсири ва социал билингвизмнинг келиб чиқиш масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда кўп асрлардан буён текшириш объекти бўлиб келаётган ўзбек ва тожик тиллари муносабати масаласини эслатиб ўтиш мумкин.

Кейинги ўн йилликда В. В. Решетов миллий мактабларда рус тилини ўқитиш методикаси бўйича ҳам кўпгина ишлар қилди, хусусан, рус тили грамматикаси дарслигини ўзбек тилида биринчи бўлиб яратди. Кейинчалик бу дарслик қайта ишланди ва тўлдирилди.

Юқорида келтирилган далиллар В. В. Решетовнинг илмий-педагогик диапозони ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

В. В. Решетов мураббий олим сифатида ҳам анча сермаҳсулдир: унинг бевосита раҳбарлигида маҳаллий миллат вакилларидан, биринчи навбатда ўзбеклардан, бир неча киши (М. М. Мирзаев, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов, А. Р. Рустамов ва бошқалар) фан доктори бўлган, 20 дан ортиқ киши эса фан кандидати илмий даражасини олган.

В. В. Решетовнинг самарали илмий-педагогик фаолияти Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлангандир: у «Меҳнат Қизил байроқ» (1951) ва «Ҳурмат белгиси» (1965) орденлари, «Шуҳратли Меҳнати учун» (икки марта: 1945,



www.ziyouz.com kutubxonasi

1970), «Н. К. Крупская» (1970), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» (1964), «Тошкент қурувчиси» (1967) медаллари билан ҳамда «Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочиси» (1960), «Озарбайжон ССР Халқ маорифи аълочиси» (1970) значоклари, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари Президиуми Фахрий Ёрлиқлари билан (1949, 1950, 1960, 1967, 1970) мукофотланган.

В. В. Решетов Республика жамоат ҳаётида ҳам актив иштирок этмоқда. У Тошкент Шаҳар ижроия комитетининг депутати, райком партия Пленумининг аъзосидир.

Асарлари:

1934

Лексический состав современной узбекской прессы. «Проблемы языка», т. I, тўплам, Ташкент.

Грамматика узбекского языка для преподавателей узбекского языка. Самарканд-Ташкент.

1935

Учебник узбекского языка для 3—4 классов русской начальной школы. Ташкент.

Учебник узбекского языка для 5—6 классов русской школы. Ташкент.

Учебник узбекского языка, ч. III, Ташкент.

1936

Краткая русская грамматика. Морфология, Ташкент.

Краткий узбекско-русский словарь. Ташкент.

Учебник узбекского языка для 3—4 классов русской начальной школы. (Иккинчи нашри), Ташкент.

1937

Учебник узбекского языка для 3—4 классов русской начальной школы. (Учинчи нашри), Ташкент.

1940

Программа по узбекскому языку для студентов заочного педагогического института. Издание НКП УзССР, Ташкент.

1941

Маргеланский говор узбекского языка. Известия УзФАН СССР, № 3, Ташкент.

Некоторые замечания по консонантизму и морфологии маргеланского говора узбекского языка. Известия УзФАН СССР, № 4, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узбекско-русский словарь. Издание УзФАН СССР (ҳамкор), Ташкент.

Программа по узбекскому языку для студентов вузов УзССР. Издание Наркомпроса УзССР, Ташкент.

1942

Русско-узбекский словарь. (Ҳамкор), Ташкент.

Рус тилининг қисқача грамматикаси. Тошкент.

1945

К вопросу о термине «курама» и о «кураминцах». Бюл. Академии наук УзССР, № 5, Ташкент.

1946

Современный узбекский язык, ч. I. (Элементы фонетики, морфологии и синтаксиса). Пособие для студентов вузов, преподавателей узбекского языка в русских группах и русского языка в узбекских, Ташкент.

Классификация узбекских говоров Ангренской долины. Бюл. АН УзССР, № 7, Ташкент.

1947

Некоторые замечания о каракалпаках Ташкентского оазиса и их языке. Бюл. АН УзССР, № 3, Ташкент.

К вопросу о транскрипции. «Уч. зап. Таш. гос. пед. и учительского института им. Низами», вып. I, Ташкент.

1948

О категории настоящего времени в узбекском языке. Доклады АН УзССР, № 5, Ташкент.

Узбекский язык в русских группах. Программа, Ташкент.

1949

Узбекские народные говоры. Тезисы научных докладов на сессии АН УзССР, Ташкент.

1950

К вопросу об изучении узбекских народных говоров. Юбилей тўплами, Тошкент.

Общая характеристика особенностей узбекского вокализма. Труды Института языка и литературы им. А. С. Пушкина АН УзССР, вып. I, Ташкент.

О построении курса русского языка для узбекских групп высших учебных заведений. Известия АН УзССР, № 1, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1951

Краткий справочник по лингвистической терминологии. Министерство просвещения УзССР, Ташкент.

Программа по узбекскому языку для русских групп пединститутов. Издание Минпроса УзССР, Ташкент.

Об одном узбекском падеже. Тюркологический сб., I, Москва.

## 1952

Некоторые вопросы узбекской диалектологии. Сб. «Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана», Ташкент.

О диалектной основе узбекского литературного языка. Сб. «К вопросам узбекской орфографии и терминологии», Ташкент.

Состояние и задачи узбекской диалектологии (тезисы доклада). Сб. «Республиканская конференция по вопросам развития узбекского языкознания...». Издание АН УзССР, Ташкент.

Ўзбек диалектологиясининг аҳволи ва вазифалари (доклад тезислари), Тошкент.

Республиканская научная конференция по вопросам развития узбекского языкознания... Известия АН УзССР, № 4, Ташкент.

Кураминские говоры Ташкентской области. Фонетическая и морфологическая система. Автореферат диссертации, представленной на соискание ученой степени доктора филологических наук. Издание АН УзССР, Ташкент.

Построение курса узбекской диалектологии. Семинар преподавателей языковедческих кафедр вузов Узбекской ССР. Тезисы докладов. Издание АН УзССР, Ташкент.

Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Издание Минпроса УзССР, Ташкент.

## 1953

Узбекское языкознание на новом этапе развития. Известия АН УзССР, № 4, Ташкент.

Ценный вклад в советскую тюркологию. Известия АН УзССР, № 4, Ташкент.

О наманганском говоре узбекского языка. Сб. «Академику Владимиру Александровичу Гордлевскому к его семидесятипятилетию», Москва.

Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар. Ҳозирги замон ўзбек тилидан материаллар, Тошкент.

## 1954

Состояние и задачи узбекской диалектологии. Сб. «Вопросы узбекского языкознания», Издание АН УзССР, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Программа по узбекской диалектологии. Издание Минпроса УзССР, Ташкент.

1955

О диалектной основе узбекского литературного языка. Журнал «Вопросы языкознания», № 1, Москва.

Узбекский литературный язык и его отношение к диалектам. Открытое расширенное заседание Ученого совета Института языкознания АН СССР, 13—16 июня 1955 г. Тезисы докладов и выступлений, Москва.

Об узбекском языке. Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Издание АН УзССР, Ташкент.

Программа по узбекскому языку в русских группах педагогических институтов. Издание Минпроса УзССР, Ташкент.

1956

К вопросу о взаимоотношении узбекских и южных киргизских говоров. Труды Института языка и литературы АН Кирг. ССР, вып. VI, Фрунзе.

Диалектная основа узбекского национального языка. «Координационное совещание по вопросам диалектологии тюркских языков», Баку.

Узбекский язык. БСЭ (второе изд.), т. 44, Москва.

1957

Подготовка преподавателей русского языка для узбекских школ. Журнал «Русский язык в национальной школе», № 2, Москва.

Изучение узбекских народных говоров. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилшунослигидаги баъзи бир актуал проблемалар. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, II, Тошкент.

Русско-узбекский словарь. (Ҳамкор), Ташкент.

Рус тили грамматикаси. Қисқача очерк, Тошкент.

Программа по узбекской диалектологии (для факультетов узбекского языка и литературы педагогических институтов). Ташкент.

Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков (для студентов факультета языка и литературы педагогических институтов). Ташкент.

Программа по узбекскому языку в русских группах педагогических институтов. Ташкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили. (Ҳамкор), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1958

Ўзбек тилшунослигидаги актуал проблемалар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

О подготовке преподавателей русского языка для узбекских школ. «Межреспубликанская научная конференция по вопросам улучшения преподавания русского языка в национальных школах», Стенографический отчет, Ташкент.

Опорный диалект при образовании узбекского национального языка. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», I, Баку.

О диалектологическом атласе узбекского языка. «Второе региональное совещание по диалектологии тюркских языков», Казань.

## 1959

К вопросу об оканье в тюркских языках. Известия АН Казахской ССР, Алма-Ата.

Фонетическая структура слова. Труды Ташкентского ГПИ им. Низами, Ташкент.

Узбекский язык, ч. I. (Введение. Фонетика), Ташкент.

Ўзбек диалектологияси. Программа, уқтириш хати, адабиёт, Тошкент.

Монографическое изучение диалектов (на материале некоторых тюркских языков). Тезисы докладов на V Всесоюзном координационном совещании, посвященном вопросам изучения диалектов и говоров на территории СССР, Кишинев.

Над чем работают ученые. Журнал «Вопросы языкознания», вып. I, Москва.

## 1960

Рус тили грамматикаси. (Ҳамкор — Л. В. Решетова), Тошкент.

Ўзбек тили диалектларини монографик ўрганиш. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Монографическое изучение диалектов (на материале некоторых тюркских языков). Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», II, Баку.

Ўзбек тилининг қарлуқ-чиғил-уйғур лаҳжаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Узбекский национальный язык. «Вопросы формирования и развития национальных языков. Труды института языкознания АН СССР, Москва.

Роль диалектных данных узбекского языка при разработке сравнительной грамматики тюркских языков. Третье региональное совещание по вопросам диалектологии тюркских языков. Тезисы доклада, Баку.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Ташкент.

Программа по узбекскому языку в русских группах педагогических институтов. Ташкент.

Ўзбек тилшунослигининг отахони. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

1961

Некоторые актуальные вопросы изучения русского языка в национальной школе. Журнал «Русский язык в национальной школе», № 1, Москва.

Об основных направлениях научно-исследовательской работы в области преподавания русского языка в национальной школе. Тезисы докладов, Махачкала.

Некоторые вопросы научно-исследовательской работы в области преподавания русского языка в национальной школе. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 2, Ташкент.

Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент.

Константин Кузьмич Юдахин и узбекское языкознание. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II тўплам, Тошкент.

Карлуко-чигиле-уйгурская языковая общность узбекского языка. «Уч. зап. Института иностранных языков», Ташкент.

Монографическое изучение диалектов (на материале некоторых тюркских языков), Кишинев.

Об узбекской грамматической терминологии. Сб. «Вопросы терминологии», Москва.

К вопросу о методах изучения истории тюркских языков. Сб. «Вопросы методов изучения истории тюркских языков», Ашхабад.

1962

Изучение литературных национальных языков в диалектных условиях. Сб. «Русский и родной язык», Москва.

Ўзбек диалектологияси. (Ҳамкор — Ш. Шоабдураҳмонов), Тошкент.

Задачи преподавания русского языка в национальной школе в свете решений XXII съезда КПСС. Журнал «Русский язык в национальной школе», № 4, Москва.

Улучшить учебники русского языка для национальных школ РСФСР. (Ҳамкор — С. С. Филиппов), журнал «Русский язык в национальной школе», № 5.

Основные итоги разработки вопросов письменности и развития литературных языков народов СССР. Всесоюзная конференция, посвященная закономерностям развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху (тезисы докладов), Коллективный доклад: В. В. Виноградов — руководитель,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Б. А. Серебренников, В. В. Решетов, Ю. Д. Дешериев, П. Я Скорик. Алма-Ата.

Задачи преподавания русского языка в свете решений XXII съезда КПСС. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 4.

Задачи преподавания русского языка в свете решений XXII съезда КПСС. Журнал «Русский язык в казахской щколе», № 7.

## 1963

Основные проблемы методики преподавания русского языка в национальной школе. Махачкала.

Программа по узбекскому языку для русских групп педагогических институтов. Ташкент.

Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Ташкент.

Ўзбек диалектологиясидан программа. Тошкент.

Вопросы формирования фонетических систем узбекских городских говоров. Тезисы докладов на IV региональном совещании по диалектологии тюркских языков, 27—30 мая 1963 г., Фрунзе.

Преподавание русского языка в национальных школах СССР. Статья для Юнеско.

Основные итоги и задачи разработки вопросов письменности и развитие литературных языков народов СССР. (Ҳамкорлар — В. В. Виноградов, Б. А. Серебренников, П. Я. Скорин, Н. А. Баскаков), журн. «Вопросы языкознания», № 3.

## 1964

Задачи преподавания русского языка в национальной школе в свете решений июньского Пленума ЦК КПСС. Сб. «В помощь учителю национальной школы», Москва.

Новый институт и особенности учебного плана. Журн. «Русский язык в узбекской школе», № 2, Ташкент.

Научно-исследовательская работа в Институте русского языка и литературы. «Уч. зап», вып. I, Ташкент.

Русский язык в национальной щколе. Журнал «Народное образование», № 6, Москва.

## 1965

Атоқли туркологолим. «Ўзбек тили ва адабиёти журнали», 3- сон, Тошкент.

Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент.

Задачи преподавания русского языка в национальной школе в свете решений XXII съезда КПСС. Сб. «Велик и могуч», Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1966

Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Ташкент.

Программа по узбекскому языку для русских групп педагогических институтов. Ташкент.

Ўзбек диалектологиясидан программа. Тошкент.

Программа по русскому языку для национальных групп педвузов. Ташкент.

Ўзбек шеваларининг классификацияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Учебный план и объяснительная записка для национальных групп. Ташкент.

Преподавание русского языка в различных узбекских диалектных условиях. Журн. «Русский язык в узбекской школе», № 2, Ташкент.

О подготовке учителей русского языка для национальных школ. Журн. «Русский язык в национальной школе», № 4, Москва.

Узбекский язык. «Языки народов СССР», т. II, Тюркские языки, Москва.



## Алибек Рустамов

Филология фанлари доктори (1967), профессор (1968) Алибек Рустамов истеъдодли ёш олимлардан биридир.

У 1931 йилда Тошкент областининг Янгийўл шаҳрида туғилди. Ўрта маълумотни Янгийўлдаги Навоий номли мактабда олди. Алибекнинг ўзбек тилшунослигига, айниқса, тил тарихи ва шарқшуносликка бўлган қизиқиши уни 1949 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети Шарқ факультетига олиб келди.

Бўлажак олим студентлик йилларидаёқ эрон, афғон, тожик, араб, инглиз ва рус тилларини ўрганишга жиддий киришди, бу тилларни ҳатто чоғиштирма аспектда ўргана борди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқишни имтиёзли диплом билан тугатган Алибек Рустамов 1955—57 йилларда мазкур университетнинг филология факультетида лаборант ва ўқитувчи бўлиб ишлади. 1957 йилда эса шу факультет қошидаги аспирантурага кириб ўқий бошлади, ниҳоят, 1959 йилда академик В. В. Решетов раҳбарлигида «Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги баъзи грамматик хусусиятлар» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик шу теманинг ўзини чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишга, улуғ шоир тилини янада мукаммалроқ ёритишга бел боғлади, шу мақсадда «Алишер Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари» номли йирик проблематик тадқиқотни бошлаб юборди.

Алибек Рустамов 1960—61 йилларда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг тил тарихи секторида катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1961 йилнинг ўрталаридан ТошДУнинг эрон-афғон филологияси кафедрасига доцент бўлиб ўтди, бу ерда араб ва форс тилларидан ҳамда тил назариясидан дарс бера бошлади. 1965 йилда эса у Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида янги очилган умумий тилшунослик кафедрасига мудир қилиб тайинланди.

Олимнинг «Ўзбек тилидаги **-ки (-ким)** боғловчисининг синтактик вазифаси», «Маҳбубул-қулуб»даги баъзи сўз ясовчи аффикслар», «А. Навоий тилида «у» боғловчисининг ишлатилиши», «Навоий асарлари муқаддимаси тилининг бир хусусияти ҳақида», «XV аср ўзбек адабий тилининг вокализми», «Сабъаи сайёр» тилининг бадиий хусусияти», «Навоий «Баҳромнома»-сининг номи ҳақида» каби мақолалари А. Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган жиддий тадқиқотлардан саналади. Олим бу ишларини умумлаштириб, буюк мутафаккир туғилган куннинг 525 йиллиги арафасида «Алишер Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари» номли капитал асарини яратди, уни 1966 йилнинг 20 декабрида ЎзССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар Бирлашган Илмий советида докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилди.

1968 йилда Алибек Рустамовга профессорлик унвони ҳам берилди.

Олимнинг ҳозиргача эски ўзбек тили, ҳозирги замон ўзбек тили, эрон-афғон тилшунослиги, адабиётшунослик назарияси ва поэтик таржимага доир 40 дан ортиқ иши эълон қилинган.

Асарлари:

1954

Классик асарларнинг пухта таҳлили учун. «Шарқ юлдузи» журнали, 2-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1955

Ўзбек классик асарлари учун луғат. «Шарқ юлдузи» журнали, 7-сон, Тошкент.

1957

Ўзбек тилидаги **-ки** (**-ким**) боғловчисининг синтактик вазифаси. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, ўзбек тили масалалари, XI, Тошкент.

1958

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги баъзи бир эски ўзбек тилига хос хусусиятлар. Труды аспирантов САГУ им. В. И. Ленина, вып. 4, Ташкент.

«Маҳбубул-қулуб»даги баъзи сўз ясовчи аффикслар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 12-сон, Тошкент.

1959

Алишер Навоий тилида «у» боғловчисининг ишлатилиши, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1961

«Каф» сўзи ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Навоий «Баҳромнома»сининг номи ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Навоий асарлари муқаддимаси тилининг бир хусусияти ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1962

XV аср ўзбек тилининг вокализми. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

Форс тилида дасотир сўзлари. ТошДУ, илмий ишлар, «Шарқ филологияси масалалари», Янги серия, 214-чиқиши (ҳамкор), Тошкент.

1963

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги баъзи морфологик элементлар. Уч. зап. ТашГПИИЯ, VIII.

Рус ва ўзбек тилларидаги от категориясининг баъзи хусусиятлари. Уч. зап. ТашГПИИЯ, VII (ҳамкор).

1964

«Сабъаи сайёр» тилининг бадиий хусусияти. В. И. Ленин номидаги ТошДУ илмий асарлари, 240-чиқиши, «Шарқ филологияси масалалари», Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳолат категорияси. В. И. Ленин номидаги ТошДУ илмий асарлари, 240-чиқиши, «Шарқ филологияси масалалари», Тошкент.

Арабские формы множественного числа в языке «Махбубулкулуб» Алишера Навои. «Вопросы тюркологии», Ташкент.

1966

Фонетико-морфологические особенности языка Навои, Автореферат на соискание ученой степени доктора филологических наук, Ташкент.



## Аҳмад Сафоев

Филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Сафоев 1915 йилда Хоразмнинг (ҳозир Туркманистондаги) Тошовуз шаҳрида этикдўз оиласида туғилди. 1923 йилдан бошлаб Тошовузда очилган совет мактабида, 1928—31 йилларда Тошкент туркман инпросида (педтехникумида) таълим олди, 1931 йилдан 1938 йилгача ўқитувчилик қилди, айни пайтда Тошкент педагогика институтининг икки йиллик ўзбек тили ва адабиёти бўлимини ҳам сиртдан ўқиб тугатди, 1938 йилдан бошлаб эса шу институтнинг рус тили ва адабиёти факультетида ўқий бошлади. Уни 1941 йилда тамомлаб, яна ўқитувчилик қилди. Бўлажак олим 1943—45 йилларда Улуғ Ватан урушида иштирок этди. Армиядан қайтгач, олдин Тошовузда, кейин Тошкент олий ўқув юртларида (театр ва санъатшунослик институтида, Тошкент Давлат университетида) рус ва ўзбек тилларидан дарс берди, 1962 йилдан бошлаб эса Тошкент Халқ хўжалик институтида рус тили кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

А. Сафоев 1959 йилда «Ҳозирги замон ўзбек тилида содда гапнинг бош бўлаклари» темасида кандидатлик диссертациясини, 1969 йилда эса «Ҳозирги замон ўзбек тилида содда гапнинг иккинчи даражали бўлаклари» деган темада докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олим бу ишларида гапнинг бўлакларга ажралиш хусусиятларини тадқиқ қилиб, унинг формал



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва семантик-синтактик структурасини, гапда шахс, замон, модаллик ва кесимлик категорияларининг ифодаланишини ёритди. Унинг бу ишлари ўз оригиналлиги билан ажралиб туради.

А. Сафоев республикамиз ўрта ва олий ўқув юртларида рус тили ўқитиш ишларини янада яхшилаш масаласи устида кўп вақтлардан бери илмий-методик ишлар олиб боради; рус тили ўқитувчиларига яқиндан ёрдам беради; улуғ рус халқининг тилини тарғибот қилади; рус тили, рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича программалар, дарслик ва қўлланмалар тузишда актив қатнашади; аспирант ва тадқиқотчиларга раҳбарлик қилади.

У 1945 йилдан буён КПСС аъзоси.

А. Сафоевнинг Улуғ Ватан урушидаги ҳамда илм соҳасидаги хизматлари Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлангандир: у «За отвагу», «За победу над Германией в Отечественной войне 1941—1945 гг», «За трудовую доблесть в честь 100-летия со дня рождения В. И. Ленина» медаллари билан мукофотланган.

Асарлари:

1955

Вопросы изучения согласования сказуемого с подлежащим. Ташкент.

1956

Юмшатиш белгиси билан тугаган отларнинг справочник-луғати. Тошкент.

1958

Главные члены простого предложения в узбекском языке. Ташкент.

Ўзбек тилида бир ва икки составли гапларнинг бош бўлаклари. Тошкент.

1962

О некоторых формах согласования в русском языке. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 1, Ташкент.

Русский язык. (Ҳамкор — Е. А. Рапопорт), Ташкент.

1963

О явлениях грамматической лексикализации в узбекском языке. Научные труды ТашГУ.

Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Программа по русскому языку для средних специальных учебных заведений УзССР. (Ҳамкор), Ташкент. (1966 йилда қайта нашр этилган).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Контрольные работы по русскому языку для студентов-заочников. (Ҳамкор), Ташкент.

Программа по русскому языку для нерусских групп средних специальных учебных заведений. Ташкент.

1966

Опыт составления учебного пособия по практическому курсу русского языка для студентов национальных групп вузов. (Ҳамкор), Ташкент.



## Улуғ Турсунов

Ўзбек тилшунослигининг кўзга кўринган намояндаларидан бири профессор Улуғ Тошмуҳамедович Турсуновдир. У ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), 1928 йилдан буён КПСС аъзоси.

Улуғ Тошмуҳамедович Турсунов 1905 йил 9 январда Қўқонда сартарош оиласида туғилди. 1919 йилгача отаси қарамоғида бўлди. 1919—21 йилларда (отаси вафотидан сўнг) Қўқондаги болалар уйида тарбияланди ва шу ернинг ўзида билим олди.

1921 йилдан 1924 йилгача Фарғона область педагогика техникумида ўқиди. 1924 йил майидан 1925 йил 15 июнигача Марғилон шаҳрида ўқитувчилик қилди. 1925—27 йиллар мобайнида Қўқон шаҳридаги 1-ва 4-болалар уйларида илмий мудир, тарбиячи ва ўқитувчи бўлиб ишлади. 1927 йил июль ойида Фарғона округ партия комитети йўлланмаси билан Ленинград Шарқшунослик институтига ўқишга борди, уни 1930 йилда тамомлаб, Ўзбекистон ССР Наркомпроси ихтиёрига келди. 1930 йилдан 1931 йил апрелигача Ўзбекистон Тил ва терминология комитетида илмий ходим ҳамда САГУ педагогика факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1931 йил 1 апрелдан 1931 йил сентябригача 10-тоғ ўқчи полкида ҳарбий хизматда бўлиб, Тожикистондаги Иброҳимбек босмачи тўдаларини тугатишда қатнашди. Армиядан қайтгач, Ўзбекистон Наркомпроси қошидаги Тил ва терминология комитетида илмий ходим ҳамда Тошкентдаги Тожик Агро-педагогика институтида доцент, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири вазифаларида ишлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1932 йил августидан 1933 йил декабригача Маданий қурилиш илмий текшириш институтида (УзНИИКС) лингвистика сектори бошлиғи бўлди, айни пайтда аспирантларга раҳбарлик ҳам қилди. Шундан сўнг 1936 йилгача А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида директор ўринбосари ҳамда лингвистика сектори бошлиғи вазифаларида хизмат қилди. 1936 йил 15 мартдан ҳозирга қадар Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида кафедра мудири бўлиб ишламоқда.

У. Т. Турсунов 1941 йил 21 июнида филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун «Ўзбек тилида сўз туркумларининг ясалиши» деган темада СамДУ Илмий Советида диссертация ёқлади. 1941 йил 17 июлдан 1946 йил 9 апрелгача эса Совет Армияси сафида хизмат қилди, фронтда взвод командири, бригада газетасининг редактори, «Красная Армия» газетасининг ўзбекча бўлимида адабий ходим бўлиб ишлади.

Олим 1946 йил 10 майдан ҳозиргача яна СамГУ ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб келмоқда. 1958 йилда унга профессорлик унвони берилди.

У Самарқанд шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг 6-, 7- чақириқ сайловларида депутатликка сайланган.

Улуғ Турсуновнинг илмий фаолияти анчагина бойдир. У ўзбек тилшунослигининг илмий-назарий ҳамда практик масалаларига, хусусан, терминология, фонетика каби мураккаб соҳаларига бағишлаб 90 дан ортиқ илмий мақола, брошюра ва китоблар яратган. Булар орасида «Ўзбек тилида феълларнинг тузилиши», «Терминологияда панисломизм-пантуркизмга қарши», «Тил терминологиясида буржуа интилишига қарши», «Ўзбек терминологияси масалалари», «Совет даврида ўзбек тили тараққиёти», «Туркий тилларда сингармонизм», «Состояние узбекской терминологии», «Ўзбек диалектологияси ўз тараққиётининг янги этапида», «Қимматли грамматика» каби жиддий ишлар бор.

Олим «Ўзбек тилидаги сингармонизм ҳақида» (ҳамкор) номли ишида сингармонизм ҳодисаси дастлаб қаерда бўлган, қандай қилиб туркий тилларга ўтиб келган, деган саволларга жавоб беради, сингармонизмнинг ўзгармайдиган ҳодиса эмаслигини исботлайди, бу ҳодисани туркий тиллар материаллари асосида 3 пунктга бўлиб изоҳлайди: 1) сингармонизм қонуни туркий тилларнинг ҳаммасида баб-баравар текис равишда учрамайди, балки уларнинг ҳар қайсисида турли хил даражада учрайди; 2) бу ҳодиса баъзи тилларнинг ўзида ҳам уларнинг тарихий ривожланиш шароитига қараб ўзгариб туради; 3) ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг йўқлиги ва бу тилнинг Совет ҳокимияти даврида сингармонизм укладидан бутунлай воз кечганлиги, шундан сўнг эришган кучли тараққиёти юқоридаги фикрларнинг ёрқин далили бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муаллиф фактларга таяниб, сингармонизмнинг икки тури (танглай гармонияси ва лаб гармонияси) мавжудлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда олим «Ўзбек адабий тилининг тарихий курси», «Туркий тилларни тарихий-қиёсий чоғиштириш тарихидан» каби муҳим проблемалар устида иш олиб бормоқда. Партия ва Ҳукуматимиз У. Т. Турсуновнинг фан соҳасидаги ҳамда Армия сафидаги хизматларини муносиб тақдирлаб, унга «Меҳнат Қизил Байроқ», «Қизил Юлдуз», «Ҳурмат белгиси» орденлари, «Меҳнатдаги шуҳрати учун», «Сталинград мудофааси учун», «Германия устидан ғалаба учун» медаллари берган. У СамДУнинг XX ва XXX йиллиги муносабати билан икки марта ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлган.

Асарлари:

## 1930

Ўзбек тилида феълларнинг ясалиши. Тошкент.

Тилшуносликда янги бурилиш. «Аланга» журнали, 7-сон, Тошкент.

## 1933

Терминологияда панисломизм-пантуркизмга қарши. «Китоб ва инқилоб», Тошкент.

Тил терминологиясида буржуа интилишига қарши. Тошкент.

Ўзбек терминологияси масалалари. Тошкент.

Ўзбек адабий тилининг актуал масалалари ҳақида ЎзНИИКС тўпламида, Тошкент.

Ўзбек терминологияси принциплари. Тўплам, Тошкент.

## 1947

Ўзбек тилида кўмакчилар. ЎзДУнинг филология масалаларига бағишланган тўпламида. Самарқанд.

## 1956

Ўзбек тилида феъл даражалари. Тил масалалари, тўплам, ЎзДУ, Самарқанд.

Ўзбек адабий тилида сўз-терминлар танлаш принциплари. Самарқанд.

## 1957

Узбекский литературный язык за 30 лет. Тил масалалари, тўплам, Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Совет даврида ўзбек тилининг тараққиёти. Филология масалалари, тўплам, Самарқанд.

## 1959

Ўзбек тили морфологияси. (Ҳамкор), Самарқанд.

Ўзбек тилидаги сингармонизм ҳақида. Ўзбек Давлат университетининг асарлари, Янги серия, 91-сон (ҳамкор), Самарқанд.

Ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи масалалари (юқоридаги тўплам, ҳамкор).

Эсперанто нима? «Фан ва турмуш» журнали, Тошкент.

Ўзбек терминологиясининг бойиш йўллари, Ўзбек Давлат университетининг асарлари, Янги серия, 102-сон, Самарқанд.

Ўзбек тили синонимлари масаласига доир. Ўзбек Давлат университетининг асарлари, Янги серия, 102-сон, Самарқанд.

## 1960

Состояние узбекской фразеологии. «Фразеология», тўплам, Тошкент.

Дарсликларни такомиллаштириш сари. «Совет мактаби» журнали, 5-сон, Тошкент.

Ўзбек диалектологияси ўз тараққиётининг янги босқичида. Ўзбек Давлат университетининг асарлари, филология масалалари, 103-сон, Самарқанд.

Самарқанд область ўзбек халқ шевалари таснифининг материаллари. Филология масалалари, тўплам, Самарқанд.

Тезисы доклада на гор. конференции (юқоридаги тўплам).

Ўзбек тилшуносларининг ижодий изланишлари. «Вестник высшей школы», Ташкент.

## 1962

Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков (синтаксис; Ҳамкор), Самарқанд.

Рус ва ўзбек тиллари грамматик қурилишининг қиёсий анализи. (Ҳамкор), Самарқанд.

## 1963

Ўзбек тарихий диалектологияси учун халқ эпослари тилини ўрганишнинг аҳамияти. Самарқанд.

О состоянии узбекских говоров Самаркандской области. Научные труды ТашГУ, вып. 211, Ташкент.

## 1964

Достижения самаркандских языковедов. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 7-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги замон ўзбек тили. (Ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек тилидаги баъзи бир равишдош формаларининг хусусиятлари. Ўзбек Давлат университетининг асарлари. Филология масалалари, серия, 139, Самарқанд.

Омонимларнинг пайдо бўлиши. Ўзбек тилшунослиги масалалари, тўплам, Тошкент.

Синонимлар луғатини мукаммаллаштирайлик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6- сон, Тошкент.

Творческая биография проф. Е. Д. Поливанова. В кн: «Актуальные вопросы языкознания», Самарканд.



# Саид Усмонов

Филология фанлари доктори (1964), проф. Саид Усмонов ҳозирги ўзбек тилшунослигининг етакчи намояндаларидан биридир.

Саид Усмонов 1922 йил 22 апрелда Бошқирдистон АССР нинг Қуюрғози районидаги Мусино қишлоғида туғилган. 1929 йилда эса ота-оналари билан Тошкентга кўчиб келган.

У 1930—34 йилларда Оржоникидзе районининг Қибрай қишлоғидаги В. И. Ленин номли мактабда ўқиди, 1934 йилда Дўрмондаги интернатга қабул қилинди; 1935 йилда тўлиқсиз ўрта мактабни, 1938 йилда эса В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юртини тугатди.

Саид Усмонов 1937—39 йилларда Байитқўрғондаги тўртинчи етти йиллик мактабда дастлаб музикадан, кейинроқ она тили ва адабиётдан дарс берди. 1939 йилда эса Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди, аммо 1942 йилда, институтни тугатиш арафасида, ўз хоҳиши билан Тошкент ҳарбий билим юртига ўқишга ўтди ва у ердан урушга кетди. 1943 йилда урушдан оғир ярадор бўлиб қайтгач, педагогика институтида ўқишни давом эттирди, уни 1944 йилда имтиёзли диплом билан битириб, 1946 йилгача Тошкент областининг Оржоникидзе район мактабларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, мактаб илмий бўлим мудири, директори вазифаларида хизмат қилди; 1946—48 йилларда



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзССР Меҳнат резервлари министрлигига қарашли Ҳунар мактабида ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Бўлажак олим 1946 йилда Тошкент педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасига аспирантурага кирди, аспирантуранинг сўнгги курсиданоқ институтда ҳозирги замон ўзбек тили ва тилшуносликка кириш фанларидан дарс бера бошлади. 1953 йилда у тилшунос олим Турсун Иброҳимов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар» темасидаги кандидатлик диссертациясини, 1964 йилда эса «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари» темасидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим 1957—64 йилларда ўзи ишлаб турган институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб турди. Ҳозир эса шу институтнинг умумий тилшунослик кафедрасида мудир бўлиб хизмат қилмоқда.

Саид Усмонов ҳозирги замон ўзбек тилининг морфологияси, лексикологияси, синтаксиси бўйича талайгина асарлар ёзди. Булар орасида «Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида», «Ундовлар», «Ундов гаплар», «Ҳозирги замон ўзбек тилида омонимлар ва синонимлар», «Ундов ва мимемалар», «Антонимлар», «Феълнинг функционал формалари ҳақида», «Сўз ясовчи аффиксоидлар», «Метафора», «Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида», «Ўзбек тилида сўз формалари» каби муҳим ишлар бор. Уларда, айниқса, докторлик диссертациясида ўзбек тилида сўз ва сўз формаларининг тузилиш типлари, агглютинация, фузия формаси, грамматик форма, грамматик категория каби мунозарали масалалар анча яхши ёритилган.

Саид Усмонов тилшуносликнинг фақат назарий масалалари билан чекланиб қолмай, айни чоғда илмий-методик характердаги проблемалар билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Унинг авторлигида вужудга келган ўндан ортиқ программа, курс ишлари, контрол ишлар ва дарсликлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кейинги вақтларда Саид Усмонов ўзбек тилининг актуал масалаларига бағишланган яна бир қатор тадқиқотлар яратди. Булар орасида «Ўзбек орфографиясининг янги проекти қоидалари ҳақида», «Тўғри ёзув қоидалари ҳақидаги бир мақолани ўқиб», «Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари» (брошюра), «О морфологическом анализе слова и его грамматической форме в современном узбекском языке» (бу мақола Москвада нашр этилган «Актуальные проблемы тюркологии» номли тўпламда эълон қилинган), «Ленин ва тилшунослик» (бу мақола В. И. Ленин юбилейи муносабати билан ёзилган), «Тил назариясининг баъзи бир масалалари» каби жиддий ишлар бор.

Партия ва Ҳукуматимиз олимнинг илм соҳасидаги ва Улуғ Ватан урушидаги хизматларини муносиб тақдирлаб, уни «Улуғ Ватан урушининг 2-даражали ордени» (1966), «Шавкатли



www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнати учун» (1961), «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг йигирма йиллиги» (1965), «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» (1966), «СССР Ҳарбий кучларининг 50 йиллиги» (1969) медаллари ва «ЎзССР Халқ маорифи аълочиси» (1965) значоги билан мукофотланган. У 1961 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1951

Педагогика институтларининг тил-адабиёт факультети сиртқи бўлим II—IV—VI семестр студентлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили»дан контрол ишлар. Тошкент.

Ўқитувчилар институтининг тил-адабиёт факультети сиртқи бўлим IV—V—VI семестр студентлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили»дан контрол ишлар. Тошкент.

1952

Педагогика ва ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлим студентлари учун «Тилшуносликка кириш» курси бўйича контрол ишлар. Тошкент.

Педагогика институтларининг тил-адабиёт факультети сиртқи бўлим II—IV—VI семестр студентлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили»дан контрол ишлар. Тошкент.

Ўқитувчилар институтининг тил-адабиёт факультети сиртқи бўлим IV—V—VI семестр студентлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили»дан контрол ишлар. Тошкент.

1953

Педагогика институтларининг тил-адабиёт факультетларининг I—II—III—IV—V—VI—VIII семестрларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун «Тилшуносликка кириш» курси ва «Ҳозирги замон ўзбек тили»дан контрол ишлар. Тошкент.

Ўзбек тилида ундовлар. Тошкент.

1955

Ундов-гаплар. Тошкент.

Педагогика институтлари тил-адабиёт факультетларининг I—II—III—IV—V—VI семестрларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун «Тилшуносликка кириш» ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсларидан контрол ишлар. Тошкент.

1956

Педагогика институтларининг тил-адабиёт факультетларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсидан контрол ишлар. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Педагогика институтлари тил-адабиёт факультетларининг сиртдан ўқийдиган студентлари учун «Тилшуносликка кириш» курсидан контрол ишлар. Тошкент.

1957

Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида қўлланма. Тошкент.

Ундалма ва мимемалар (Ф. Камол таҳрири остида ЎзССР ФА томонидан нашр қилинган «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслигининг бўлимлари).

Бош келишик формасида такрорланган отларнинг семантик ва грамматик хусусиятларига доир. ТДПИ илмий асарлари, IV, филология, Тошкент.

1958

Антонимлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили бўйича курс ишлари тематикаси (А. Азизова билан ҳамкорликда). Тошкент.

1959

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида омонимлар ва синонимлар. ТДПИ илмий асарлари XII, Тошкент.

Педагогика институтларининг бошланғич таълим методикаси факультетлари учун ўзбек тили программаси. Тошкент.

Педагогика институтларининг тил-адабиёт факультетларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун «Тилшуносликка кириш» ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсларидан контрол ишлар. Тошкент.

1961

Бошланғич таълим методикаси факультетлари учун ўзбек тили программаси. Тошкент.

«Тилшуносликка кириш» ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсларидан контрол ишлар. Иккинчи нашри, Тошкент.

1962

Ўзбек тили. (Ушбу китоб 1966 йилда қайта нашр этилган), Тошкент.

«Тилшуносликка кириш» программаси. Тошкент.

Баъзи феъл формалари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун контрол ишлар тўплами («Тилшуносликка кириш» ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» қисмлари). Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1963

Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. ТДПИ илмий асарлар, 42- том, I китоб, Тошкент.

Тилларнинг морфологик классификацияси ва туркий тилларда агглютинация. ТДПИ илмий асарлари, 43- том, I китоб, Тошкент.

Сўз ясовчи аффиксоидлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3- сон, Тошкент.

«Тилшуносликка кириш» программаси. Тошкент.

1964

Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари, ТДПИ илмий асарлари, 42- том, 2- китоб, Тошкент.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз формаларининг қўлланиш хусусиятлари ва тил типологияси масаласи. ТДПИ илмий асарлари, 42- том, 3- китоб.

Метафора. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

Ўзбек тилида сўз формалари. ТДПИ профессор-ўқитувчилари ва аспирантларининг XXVI илмий конференцияси докладларининг тезислари, Тошкент.

Педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетларида сиртдан ўқийдиган студентлар учун контрол ишлар тўплами. «Тилшуносликка кириш» ва «Ҳозирги ўзбек тили» қисмлари, 2- нашри, Тошкент.

1965

Сўзнинг морфологик ва функционал анализи ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1- сон, Тошкент.



## Эргаш Фозилов

Эргаш Исмоилович Фозилов 1933 йил 10 мартда Тошкент областининг Янгийўл шаҳрида ишчи оиласида туғилди; 1952 йилда райондаги Алишер Навоий номли ўрта мактабни (олтин медаль билан), 1957 йилда М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ва шу университет қошидаги Шарқ тиллари институтини тугатди. Студентлик йилларида



www.ziyouz.com kutubxonasi

акад. В. В. Виноградов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. К. Дмитриев, проф. Н. А. Баскаков, проф Э. В. Севортян, проф. Т. М. Гранде, проф. А. А. Ковалев каби йирик шарқшунос олимлардан таълим олди. 1957—60 йилларда СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти аспирантурасида проф. Э. В. Севортян раҳбарлигида таҳсил кўрди. 1961 йилда эса «Категория залога в узбекском языке в сравнительно-историческом освещении» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1961—64 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади; 1964—65 йилларда эса Венгрияда академик Ю. Ф. Немет, академик Л. Лигети, проф. К. Цегледи, проф. А. Бодроглигети каби таниқли туркологлар раҳбарлигида «Эски ўзбек тилининг XIV аср хоразм ёдгорликлари тили» номли докторлик ишини ёзди, уни 1967 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Э. И. Фозилов 1968—69 йиллардан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида «Алишер Навоий асарлари тилининг луғатини тузиш» группасига ва ўзбек тилининг тарихий-этимологик луғатлари секторига раҳбарлик қилмоқда. Ҳозир олим институт Илмий советининг ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлими қошидаги Катта Илмий советнинг аъзоси, айни пайтда институт қошидаги «Совет даврида миллий тиллар тараққиётини ўрганиш» номли проблема совети раисининг ўринбосари ва информацион группанинг бошлиғи ҳамдир. У 1970 йилдан буён КПСС аъзоси.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ эски ўзбек тилини ўрганиш билан боғлиқдир. У бу соҳада 160 босма листга яқин иш эълон қилган. Булар орасида «Ўзбек тилининг тарихий морфологияси» номли монографияси, икки томдан иборат «Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм обидалари» номли луғати, «Структуральная грамматика узбекского языка» (Берлин. Немис тилида), «Лексика Кутадгу билиг в древнетюркском словаре» каби мақолалари алоҳида ўрин тутади.

Э. Фозилов буюк адиб Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш соҳасида ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Унинг «Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили» номли китоби ва қатор илмий мақолалари фикримизнинг далилидир.

Олимнинг бир қанча текстологик тадқиқотлари ҳам бор: Сайфи Саройининг «Гулистон», Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонлари ана шу тадқиқотлар асосида нашрга тайёрланган.

Э. Фозилов мамлакатимизнинг турли шаҳарларида, шунингдек, чет элларда бўлиб ўтган бир қанча илмий анжуманларда— Ленинграддаги IV, V туркологик конференцияларда, Москва-



www.ziyouz.com kutubxonasi

даги туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш бўйича симпозиумда (1967), Олмаотадаги қозоқ тили нутқ маданиятига (1969) ва тилшуносликда математик методларни қўллаш масалаларига (1970) бағишланган конференцияларда, психолингвистика бўйича Москвада ўтказилган конференцияда (1970), машина таржимаси бўйича Киевда ўтказилган конференцияда (1970), Тошкентдаги ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган конференцияда (1969) ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий сессияда (1970), Самарқанддаги Алишер Навоий юбилейи муносабати билан ўтказилган илмий сессияда, Венгрия Фанлар академияси қошидаги Шарқ бўлимининг традицион йиллик конференциясида (1965), Берлиндаги Урал-Олтой тилларини ўрганишга бағишланган XII конференцияда (1969) — қатнашган.

Эргаш Исмоилович Фозилов ёш бўлишига қарамай, 5 фан кандидати етиштирган, 8 та кандидатлик диссертациясига оппонентлик қилган.

Ҳозирги вақтда олим Навоий ва Ойбек тили луғатини тузиш, электрон ҳисоблаш машинаси билан тилни анализ қилиш, ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, машина билан таржима қилиш, туркий тилларнинг ёзма обидаларини ўрганиш ва нашр эттириш, туркий тилларнинг қиёсий грамматикасини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Асарлари:

### 1960

Феъл даражалари ясовчи аффиксларнинг тарихи. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

О возвратном залоге в узбекском языке. Известия АН УзССР, Серия общественных наук, 5.

### 1961

Ўзбек тилида феълнинг орттирма даражаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Машҳур турколог-олим (Э. В. Севортян ҳақида). «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон (ҳамкорликда), Тошкент.

### 1962

Ўзбек тилида **ишонмоқ, инонмоқ** феълларининг этимологияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида **сепкил, тулки, эски** сўзларининг этимологияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таниқли ўзбек тилшуноси (З. М. Маъруфов ҳақида). «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон (ҳамкорликда), Тошкент.

1963

Қадимги ёдгорликларда сон категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

XIV аср шоири Сайфи Саройининг тили ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

О книге Стефана Вурма «Узбекский язык». Журн. «Общественные науки в Узбекистане», 3, Ташкент.

1964

Ценное исследование по староузбекскому языку. Сб. «Научные труды», вып. 229, Востоведение, Ташкент.

1965

Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, I, Тошкент.

Из истории узбекского языка. «Тюркологический сборник», 1.

XIV асрда яшаган шоирларнинг номаълум асарлари (Сайфи Саройи, Хоразмий, Аҳмад Ҳожа ас-Саройи, Мавло Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Туғлиҳожа). «Ўзбек адабиёти», т. V, Тошкент.

К истории категории залога узбекского языка. Сб. «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков, Ташкент.

1966

Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. т. I, Ташкент.



## Шоназар Шоабдураҳмонов

ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1968), филология фанлари доктори (1963) Ш. Шоабдураҳмонов ўзбек диалектологиясининг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи шевашунос олимлардан биридир. У 1960 йилдан буён КПСС аъзоси.

Ш. Шоабдураҳмонов 1923 йил 5 майда Тошкентда туғилди. 1940



www.ziyouz.com kutubxonasi

йилда ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1944 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ўзбек тилшунослиги бўйича аспирантурага қабул қилинди.

Ш. Шоабдураҳмонов 1949 йилда «Равшан» поэмаси тилининг бадиий хусусиятлари» деган темада диссертация ёқлаб, филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

У 1949—51 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ўзбек тили секторида кичик илмий ходим, 1951—54 йилларда эса катта илмий ходим бўлиб ишлади. 1954 йилдан шу кунга қадар ўзбек диалектологияси секторининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш. Шоабдураҳмонов 1963 йил «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» темасида докторлик диссертациясини ёқлади.

Ш. Шоабдураҳмоновнинг илмий фаолияти ранг-баранг бўлиб, у ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларида самарали илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

Ш. Шоабдураҳмонов ўзбек тили диалектологияси секторининг мудири сифатида ўзбек шевашунослигини ривожлантиришга белгили ҳисса қўшди. Унинг бошчилигида бир неча илмий-тадқиқот ишлари нашр этилди. Бу соҳа бўйича малакали илмий кадрлар етиштирилди.

Ҳозирги кунда Ш. Шоабдураҳмонов раҳбарлигида ўзбек тили шеваларининг атласи тайёрланмоқда.

Ш. Шоабдураҳмонов илмий ишлар билан бирга жамоатчилик ишларини ҳам олиб боради: у бир неча илмий советларнинг, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали редколлегиясининг, шунингдек, Тошкент Шаҳар Ижроия Комитети қошидаги шаҳар топонимика комиссиясининг аъзосидир.

Асарлари:

1948

«Пўлат куювчи» поэмасининг тили ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. «Шарқ юлдузи» журнали, 4-сон, Тошкент.

1949

Орфографик машқлар тўплами (дарслик, ҳамкор). Тошкент. (Бу дарслик 1956 йилгача нашр этилган).

О художественных особенностях поэмы «Равшан». Ташкент.

1952

(е)-*и* унлиларининг имлоси ҳақида. «Ўзбек орфографияси ва терминологияси масалаларига доир», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тили программаси, (Ҳамкор), Тошкент.

К написанию букв э(е)—и. Сб. «Вопросы узбекской орфографии и терминологии», Ташкент.

Ўзбек тили пунктуациясининг баъзи масалаларига доир. «Ўзбек орфографияси ва терминологияси масалалари», тўплам, Тошкент.

Некоторые вопросы узбекской пунктуации. Сб. «Вопросы узбекской орфографии и терминологии», Ташкент.

Пунктуациядан қоидалар. «Совет мактаби» журнали, 4-сон, Тошкент.

Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. (Ҳамкор), Тошкент. (Бу брошюра 1956 йилгача нашр этилган).

1953

Пунктуация қоидалари. Тошкент.

Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. Тошкент.

Фонетика. (Ҳамкор — В. В. Решетов), Тошкент.

1955

Ўзбек тилида пунктуация. Тошкент.

1956

Орфография қоидаларини ўрганинг. «Пионер» журнали, 9-сон, Тошкент.

Орфография қоидаларини ўрганинг. «Пионер» журнали, 10-сон, Тошкент.

Ойбек романларининг тили. «Шарқ юлдузи» журнали, 1-сон, Тошкент.

1957

Ҳозирги замон ўзбек тили. (Ҳамкор), Тошкент.

Қўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, тўплам.

1958

Ўзбек шеваларининг лексик составини ўрганиш масалалари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон. Тошкент.

Изучение и задачи узбекской диалектологии. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», Баку.

Диалектологик кузатишлардан. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1959

Ўзбек диалектологияси. (Ҳамкор — В. В. Решетов), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1960

Ўзбек адабий тилининг шеваларга муносабати. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Шаҳар шевалари лексикасидан. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, тўплам.

Тошкент шевасининг фонетик хусусиятларидан. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Узбекский литературный язык и его влияние на говоры. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», II, Баку.

## 1961

Ундошларнинг ўрин алмашиши (метатеза). «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

## 1962

Таянч шевалар фонетикасидан. «Филология масалалари», тўплам.

Ўзбек диалектологияси (дарслик, ҳамкор — В. В. Решетов, Тошкент.

Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент.

Диалектное членение узбекского языка. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», III, Баку.

## 1963

Ўзбек диалектологиясидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Таянч шаҳар шеваларининг фонетик системаси. «Уч. зап. ТашПИИЯ», вып. VII, Ташкент.

## 1964

Ўзбек диалектологияси ва навбатдаги вазифалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

Развитие диалектологической науки в Узбекистане, «Объединенная научная сессия, посвященная 40-летию УзССР и Компартии Узбекистана», тезисы докладов, Ташкент.

## 1965

Ўзбек шаҳар шевалари классификацияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида ўзак структурасининг баъзи масалаларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

## 1966

Некоторые фонетические особенности ташкентского говора. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», IV, Баку.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек шеваларида лексик мослик ва уларнинг адабий тилга муносабати. «Ўзбек шевалари лексикаси», Тошкент.

Лексик дублетлар ва уларнинг адабий тилда нормасини белгилаш, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.



# Константин Кузьмич Юдахин

Атоқли шарқшунос ва туркolog олимлардан, ўзбек тилшунослиги ва диалектологиясининг асосчиларидан бири, филология фанлари доктори, профессор К. К. Юдахиндир. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1952), Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги (1955), Қирғизистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Константин Кузьмич Юдахин 1890 йилда Орск шаҳрида туғилди. Унинг ёшлиги асосан Авлиёота (ҳозирги Жамбул шаҳрида) ўтди. Бу ерда бўлажак олимнинг ўзбеклар, қирғизлар ва қозоқлар билан ҳамиша бирга бўлиши унинг турк тиллари бўйича яхшигина билим ва кўникма олишига сабаб бўлди.

К. К. Юдахин ёшлигида приходск мактабини, сўнг Авлиёота шаҳридаги билим юртини муваффақиятли тугатиб, Тошкентда очилган ўқитувчилар семинариясига ўқишга кирди. У бу ерда ўзини қизиқтирган соҳа — туркология билан шуғулланди: ўзбек, қирғиз, қозоқ, уйғур ва тожик-форс тилларини мустақил ўргана бошлади.

1910 йилда ўқитувчилар семинариясини аъло баҳолар билан тугатган Константин Кузьмич Туркистоннинг Манкент ҳамда Қорабулоқ қишлоқларида ўн йилдан ортиқ ўқитувчилик қилди ҳамда маҳаллий халқларнинг тил хусусиятларини, этник қатламини ўрганишга киришди. У Синьцзян вилоятида (1915—1920) яшаб юрган кезларида уйғур тили ва диалектларини атрофлича ўрганди.

К. К. Юдахин 1920 йилда (30 ёшида) Туркистон Шарқ институти (ҳозирги Тошкент Давлат университетининг шарқ факультети)га ўқишга кирди. Олим бу ерда ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур, эрон, афғон тилларини атрофлича ўргана бошлади. 1925 йилда шарқ факультетининг турк ҳамда эрон бўлимларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

тугатгач, ўзининг университетда ёқлаган диплом иши — «Қорабулоқ шевасининг баъзи бир хусусиятлари»ни қайта ишлаб, уни 1927 йилда нашр эттирди. Шундан кўп ўтмай унинг «Лайлак шеваси материалларидан», «Чиғатой тилининг товушлар состави масаласига доир», «Ўзбек тили» каби ўнлаб илмий асарлари юзага келди.

К. К. Юдахин Ленинград Давлат Шарқшунослик институтида ҳам ўзбек, уйғур, қозоқ ва қирғиз тилларидан намунали лекциялар ўқиган. У 1932—44 йилларда Москва Шарқшунослик институтида уйғур тили кафедрасини бошқариб турди, СССР Фанлар академияси системасидаги Туркология кабинетининг илмий секретари лавозимида ишлади, кейинчалик Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими бўлиб хизмат қилади.

Олим 1944 йилда Фрунзе шаҳрига келиб, СССР Фанлар академиясининг Қирғизистон филиалида ишлайди. У ҳозир Қирғизистон Давлат Педагогика институтининг профессоридир.

Константин Кузьмич 70 йиллик ҳаёти ҳамда 50 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбеклардан етук олимлар, истеъдодли турколог кадрлар етиштирди, уларга ўзбек тилшунослигининг энг муҳим, актуал соҳалари — графика, орфография, терминология, лексикография, диалектология, тил тарихи, ўзбек ёзув традицияси каби масалалар юзасидан доимо ёрдам бериб келди, шу масалаларни таҳлил қилишда ўзи ҳам шахсан қатнашди.

Олим 1952—54 йилларда Фарғона Педагогика институтида ўқитувчилик қилди.

Олимнинг илмий-лингвистик фаолияти ўзбек тилшунослиги, айниқса, ўзбек диалектологиясининг ва бошқа туркий тиллар диалектологиясининг шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Унинг юқорида келтирилган асарлари ва «Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз», «Ўзбек ва уйғур халқлари тиллари яқинлик», «Қирғиз диалектларини ўрганиш ва олдимиздаги вазифалар» каби ишлари бунинг ёрқин далилидир.

Профессор Юдахин ўзиниг бу асарларида ўзбек, қирғиз ва уйғур шеваларининг генезисини ўрганишда, ўзбек ва уйғур, қирғиз, ўзбек ва тожик тиллари орасидаги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берган. У қардош ва қардош бўлмаган тилларни бир-бирларига тарихий ёки қиёсий-тарихий метод асосида солиштириб, генетик жиҳатдан бир оилага кирувчи туркий тиллар билан бошқа оилага мансуб бўлган эрон тиллари ўртасида этник контакт борлигини биринчи бўлиб асослаб берди.

Олимнинг ўзбек диалектларини классификациялаш соҳасидаги хизматлари ҳам эътиборга лойиқдир. У ўз классификация-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сида ўзбек шеваларини дастлаб икки вариантга бўлиб кўрсатади. Шулардан бирида ўзбек шевалари тожик тили билан бўлган муносабати ва сингармонизмни сақлаш даражасига кўра қуйидаги тўрт группага ажратилгандир:

1. Туркий тилларнинг товуш состави ҳамда сингармонизм ҳодисасини сақлаган шевалар (Чимкент ва Туркистон районлари).

2. Ўз товуш составини қисман ўзгартирган ҳамда сингармонизм ҳодисасини йўқотмаган шевалар (Ўш шаҳри).

3. Сингармонизм ҳодисасини сақламаган шевалар (Тошкент ва унинг айрим қишлоқлари, Водил ва бошқалар).

4. Ўзбек ва тожик тилларида сўзлашадиган тожик шевалари (Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларнинг асосий аҳолиси).

Кейинчалик проф. Юдахин ўзбек шеваларининг специфик хусусиятлари билан яқиндан танишиб, классификациянинг бу вариантига маълум ўзгартишлар киритди. Шундан сўнг ўзбек шеваларини беш группага — 1. Тошкент, 2. Фарғона, 3. Қипчоқ, 4. Хева (Хева-ўғиз), 5. Шимолий ўзбек шеваларига — бўлди.

Константин Кузьмич, бир томондан, кўп сонли рус ўртоқларга ўзбек тилининг ниҳоят бойлигини, иккинчи томондан эса ўзбекларга рус тилининг улуғворлигини кўрсатишга интилиб келаётган ажойиб олимдир. У 1927 йилда ўзбек лексикографиясида биринчи бўлиб «Ўзбекча-русча» луғат тузди. Унинг йирик тадқиқот ишларидан яна бири кўп томлик «Қирғизча-русча луғат» бўлиб, бу иш яқинда нашрдан чиқди.

К. К. Юдахиннинг илм бобидаги хизматлари Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган: у Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат белгиси ордени, медаллар ва Қирғизистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор мукофотланган.

Асарлари:

1927

Краткий узбекско-русский словарь (араб алифбосида берилган). Самарканд-Ташкент.

Тошкент шевасининг хусусиятларига доир. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали (араб алифбосида берилган), 7-сон, Самарқанд.

Некоторые особенности карабулакского говора. Сб. «В. В. Бартольду», Ташкент.

Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 7-сон (араб алифбосида босилган), Самарқанд. (Бу мақола 1957 йилда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарларида ҳам босилган.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

1929

Материалы к вопросу о звуковом составе чагатайского языка. «Революция и письменность», кн. IV, Баку.

Материалы по вопросу о звуковом составе чагатайского языка. «Культура и письменность Востока», кн. 5, Баку.

1931

Ўзбекча-русча луғат. Тошкент.

Узбекский язык. «Литературная энциклопедия», XI, Москва.

1940

Киргизско-русский словарь. Москва.

1944

Русско-киргизский словарь. Москва.

1948

Из лайлакских материалов. «Труды Института языка, литературы и истории. Кир. ФАН СССР», вып. II, Фрунзе.

1950

Узбекско-уйгурские языковые связи. «Известия АН Каз. ССР», № 85, серия уйгурско-дунганской культуры, вып. I, Алма-Ата.

1957

Некоторые особенности карабулакского говора. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, Тошкент.

1958

Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1961

«Ўзбек диалектологиясидан материаллар». II, Тошкент.

1965

Киргизско-русский словарь. Москва.

**Ушбу китобдаги библиографияга олимнинг қирғиз тили ва айрим бошқа тилларга тааллуқли илмий асарлари, монографиялари ҳамда мақолалари киритилмади.**



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Ғози Олим Юнусов



Ғози Олим Юнусов 1893 йилда Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. Бошланғич маълумотни ҳам шу ернинг ўзида олгач, 1908 йилда Қоҳирага бориб ўқиди, 1914 йилдан эса Туркия университетида таҳсил кўра бошлади.

Чет эллардан қайтгач, дастлаб (1923 йилда) Биринчи Савдо жамиятида раис бўлиб, 1924 йилдан (Савдо жамияти тугатилгандан) сўнг эса Юстиция халқ комиссарлигида масъул ходим бўлиб ишлади. Бу ерда қатор кодексларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

1925 йилда у оиласи билан Самарқандга давлат томонидан ишга юборилди. Бу ерда Халқ Маориф комиссарлигида илмий секретарь лавозимида, кейинчалик эса ЎзССР Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Тил ва терминология комитетида ишлади, айни пайтда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида дарс ҳам берди, 1931 йилда яна Тошкентга қайтиб, педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ишлай бошлади ҳамда Наркомпроснинг тилшунослик секциясига мудирлик қилди.

Ғ. О. Юнусовга 1930 йилдаёқ Ленинград Шарқшунослик институти томонидан профессорлик унвони берилган эди.

Ғ. О. Юнусовнинг илмий-педагогик фаолияти ниҳоятда кўп қиррали ва сермаҳсул бўлган. Буни олимнинг тилшунослик, адабиётшунослик, фольклористика, этнография, тарих, археология, ҳуқуқшунослик, фалсафа каби соҳаларда қалам тебратганидан билиш мумкин. Олимнинг жияни таниқли фольклорист проф. Ҳ. Зарифнинг эслашича, у рус тилини яхши билган, инглиз тилида ҳам гаплаша олган, араб, форс тилларини анча мукаммал билган, кўпчилик туркий халқлар тилида сўзлаша олган. Ғози Олимнинг чуқур билимга эга бўлишида, айниқса, инглиз тилини мустақил билишида отаси Абубакир Аҳмаджонович Диваевнинг ва поччаси Бахти Ғани Илкиннинг таъсири сезиларли бўлган, чунки унинг отаси ҳам, поччаси ҳам ўз замонасининг кўзга кўринган фольклористи, этнографи эдилар. Улар рус ва инглиз тилларини ҳам анча яхши билишган.

Проф. Ғ. О. Юнусов 1930 йилларда ташкил қилинган қатор



www.ziyouz.com kutubxonasi

илмий экспедицияларга бошчилик қилган. У проф. Е. Д. Поливанов, И. А. Батманов, Ҳ. Зарифов, Қаюм Рамазон, Элбек, В. В. Решетов, Т. Иброҳимовлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг кўпчилик шаҳар ва қишлоқларига бориб, ўз халқининг ҳаёти, айниқса, тили, ёзма ва оғзаки адабиёти бўйича кўп материаллар тўплашга муяссар бўлган, шу материаллар асосида «Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба» (1936), «Ўзбек уруғларидан қатағанлар ва уларнинг тили» (1930), «Ўзбек тили грамматикаси» (1936, қўл ёзма) каби асарлар яратган. 1922 йилда «Алпомиш» достонини ҳам биринчи бўлиб Ғ. О. Юнусов ёзиб олган. Ўзбек халқ оғзаки ижодини ташвиқ қилишда ҳам биринчи ташаббускорлардан бўлган, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби бахшиларни адабиёт майдонига олиб кирган. Ғ. О. Юнусовнинг «Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба» китоби ўзбек шеваларини этно-лингвистик томондан тасниф қилган биринчи асарлардандир. Бу монографияда муаллиф проф. Е. Д. Поливановнинг ўзбек шеваларини тасниф қилишдаги баъзи фикрларига эътироз билдириб, уни уч лаҳжага — ўзбек-қипчоқ, турк-барлос ва Хева-Урганч лаҳжаларига ажратади.

Атоқли олим қисқа, лекин сермазмун ҳаёт кўрди. Унинг бой лингвистик, фольклористик ва этнографик мероси ўзбек миллий маданияти, тили хазинасидан муносиб ўрин олган.

Профессор 1939 йилда вафот этди.

Асарлари:

1923

«Алпомиш» достони. «Билим ўчоғи» журнали, 2- сон.

1926

«Алла» тўғрисида бир-икки оғиз сўз «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 6- сон.

1927

Ўрта Осиё туркларининг янги алифбеси. Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 6- сон.

Қизил йўл (О. Ҳошим ва Серовлар билан ҳамкорликда), «Янги ўзбек латин алифбосини ўрганиш учун», тўплам.

1930

Ўзбек тили. Тошкент.

Ўзбек уруғларидан қатағанлар ва уларнинг тили. Тошкент.

1933

Юридик терминлар луғати. Тошкент.

1936

Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба. Тошкент.

Ўзбек тили грамматикаси (қўл ёзма).



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Айюб Ғуломов



Ўзбек тилшунослигининг кўзга кўринган намояндаларидан бири филология фанлари доктори (1957), профессор (1958) Айюб Ғуломович Ғуломовдир.

А. Ғуломов 1914 йилнинг май ойида Тошкентда кустар-сарроч оиласида туғилди. 1928 йилда ўрта мактабни, 1932 йилда Покровский номли рабфакни, 1936 йилда эса кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини муваффақиятли тугатиб, ўша йилнинг ўзида аспирантурага кирди, 1940 йилда проф. А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида аниқловчилар» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади; бу илмий иш ўша йилиёқ алоҳида нашр этилди.

А. Ғуломовнинг педагогик фаолияти 1930 йилдан бошланган. У 1930—33 йилларда бошланғич ва ўрта мактабларда, 1934 йилда педагогика техникумида дарс берди. 1935 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлади; 1936—41 йилларда Тошкентдаги Тожик педагогика институтида ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлади, айни пайтда (1937—57 йилларда) Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ҳам дарс берди. У 1942 йилдан шу кунга қадар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология факультетида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.

А. Ғуломов 1940—51 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида ўзбек тили ва кейинроқ экспериментал фонетика секторларининг бошлиғи вазифасида ҳам хизмат қилган. У 1957 йилда Москвада «Ўзбек тили тарихий сўз ясалишининг проблемалари» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади, 1958 йилда эса профессорлик унвонини олишга муяссар бўлди.

А. Ғ. Ғуломовнинг илмий фаолияти 1936 йилдан бошланган. 1937 йилда унинг «Она тилидан кўргазмали қуроллар» китоби, 1939 йилда «Ўзбек тили синтаксиси», 1940 йилда «Ўзбек тилида аниқловчилар» монографияси босилиб чиқди. Мазкур моно-



www.ziyouz.com kutubxonasi

графияда ўзбек тили аниқловчиларининг классификацияси берилган ва уларнинг ҳар бир типи ифодаланиши, тематикаси ва грамматик-стилистик хусусиятлари жиҳатдан ёритилган; изофатнинг эски ўзбек тилидаги ҳолати ва унинг ҳозирги тилдаги кўринишлари анализ қилинган; аниқловчили синтагмаларда интонация — паузанинг роли алоҳида ёритилган; мураккаб аниқловчили синтагмалар ҳам айрим қаралган; ишнинг «Аниқловчи гап» қисмида шу типдаги эргаш гапни аниқлаб берувчи белгилар, турли конструкциялар изоҳланган. Кейинроқ бу белгилар Н. К. Дмитриев, А. Н. Кононов, Э. М. Грунина ва Ғ. А. Абдураҳмонов каби олимларнинг асарларида маъқулланган.

1941 йилда олимнинг «Ўзбек тилида келишиклар» номли иши босилиб чиқди. Бу асарда келишик аффиксларининг ҳозирги адабий, диалектал ва тарихий формалари; келишикларнинг семантикаси, синтактик-стилистик ва бошқа хусусиятлари ҳозирги замон тили, халқ шевалари ва тил тарихи ёдгорликлари материаллари асосида ёритилган. 1944 йилда эълон қилинган «Ўзбек тилида кўплик категорияси» монографиясида эса кўпликнинг ифодаланиш йўллари, кўплик аффикслари орқали ифодаланадиган маънолар, ўзбек тилида арабча ва форсча кўплик формалари (тарихий анализ), сон мослиги ва бошқа ҳодисалар тадқиқ этилган. 1947 йилда босилган «Ўзбек тилида урғу» номли монографиясида олим Н. К. Дмитриев, G. Raguette, Nielsen, W. Pröhle каби тилшуносларнинг туркий тиллар урғуси ҳақидаги фикрларига ўзининг муносабатини билдиради, акад. В. В. Радловнинг туркий тилларда урғунинг семантик ва грамматик функцияга эга эмаслиги ҳақидаги фикрига эътироз билдириб, урғунинг сўз маъноларини, грамматик ҳолатларни дифференциация қилишдаги ролини кўрсатади. Асарда қўшма ва жуфт сўзларнинг урғуси, синтагматик урғу, ўзбек тилида эркин урғунинг кўринишлари, урғунинг шеър тузилиши билан муносабати ҳам батафсил анализ қилинган.

А. Ғ. Ғуломовнинг «К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке» номли мақоласида аффиксларнинг классификацияси берилади. Бунда олим проф. Н. Т. Сауранбоевнинг аффиксларни сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчига ажратмаслик ҳақидаги фикри, француз туркологи Ж. Денининг ва турк тилчиси Аҳмед Жевад Эмранинг туркий тилларда префикс ва инфикс мавжудлиги ҳақидаги фикрлари маъқул эмаслигини исботлайди.

Олимнинг «К вопросу об адвербиализации в узбекском языке» номли ишида баъзи туркологларнинг «туркий тилларда субстантивация сўз ўзгартувчи аффикслар орқали келиб чиқади» мазмунидаги фикри асоссиз деб кўрсатилади, субстантивациянинг бу билан шартланмаганлиги фактик материаллар



www.ziyouz.com kutubxonasi

асосида исботланади. «Ўзбек тили морфологиясига кириш» номли ишида эса сўзнинг морфематик состави, ўзак ва аффиксларнинг мукаммал характеристикаси, хусусиятлари, форма ясовчи аффиксларнинг турлари, сўз ясалиш йўллари, қўшма сўзлар; редупликация, жуфт сўзлар, уларнинг семантик ва формал хусусиятлари, жуфт сўзлардаги **-ма** элементининг икки хиллиги ҳар томонлама ёритилади.

А. Ғ. Ғуломов ўзининг «Феъл» деб номланган монографиясида феълни 4 формага — соф феъллар, сифатдош, равишдош ва инфинитивга — ажратади; ўзбек тилида инкор категориясини мукаммал ёритади. Бунда **-ма, йўқ, эмас, на-на, ҳеч, сира** каби элементлар анализ қилиниб, инкор икки жиҳатдан — морфологик ва синтактик планда — қаралади. Бу ишда тусловчи аффикслар классификация қилинган (уч группага ажратилган), замон ва шахс-сонларнинг хусусиятлари, маънолари ва кўчган ҳолда қўлланишлари ёритилган; вид категориясининг ифодаланиш йўллари берилган; ишнинг қўшма феъллар баҳсида айниқса кўмакчи феъллар яхши ёритилган: ҳар бир кўмакчи феълнинг асл маъносидан қандай қилиб кўмакчига айланганлиги, тараққиёт йўли, англатган маънолари, қўлланиш шароити, тарихий, диалектал ва бошқа синонимлари, уларнинг турли оттенкаларни фарқлашдаги роли илмий асосда тушунтирилган.

Олимнинг «Об удвоении согласных в узбекском языке» номли мақоласида товуш такрорланиш (бош — бошшингни, тепа—теппасида каби) ҳодисасининг фонетик шароити, тарихий тараққиёт йўллари кўрсатилган, бу ҳодисанинг эмоция ифодалаши, унлининг узунлигини компенсация қилиши каби хусусиятлари тушунтирилган.

А. Ғ. Ғуломовнинг ишларида этимологик, тарихий анализларга кўпроқ диққат қилинишини кўрамиз. Унинг асарларида бир қанча сўзларнинг келиб чиқиши, лексик-семантик хусусиятлари, морфологик структураси изоҳланган. Олимнинг проф. М. А. Асқарова билан ҳамкорликда яратган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китоби республика олий ўқув юртларининг филология факультетларида асосий дарслик вазифасини ўтаб келмоқда.

Проф. А. Ғ. Ғуломовнинг ҳозиргача 40 дан ортиқ монография, дарслик, қўлланма ва программалари, 30 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Уларнинг умумий ҳажми 100 босма листдан ортади.

Ҳозир А. Ғ. Ғуломов етакчи тилшунос олимлар билан ҳамкорликда «Опыт сравнительной грамматики узбекских народных говоров», «Строй узбекского языка», «Ўзбек тилида сўз ясалиши» каби асарлар ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслиги устида иш олиб бормоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олимнинг бевосита раҳбарлигида 18 киши фан кандидати ва 1 киши фан доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлган.

Асарлари:

1938

Ўзбек тилининг илмий грамматикасига доир материаллар. Тошкент.

1940

Ўзбек тилида аниқловчилар. Изв. УзФАН СССР, 2-сон, Тошкент.

Кўмакчили конструкция ҳақида. (Юқоридаги ахборот), 6-сон.

Ўзбек тилида аниқловчилар. Тошкент.

1941

Бадиий асар тили ҳақида. Журнал «Лит. Узб.», № 1 (ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек тилида келишиклар. Тошкент.

1944

Ўзбек тилида кўплик категорияси. Бюл. АН УзССР, № 5.

О значениях аффикса **-ла.** УзНИИШ, Ташкент.

1946

Ўзбек тилида урғу қонуниятлари. Бюл. АН УзССР, № 6.

**-ка** аффикси ҳақида. Бюл. АН УзССР, № 10.

Ўзбек тилида сўз тартиби. «Шарқ юлдузи» журнали, 4-сон, Тошкент.

1947

**-дош** аффикси ҳақида. Бюл. АН УзССР, № 1.

Ўзбек тилида урғу. Тошкент.

Об изменении корня в словообразовании. Сб. «Научн. сессия АН УзССР».

Ўзбек тилидаги **-ла** аффикси ҳақида. «Уч. зап. ТГПИ», Тошкент.

1948

Содда гап синтаксиси. Тошкент.

Совет даврида ўзбек тили тараққиёти. ИАН УзССР, № 5.

1949

Ўзбек тилида сўз ясаш усуллари. Тил ва адабиёт институтининг илмий асарлари, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1953

К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке. Сб. «Академику В. В. Гордлевскому», М.

Введение в морфологию. Ташкент.

## 1954

Феъл. Тошкент.

О правописании сложных слов. «Уч. зап. ТГПИ», Ташкент.

К вопросу об адвербиализации. (Юқоридаги тўплам).

## 1955

Содда гап. Тошкент.

Проблемы исторического словообразования в узбекском языке (Автореферат), Ташкент.

## 1960

О степенях сравнения имён прилагательных. Ташкент.

## 1961

**-ман** аффикси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Об удвоении звуков при аффиксации в узбекском языке. Уч. зап. ТашПИИЯ, вып. VII.

## 1963

Сопутствующие явления при аффиксации. Тошкент Давлат университетининг илмий асарлари, Тошкент.

Об аффиксе **-лик.** (Юқоридаги тўплам).

## 1964

Аффиксы со значением уменьшительности. (Юқоридаги тўплам).

Дарслик ва қўлланмалар

## 1937

Она тилидан қўлланма. Тошкент.

## 1940

Ўзбек тили грамматикаси. (Ҳамкор), Тошкент.

Синтаксис бўйича машқлар тўплами. Тошкент.

Ўзбек тили грамматикаси (педтехникумлар учун), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1943

Ўзбек тили грамматикаси. I қисм, Тошкент (бу дарслик коллектив томонидан ёзилган бўлиб, 1950 йилгача нашр этилган).

1944

Ўзбек тили грамматикаси. II қисм, Тошкент (бу дарслик ҳам 1950 йилгача нашр этилган).

Диктантлар тўплами. Тошкент.

1957

Она тили ўқитувчиларининг савиясини ошириш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 1-сон (ҳамкор), Тошкент.

1960

Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис «Ўрта ва олий мактаб» (ҳамкор), Тошкент.

1965

Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис (ҳамкор), 2-нашри, Тошкент.



## Азим Ҳожиев

Ўзбек тилшунослигининг ёш, аммо етук олимларидан бири филология фанлари доктори (1968) Азим Ҳожиевдир.

Азим Ҳожиев 1933 йилда Тошкентда туғилди. 1950 йилда Калинин районидаги 10-мактабни аъло тугатиб, 1951 йилда Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетига ўқишга кирди. Ўқишни 1956 йилда тамомлаб, ўзбек тилшунослиги кафедрасида аспирантурада қолди.

А. Ҳожиев студентлик йилларидаёқ «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари», «Яна қўшма сўзлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида» каби қатор илмий мақолалар яратишга муяссар бўлган эди.

1960 йилда у академик В. В. Решетов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳозирги замон феъли» номли кандидатлик диссертациясини, 1968 йилда эса кўп йиллик текширишларини якунлаб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А. Ҳожиев ҳозирги замон ўзбек тили масалалари бўйича 30 га яқин илмий иш эълон қилган. Уларнинг умумий ҳажми 60 босма листдан ошади. Бу ишлар орасида «Ўзбек тили синонимларининг луғати», «Қўшма ва жуфт сўзларнинг қоидалари ва луғати», «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» каби монографиялари алоҳида эътиборга лойиқдир.

А. Ҳожиев ўзи ёш бўлишига қарамай, шу кунгача икки кишининг кандидатлик диссертациясига илмий раҳбар ва уч диссертантга расмий оппонент бўлган.

Асарлари:

1956

Ўзбек тилида сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар масаласи. «Сборник студенческих работ САГУ», Ташкент.

1958

Ўзбек тилида **-моқда** аффикси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида *ётмоқ, турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ* феъллари. «Труды аспирантов САГУ».

1959

«Ҳозирги-келаси замон» термини ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида аниқ ҳозирги замон феъли. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1960

Жуфт сўзларнинг ясалиши ва компонентларининг маъносига кўра турлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1961

Қўшма сўзлар имлоси ва луғати. (Ҳамкор — Ш. Раҳматуллаев), Тошкент.

Ўзбек тилида сифатдош. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Аниқ ҳозирги замон феъли формасининг келиб чиқиши ҳақида. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, тўплам.

Ҳозирги замон феъли. «Феъл замонлари», тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилида сифатдош. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Ўзбек тили изоҳли луғатида феълларнинг берилиши масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

1963

Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент.

Кўмакчи феълларнинг вид категориясига муносабати. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати. Тошкент.

1965

Ўзбек тили изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

О порядке расположения компонентов в парных словах узбекского языка. Сб. «Вопросы тюркологии», Ташкент.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. I ва XI боблари.

«Қўлланмоқ» феълининг ишлатилиши ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

1966

Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Тошкент.

**-моқчи** аффикси билан ясалган феъл формаси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi



# Аҳмаджон Абдуллаев

Аҳмаджон Абдуллаев 1931 йилда Бухоро шаҳрида хизматчи оиласида туғилди, 1948 йили ўрта мактабни битириб, С. Оржоникидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. Институтни тугатгач, Ўзбекистон Маориф министрлиги тавсияси билан Бухоро шаҳридаги К. Д. Ушинский номли хотин-қизлар педагогика билим юртига ишга юборилди. У ерда 1954 йилгача ўзбек тили ва адабиёти ҳамда логика фанларидан дарс берди. 1954—57 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўрди, сўнг яна Бухоро педагогика институтига қайтиб, ўқитувчилик қила бошлади. У 1960 йил 15 апрелда доцент А. Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл-сўз бирикмалар» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Аҳмаджон Абдуллаев 1959—64 йилларда Бухоро пединститути ўзбек тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлимида факультет декани бўлган. Ҳозир эса институтнинг тилшунослик кафедрасида ишлаб турибди.

Аҳмаджон Абдуллаевнинг илмий фаолияти асосан ўзбек тили синтаксиси билан боғлангандир. У шу соҳада яратилган «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўз бирикмаларини ўрганиш масаласига оид», «Воситали келишиклар ёрдами билан таркиб топган сўз бирикмалари», «Эргаш сўзли кўмакчилар орқали алоқага кирган сўз бирикмаларида синтактик муносабатнинг ифодаланиши», «Ҳозирги замон ўзбек тилида феъл-сўз бирикмалар» каби ишларнинг муаллифи.

Асарлари:

1958

Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз бирикмаларини ўрганиш масаласига оид. А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат университетининг асарлари, Янги серия, 77, Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Воситали келишиклар ёрдами билан таркиб топган феъл-сўз бирикмалари. «Уч. зап. Бухарского пединститута», № 1(5), Бухара.

1959

Эргаш сўзли кўмакчилар орқали алоқага кирган сўз бирикмаларида синтактик муносабатнинг ифодаланиш йўллари. ЎзДУ асарлари, Янги серия, 91, Самарқанд.

Глагольные словосочетания в современном узбекском литературном языке. Самарканд.



## Йўлдош Абдуллаев

Йўлдош Абдуллаев 1926 йилда Тошкентда косиб (ямоқчи) оиласида туғилди. Ўрта мактабда ўқигач, 1940 йилда Тошкент Ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўра бошлади. Институтни 1942 йилда тугатгач, Тошкент областининг Калинин районидаги 14, 16- мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади, айни пайтда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) нинг филология факультетида таҳсил ҳам кўрди. Университетни 1946 йилда тугатиб, ўзбек тилшунослиги бўйича аспирантурага кирди.

Йўлдош Абдуллаев 1950 йилда Ўзбекистон Маориф министрлигининг Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига ишга ўтди, айни вақтда ўриндошлик билан Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги 22- ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс ҳам беради.

Йўлдош Абдуллаевнинг илмий-педагогик фаолияти ўрта мактаблар билан узвий боғланган. У мактаблар учун программа, дарслик, методик қўлланмалар тузишда актив иштирок этади, газета ва журнал саҳифаларида методик мақолалари билан қатнашиб туради. Унинг «Диктант турлари ва орфографик хатолар устида ишлаш», «Мактабда ягона орфография ва нутқ режими», «Биринчи синф «Ўқиш китоби» учун методик кўрсатма», «Тўртинчи синф «Ўқиш китоби» учун методик кўрсатма», «Бешинчи синфда ўзбек тилининг луғат бойлигини ўтиш ҳақи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да» номли китоблари бунинг ёрқин далилидир. Олимнинг проф. А. К. Боровков, Зокир Маъруфов, Тўхтаназар Шермуҳамедов билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тили дарслиги» китоби 1957 йилдан буён нашр бўлиб келмоқда.

Й. Абдуллаев 1962 йилда «Эски ўзбек мактабларида хатсавод ўргатиш» темасида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Авторнинг мазкур иши 1960 йилда ўзбек тилида, 1966 йилда эса рус тилида («Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе» номи билан) нашр қилинди. Ҳозир Йўлдош Абдуллаев «Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш методикасининг ривожланиши» темасида илмий иш олиб бормоқда.

Йўлдош Абдуллаев маориф соҳасидаги, хусусан, ўзбек тилини ўқитиш ва ўқувчиларни саводхон қилиб етиштиришдаги улкан хизматлари учун 1949 йилда Халқ Маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлган. У 1953 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1951

1-синф «Ўқиш китоби» учун методик кўрсатма. Ўқувпеддавнашр, Тошкент, (2-нашри 1959, 3-нашри 1963 йилда чиққан).

Диктант турлари ва орфографик хатолар устида ишлаш. Тошкент.

1952

Синтаксис ва пунктуация машқлари тўплами. (Етти йиллик ва ўрта мактабларнинг 6—7-синфлари учун. З. Маъруфов билан ҳамкорликда), Тошкент. (1952—1956 йилларда 5 марта нашр қилинган.)

1953

Мактабда ягона орфография ва нутқ режими. «Совет мактаби» журнали, 1-сон, Тошкент.

Мактабда ягона орфография ва нутқ режими. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Педагогика фанлари илмий текшириш институти нашри, Тошкент.

4-синф «Ўқиш китоби» учун методик кўрсатма. Тошкент. (2-нашри 1959 йилда чиққан).

1954

7-синфда она тилидан баъзи темаларни ўтишдаги тажрибамиз. «Совет мактаби» журнали, 4-сон, Тошкент.

Ўзбек тилининг луғат бойлиги темасини ўтишга доир. «Совет мактаби» журнали, 9-сон, Тошкент.

1955

Она тили дарсларида грамматик разборни ўтказиш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 7-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5—7- синф она тили программаси материалларининг соатларга тахминий тақсимоти. «Совет мактаби» журнали, 7- сон. (Бундай материал шу журналнинг 1957 йил 7- сонида ҳам берилган.)

1956

5- синфда ўзбек тилининг луғат бойлигини ўтиш ҳақида. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Педагогика фанлари илмий текшириш институти нашри, Тошкент.

1957

5—7- синфларнинг она тили программаси ва «Ўзбек тили» дарслиги ҳақида. (Ўзбекистон ССР мактабларида ўзбек тили ва адабиётининг ўқитилишига бағишланган республика илмий конференцияси материаллари), Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Педагогика фанлари илмий текшириш институти нашри, Тошкент.

Ўзбек тили дарслиги. 5—6- синфлар учун. 1- қисм: Фонетика, Морфология (А. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермуҳамедов билан ҳамкорликда), Тошкент. (Бу дарслик 1957 йилдан бери нашр қилинмоқда).

Ўзбек тили дарслиги. 7—8- синфлар учун. II қисм: Синтаксис (А. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермуҳамедов билан ҳамкорликда), Тошкент. (Бу дарслик ҳам 1957 йилдан бери нашр қилинмоқда.)

1959

Туркистонда халқ маорифи. «Совет мактаби» журнали, 5- сон.

Мактаб программалари. Саккиз йиллик мактаблар учун, она тили, лойиҳа, Тошкент. (1959 йилдан бери нашр қилинмоқда).

1960

Эски мактабда хат-савод ўргатиш. Тошкент.

Ҳамза Ҳакимзода—совет ўқитувчиси. «Совет мактаби» журнали, 8- сон.

1961

Диктантлар тўплами. Бошланғич мактаб ўқитувчилари учун қўлланма. (Ш. Коенов билан ҳамкорликда, 2- нашри), Тошкент. (1- нашри 1957 йилда, 3- нашри 1966 йилда чиққан).

1962

5- синфда «Сўзнинг таркиби»ни ўтиш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 11- сон.

5- синфда «Сўзнинг таркиби»ни ўтиш ҳақида. «Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг иш тажрибасидан», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1963

Тажрибалар такомиллашмоқда. «Совет мактаби» журнали, 5- сон.

5—8- синфларда ўтказиладиган она тили дарсларининг структураси ҳақида. (Қаранг: Педагогика фанлари бўйича III Республика илмий назарий конференция докладларининг тезислари), Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Педагогика фанлари илмий текшириш институти, Тошкент.

## 1964

Имло луғати. (Ўрта мактаб ўқувчилари учун), Тошкент. (2- нашри 1970 йилда чиққан. Мушарраф Омилхонова ва Сайёра Зуфарова билан ҳамкорликда).

Развитие методики преподавания узбекского языка. «Ученые записки» Научно-исследовательского института педагогических наук Министерства просвещения УзССР, выпуск VII, Ташкент.

## 1965

5—8- синфларда она тилидан ўтказиладиган дарс турлари ва дарснинг самарали бўлишини таъминлаш. «Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан», тўплам, Тошкент.

## 1966

Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. Ташкент.

7- синфда «Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўзлар»ни ўтиш ҳақида. «Ўзбек тили ўқитиш методикаси масалалари», тўплам, Тошкент.

# Фатҳулла Абдуллаев



Фатҳулла Абдуллаев 1921 йили Тошкентда майда кўнчи-кустар оиласида туғилди. 1929—35 йилларда Шамсул Урфон номли 79- ўрта мактабда, 1935—38 йилларда В. В. Куйбишев номидаги 1- ўрта мактабда ўқиди. 1938—42 йилларда эса Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди, айни пайтда (1939 йилдан бошлаб) мак-



www.ziyouz.com kutubxonasi

табларда ўқитувчилик ҳам қила бошлади. Бўлажак олим 1953—55 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) филология факультетининг аспиранти бўлди. У 1956—58 йилларда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти диалектология секторида илмий ходим бўлиб ишлади. 1958 йилнинг май ойида доцент Т. Ҳ. Салимов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1958 йилда у Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтига катта ўқитувчи бўлиб ўтди, 1959—64 йилларда эса шу институтнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида мудир бўлиб ишлади. 1964 йилдан буён Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг доценти. Ф. Абдуллаевнинг илмий фаолияти кўпроқ диалектология билан боғлангандир. Унинг «Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси» (1957), «Андижон области Янгиқўрғон район қипчоқ шевасининг баъзи лексик хусусиятлари» (1963), «Қипчоқ шевасининг морфологик хусусияти» (1962) каби мақолалари бунга далил бўлади.

Ф. Абдуллаев ўзининг «Андижон область Янгиқўрғон район қипчоқлари шевасидаги баъзи лексик хусусиятлар» номли мақоласида доимий ўсишга ва ўзгаришга мойил бўлган луғат составидан бешта асосий қатламни ажратиб олиб текширади:

1) қипчоқ ва ҳаммуҳит ўзбек халқлари учун умумийликка эга бўлган сўзлар;

2) қардош туркий халқлар учун умумийликка эга бўлган сўзлар:

3) қипчоқ уруғи ва қўшни тожик халқи учун умумийликка эга бўлган сўзлар;

4) араб тилидан ўтган сўзлар;

5) рус тилидан олинган сўзлар.

Олим ўзининг «Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси» номли катта мақоласида текшириш объектининг фонетик ва морфологик системасини атрофлича текширади, ўзбек адабий тилидан тубдан фарқ қиладиган фонетик ва морфологик белгиларни кўрсатиб беради.

Асарлари:

1957

Ўзбек тилининг қипчоқ шеваси. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, I, Тошкент.

1963

Андижон область Янгиқўрғон райони қипчоқ шевасининг баъзи лексик хусусиятлари. «Уч. зап. ТГПИИЯЗ», VII, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Холиқ Абдураҳмонов



Холиқ Абдураҳмонов 1935 йилда Самарқанд областининг Фориш районида (ҳозирги Сирдарё областининг Фориш районида) деҳқон оиласида туғилди. 1953 йилда Боёвут районидаги Е. Стемпковская номли ўрта мактабни кумуш медаль билан, 1958 йилда эса Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. 1958—60 йилларда ўзи ўқиган мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, айни пайтда сиртдан Самарқанд Давлат университети аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўрди.

Холиқ Абдураҳмонов 1960 йилда Тошкентга келади ва бир неча вақт ЎзССР Фанлар академияси нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1961 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасига ишга ўтиб, дастлаб ўқитувчи, кейинроқ доцент вазифаларида хизмат қилади. У 1964 йилда проф. У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ўзбек халқ мақолларининг синтактик хусусиятлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Холиқ Абдураҳмоновнинг илмий фаолияти асосан халқ мақолларининг синтактик хусусиятларини ўрганиш билан боғлангандир. Бу соҳада уни анча етук мутахассислардан ҳисоблаш мумкин. Олимнинг «Ўзбек халқ мақоллари тили синтаксиси», «Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи хусусиятлари», «Мақоллардаги қиёслов мазмунини билдирувчи боғловчисиз қўшма гаплар», «Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гап компонентларини боғловчи воситалар» каби ишларда юритган фикр-мулоҳазалари шундан далолат беради.

Ҳозирги пайтда Холиқ Абдураҳмонов ўзбек халқ оғзаки ижоди синтаксисини анча кенг ва чуқур планда ўрганмоқда. Бундан ташқари, СССР Педагогика фанлари академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори, проф. М. А. Асқарова билан ҳамкорликда «Ўзбек тили грамматикасидан практикум» қўлланмасини тайёрламоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Холиқ Абдураҳмонов 1961 йилдан буён КПСС аъзоси, актив жамоатчи: у бир неча йил давомида факультет декани муовини, кафедра мудири муовини вазифаларида ишлаб келган.

Асарлари:

1961

Ўзбек халқ мақоллари тили синтаксиси. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, II, Тошкент.

Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи хусусиятлари. Юқоридаги тўплам, III, Тошкент.

Боғловчисиз қўшма гапларда синтактик муносабатларнинг ифодаланишида интонациянинг роли. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1962

Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гапларда баъзи гап бўлакларининг такрорланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи структура хусусиятлари. Юқоридаги журнал, 6-сон, Тошкент.

1963

Ўзбек халқ мақоллари тилининг баъзи хусусиятлари. Навоий номли СамДУ илмий асарлари, Самарқанд.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи структура хусусиятлари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

Мураккаб боғловчисиз қўшма гаплар. Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий ишлари, 42, 1-китоб, Тошкент.

Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гап компонентлари хусусиятларининг замон хусусиятлари. Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий ишлари, 42, 1-китоб, Тошкент.

Мақоллардаги қиёслов мазмунини билдирувчи боғловчисиз қўшма гаплар. Юқоридаги илмий ишлар, 42, 1-китоб.

1964

Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гап компонентларини боғловчи воситалар. Юқоридаги илмий ишлар, 42, 3-китоб.

Ўзбек халқ мақолларининг тили. Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчи-профессорлари ва аспирантлари илмий конференциясида қилинган докладлар тезиси. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Носир Абдураҳмонов



Носир Абдураҳмонов 1927 йил 17 декабрда Самарқанд областининг Фориш районидаги Нурак қишлоғида (ҳозирги Сирдарё областига қарашли Киров номли колхознинг 5-бўлимида) туғилди. 1945 йилда ўрта мактабни тамомлаб, ўз қишлоғида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди, 1947 йилда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида ўқий бошлайди, айни пайтда шаҳардаги 5-кечки ишчи ёшлар мактабида, кейинроқ 5-, 13-, 18-мактабларда ҳамда мактабгача тарбия педбилим юртида ўқитувчилик ҳам қилади. 1952 йилда университетни тамомлаб, Самарқанд область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида тил ва адабиёт кабинети мудири, мактабларда ва университетнинг сиртқи бўлимида ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1959—62 йилларда эса А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўради. Аспирантурани битирган йилиёқ доцент А. Ҳ. Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида жуфт сўзлар» темасидаги кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозир Н. Абдураҳмонов Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти лавозимида хизмат қилмоқда.

Н. Абдураҳмонов ўзбек тилида жуфт сўзлар масаласига бағишланган ўндан ортиқ мақола эълон қилган. «Ҳозирги замон ўзбек тилида жуфт ва такрор сўзлар», «Жуфт сўзларнинг морфологик хусусияти», «Жуфт сўзларнинг фонетик хусусияти», «Ўзбек адабий тилида жуфт отлар», «Жуфт сўзларнинг состави», «Компонентлари бошқа тиллардан бўлган жуфт сўзлар», «Жуфт сўзларнинг лексик хусусиятлари», «Ўзбек тилида қўшма отлар», «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида жуфт сўзлар» (1962) кабилар шулар жумласидандир.

Ҳозир у «Туркий тилларда жуфт сўзлар» темаси устида иш олиб бормоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1961

Ҳозирги замон ўзбек тилида жуфт ва жуфт такрор сўзларнинг баъзи компонентлари ҳақида. Труды Самаркандского государственного университета им. А. Навои, вып. № 102.

Ўзбек тилида жуфт сўзларнинг морфологик хусусияти. Сб. «Материалы третьей объединенной научной конференции ученых города Самарканда», Самарканд.

Жуфт сўзларнинг фонетик хусусияти. Труды Самаркандского государственного университета им. А. Навои, Новая серия, вып. № 115, Самарканд.

Ўзбек адабий тилида жуфт отлар. Труды Самаркандского государственного университета им. А. Навои, Новая серия, вып. № 115, Самарканд.

1963

Жуфт сўзларнинг состави. Труды СамГУ, Новая серия, вып. № 129, Самарканд.

1964

Жуфт сўз компонентларида бошқа тил элементлари. Труды СамГУ, Серия 139, Самарканд.

1966

Туркий тиллардаги баъзи бир жуфт сўзлар ҳақида. Материалы XXIII научной конференции проф-препод. состава СамГУ им А. Навои, Самарканд.

Ўзбек тилида қўшма отлар масаласи. «Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари», тўплам, Тошкент.

Компонентларидан бирортаси мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

Ҳар икки компоненти мустақил маънога эга бўлган жуфт сўзларнинг лексик хусусиятлари, юқоридаги тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Амина Азизова

Амина Азизова 1928 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1943 йилда Бухоро педагогика билим юртини тугатиб, область мактабларида ўқитувчилик қилган; 1944—48 йилларда эса Бухоро педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида (дастлаб кечки, сўнг кундузги бўлимида) ўқийди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатиб Тошкентга келади ва Тошкент педагогика институти қошидаги аспирантурага киради. 1950 йилда шу институт ўзбек тилшунослиги кафедрасининг тавсияси билан Ленинград Давлат университетига юборилади; у ерда ўқишни давом эттиради ва 1952 йилда таниқли турколог проф. А. Н. Кононов раҳбарлигида «Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади. Автор ўзининг бу ишида ҳозирги ўзбек тилидаги шарт ва тўсиқсиз эргаш гапларнинг ўзига хос синтактик хусусиятларини атрофлича ўрганади ва қиёсий метод асосида текширади, қатор илмий хулосалар чиқаради.

Доцент А. Азизова 1953 йилдан то шу кунгача Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ишлайди; 1961 йилда эса институтнинг бошланғич мактаб методикаси кафедрасига мудирлик ҳам қилган.

Олима ўз илмий-педагогик фаолияти давомида таълим-тарбия ва ўзбек тилшунослигининг актуал масалаларига доир анча ишлар ёзди. Унинг 1955 йилда нашр этилган «V—VII синфлар учун грамматик таблицалар», «Ҳозирги замон ўзбек тили бўйича курс ишлар тематикаси», «Ҳозирги замон ўзбек тилида равишдош оборотлар масаласи» каби мақолалари шулар жумласидандир.

Асарлари:

1954

Условный период в узбекском языке. «Уч. зап. ТашГПИ», 2, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1955

Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар. Тошкент.

Методические указания к таблицам по морфологии для V—VI классов узбекских школ. Ташкент .

Сиртқи студентлар учун ҳозирги замон ўзбек тилидан курс ишлари тематикаси. (Ҳамкор), Тошкент.

1959

Ҳозирги замон ўзбек тилида равишдош оборотлар масаласи. Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, 12, Тошкент.

1961

Бошланғич таълим методикаси факультети учун ўзбек тилидан программа, Тошкент.

1966

Ўзбек тилидан бошланғич таълим методикаси факультети учун программа. Тошкент.



## Эркин Азларов

Эркин Азларов 1926 йилда Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига кириб ўқиди. 1952 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, пойтахт мактабларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. 1953—56 йилларда у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги аспирантурада ўқиди, 1957—63 йилларда эса шу институтнинг рус тили ва адабиёти факультетида ўқитувчилик қилди; 1963 йилдан буён мазкур факультет базасида ташкил топган Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида доцент ва ўзбек тили кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У 1962 йилда «Ўзбек тилида бир неча эргаш гапли қўшма гаплар» мавзуида кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Эркин Азларовнинг илмий-педагогик фаолияти кўпроқ рус студентларига ўзбек тилини ўқитиш ишлари билан боғлангандир. Шу боисдан у рус тили ва адабиёт факультетларида ўқувчи студентлар учун ўзбек тилидан контрол ишлар тўплами, программа ва қўлланмалар яратган. Унинг М. Акбаров ва А. А. Климснко билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбек тили» дарслиги педагогика институтларининг рус группалари учун мўлжалланган энг яхши қўлланмалардан саналади.

Олим 1953 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1959

Ўзбек адабий тилида бир неча эргаш гапли қўшма гаплар масаласига доир. «Уч. зап. ТГПИ им. Низами», вып. XII.

1961

Бир неча эргаш гапли қўшма гап составидаги кесим эргаш гапнинг айрим хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

Бир неча эргаш гапли қўшма гап составидаги эга эргаш гапнинг айрим хусусиятлари ҳақида. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам. II, Тошкент.



## Султон Акбаров

Султон Акбаров 1914 йилда Тошкентда туғилган; 1931 йилда Самарқанд Эрлар педагогика билим юртини тугатган; 1931—33 йилларда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 13- мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган; 1933—37 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиган; 1937—41 йилларда Тошкент мактабгача тарбия билим юртида ўқитувчи бўлган, шу йилларда Тошкент Кечки педагогика техникумида ҳам ишлаган; 1941—42 йилларда 4- ўрта мактабда илмий мудир бўлиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

1942—43 йилларда Тошкент Қишлоқ районидаги 13- мактабда директор бўлиб, 1944—45 йилларда эса Педагогика илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб хизмат қилган, айни пайтда (1943—47 йилларда) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти аспирантурасида таҳсил ҳам кўрган.

Олим 1945—56 йилларда Тошкент Партия мактабида дастлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи, сўнг доцент ва тил-адабиёт кафедрасининг раиси вазифаларида ишлаб келган. У 1950 йилдан буён Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доцентидир.

С. А. Акбаров 1950 йилда проф. А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида қўшма феъллар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган. Шундан сўнг у ўзбек тилида феъллар, қўшма феъллар, сўз бирикмалари каби проблемалар устида тадқиқот ишлари олиб борган.

Ҳозир у «Ўзбек тилида синтактик синонимика (сўз бирикмаси)» деган мавзуда докторлик иши тайёрламоқда.

Олим икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган.

Асарлари:

1949

Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Самарқанд.

1953

Ўзбек тилида қўшма феъллар. Тошкент.

1959

Сўз бирикмасининг ўқитилишига доир. «Совет мактаби» журнали, 12- сон.

1961

Ўзбек тилида синтактик синонимлар масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон.

1964

Ўзбек тилида синтактик синонимика масаласига доир мулоҳазалар. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари, 42- том, 3- китоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Абдуғани Алиев



Алиев Абдуғани Юсупович 1922 йилда Тошкентда туғилган. 1939 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Қишлоқ районига қарашли 31-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1940—43 йилларда у Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқийди. 1943—45 йилларда мактабда, 1945—48 йилларда эса Хоразм Давлат педагогика институтида ишлайди, бу ерда эски ўзбек тили, ўзбек тили тарихи ва ўзбек диалектологияси предметларидан дарс беради; маълум вақт ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига мудирлик ҳам қилади.

Олим 1948 йилдан ҳозирга қадар Наманган педагогика институтида дастлаб ўқитувчи, кейинроқ доцент вазифаларида ишлаб келмоқда.

А. Ю. Алиев 1954 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасини сиртдан ўқиб тугатди. 1960 йилда эса Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Уйчи шеваси» деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Шу кунларда олим «Ўзбек тилининг Наманган группа шевалари» мавзуида илмий иш олиб бормоқда.

А. Алиев Матбуотда 30 га яқин мақола эълон қилган. Шулардан «Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси», «Хамса»нинг айрим тил хусусиятлари», «Ҳамза—сўз санъаткори» кабиларда А. Навоий билан Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўзбек тили тараққиётидаги роли кўрсатилган бўлса, «Умлаутли шеваларнинг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида», «Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида», «Уйчи шевасидаги айрим фонетик ҳодисалар» кабиларда «уйғурлаш»ган шеваларнинг асосий тил хусусиятлари атрофлича ўрганилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1954

«Умлаутли шеваларнинг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида». 1954 йилда ЎзФА сессиясида қилинган доклад тезислари, Тошкент.

1957

Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида. «Уч зап. НГПИ», вып. 2, Наманган.

Уйчи шевасининг фонетик хусусиятлари. «Уч. зап. НГПИ», вып. 3, Наманган.

1959

Уйчи шеваси лексикасидан материаллар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1960

Уйчи шевасидаги айрим фонетик ҳодисалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 5-сон, Тошкент.

1961

Уйчи шеваси. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.

1964

Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар. «Уч. зап. НГПИ», V, Серия филологическая, Наманган.

Қилич шеваси ҳақида. «Уч. зап. НГПИ», V, Серия филологическая, Наманган.

1966

Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар. «Ўзбек шевалари лексикаси, тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Жаббор Амонтурдиев

Жаббор Амонтурдиев 1933 йил 26 октябрда Сурхондарё область Бойсун районининг Мачай қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1953 йилда Бойсундаги ўрта мактабни олтин медаль билан битирди, 1953—54 йилларда Сариосиё районида ўқитувчилик қилди. 1959 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Шундан сўнг икки йил давомида (1961 йилгача) ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. 1961—64 йиллар давомида Тошкент педагогика институти аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўрди. 1965 йилда эса филология фанлари доктори С. Усмонов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек тилидаги содда гапларда кесимнинг структураси» деган темада кандидатлик диссертация ҳимоя қилади.

У ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Жаббор Амонтурдиев шу кунларда 1917 йилгача бўлган ўзбек классик адабиёти қўл ёзма нусхаларини тўплаш, нашрга тайёрлаш билан бирга «Бобир лирикасининг тил хусусиятлари» номли проблема устида иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1964

Кесимни ўрганиш тарихидан. ТошДПИнинг «Илмий асарлари», 42, 3- китоб, Тошкент.

1965

Кесимнинг структурасига кўра классификацияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

Кесимнинг ифодасига кўра классификацияси. «Совет мактаби» журнали, 6- сон, Тошкент.

1966

Эквивалентлашишдан туғилган формаларга доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Самариддин Аслиддинов

Самариддин Аслиддинов 1918 йилда Самарқандда косиб оиласида туғилди. 1936 йилда Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртини аъло баҳолар билан тугатиб, 1938 йилгача тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. 1938 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди, аммо Улуғ Ватан уруши бошланиши муносабати билан ўқишни тўхтатиб, фронтга кетди. 1946 йилда армия сафидан қайтиб, ўрта мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор вазифаларида ишлади ва Самарқанд Кечки Педагогика институтида ўқишни давом эттирди. 1948 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, Самарқанд Давлат университетига ишга ўтди. Шундан буён университетда ўзбек ва тожик тилларидан дарс бериб келмоқда.

У 1964 йилда доцент А. Ҳ. Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида эгалик категорияси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади, кўп ўтмай доцентлик унвонини ҳам олди.

С. Аслиддиновнинг илмий педагогик фаолияти ўзбек тилшунослиги билангина эмас, балки тожик тилшунослиги билан ҳам боғлангандир. Унинг «Сўзларни сўз туркумлари бўйича классификация қилиш ҳақида», «Эгалик категориясининг ифодаланиш усуллари», «Эгалик аффиксларининг қўлланиш хусусиятлари», «Тожик тилида гапда сўзларнинг боғланиши», «Тожик тилида мослашув алоқаси», «Тожик тилида бошқарув алоқаси» каби мақолалари бунинг ёрқин далили.

Олим методик характердаги проблемалар устида ҳам қалам тебратиб келмоқда. Бу соҳада унинг «Очиқ дарс ва унинг намунаси», «Дарсни анализ қилиш ва унинг намунаси», «5-синфда «Алфавит» темасини ўқитишга доир», «V—VIII синфларда грамматик разбор», «VIII синфда эргаш гапларни ўқитишга доир», «VIII синфда кўчирма гапларда тиниш белгилари» темасини ўқитишга доир» каби ўнга яқин мақоласи эълон қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

С. Аслиддинов халқ ва Ватан олдидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи ва «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланган. У 1944 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1959

Очиқ дарс ва уни ўтказиш. (Тожик тилида), «Мактаби Совети» журнали, 11-сон.

1961

V синфда «Алфавит» темасини ўқитиш ҳақида. (Тожик тилида), «Мактаби Совети» журнали, 2-сон.

Тожик тилида гапда сўзларнинг боғланиши. (Тожик тилида), СамДУ асарлари, Серия 114.

VII синфда эргаш гапларни ўқитиш методикасига доир. (Тожик тилида), СамДУ асарлари, Серия 114.

1963

III шахс эгалик аффикси **-и** (**-си**) бириктирувчи грамматик восита сифатида. (Ўзбек тилида), СамДУ асарлари, Серия 129.

Ўзбек адабий тилида эгалик категориясининг ифодаланиш усуллари. (Ўзбек тилида), СамДУ асарлари, Серия 129.

Ўзбек адабий тилида тожикча изофат конструкция. (Тожик тилида), СамДУ асарлари, Серия 133.

1964

Эгалик аффиксларининг қўлланиш хусусиятлари. СамДУ асарлари, Серия 139.

Тожик тилида мослашув алоқаси ҳақида баъзи мулоҳазалар. (Тожик тилида), «Мактаби Совети» журнали, 12-сон.

1966

Тожик тилида эгалик аффиксларининг қўлланиш хусусиятларига доир. (Рус тилида. Тезис), «Материалы XXIII научной конференции (19—22 апреля), Самарканд.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Динора Ашурова

Динора Ўринбоевна Ашурова 1931 йилда Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1939—49 йилларда шаҳардаги ўрта мактабда, 1949—53 йилларда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида, 1953—56 йилларда эса А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди. Аспирантурани битиргач, шу институтнинг ҳозирги замон ўзбек тили секторига ишга қолдирилди.

Динора Ашурова 1961 йилда «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида гапнинг иккинчи даражали уюшиқ бўлаклари» деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Динора Ашурова ҳозир (1964 йилдан буён) Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида ишламоқда.

Асарлари:

1958

Ўзбек тилидаги уюшган ва уюшмаган аниқловчиларга доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1959

Уюшган тўлдирувчилар. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент — Наманган.

1960

Уюшган бўлакларда боғловчиларнинг қўлланишига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1961

Уюшиқ ҳолларга доир баъзи масалалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1962

Рус тили — миллатлараро алоқанинг қудратли воситаси. Тошкент.

Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. (Коллектив), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Шокир Афзалов

Шокир Афзалов 1918 йил 5 майда Тошкентда туғилган. 1934 йилда етти йиллик мактабни, 1937 йилда Тошкент педагогика билим юртини, 1941 йилда эса Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан битирган. 1941 йилнинг 11 июлидан 1946 йилнинг май ойигача Совет Армияси сафида хизмат қилган.

Урушдан қайтган йилиёқ А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирди ва ўзбек тилининг Паркент шеваси бўйича илмий иш олиб борди. 1949 йилда аспирантурани тугатиб, шу институтнинг ўзида ишга қолдирилди.

Ш. Афзалов ўзбек тилининг Паркент шеваси бўйича олиб борган кўп йиллик текширишларини якунлаб, 1953 йилда кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди; 1959 йилда (у 1956 йилда педагогик ишга ўтган эди) унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Олимнинг 30 дан ортиқ илмий иши бор. Уларда ўзбек диалектологияси, таржимашунослик, фольклористика каби қатор масалалар устида фикр юритилган.

У Улуғ Ватан урушидаги хизматлари учун бир неча медаллар билан мукофотланган.

Ш. Афзалов 1969 йилда вафот этган.

Асарлари:

1949

Рус тилидан ўзбек тилига таржималар. Тошкент (бу асар 1955 йилгача нашр этилган).

1956

Муродхон. (Ҳамкорликда), Тошкент.

1957

Ўзбек халқ эпоси. II (ҳамкорликда), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

«Балогардон». (Ҳамкорликда), Тошкент.

Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди. (Коллектив), Тошкент.

1959

Аланга ичида туғилган мисралар. Тошкент.

Вопросы узбекского языка и литературы. Журн. «Звезда Востока», № 5.

1960

Аланга ичида туғилган мисралар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали.



# Акмал Аҳмедов

Акмал Аҳмедов 1932 йилда Бухоро областининг Ғиждувон районида хизматчи оиласида туғилди. 1949 йилда райондаги ўрта мактабни, 1954 йилда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини тугатди. 1954—57 йилларда мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири вазифаларида ишлаб келди.

1957—60 йилларда у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида тил тарихи бўйича таҳсил кўрди. Аспирантурани тугатгач, ўзи ўқиган секторда илмий ходим қилиб қолдирилди; 1962 йилда С. Муталлибов раҳбарлигида «Фурқат поэзиясининг лексикаси» деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

А. Аҳмедов ҳозир С. М. Киров номли Ленинобод Давлат педагогика институтининг доценти, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири вазифасида хизмат қилмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1960

Фурқатнинг ўзбек адабий тили тараққиётида тутган ўрни. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1-китоб, Тошкент.

Фурқат поэзиясининг ўрганилиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида. Юқоридаги журнал, 3-сон, Тошкент.

Фурқат поэзиясининг лексик таркиби. Юқоридаги журнал, 5-сон, Тошкент.



## Акбар Аҳмедов

Акбар Аҳмедов 1934 йил 4 январда Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. 1941—51 йилларда ўрта мактабда, 1952—56 йилларда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Институтни имтиёзли диплом билан битириб, 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат ўқув-педагогика нашриёти (ҳозирги Ўзбекистон ССР «Ўқитувчи» нашриёти)нинг ўзбек тили ва адабиёти редакциясида муҳаррир бўлиб ишлади. 1959 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги замон ўзбек тили секторига ишга ўтди. 1960 йилда СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Бироқ оилавий шароитлар тақозоси билан аспирантурада ўқишни давом эттира олмади, шу сабабли яна А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги замон ўзбек тили секторида кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. У 1965 йилда «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқ гаплар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

А. Аҳмедов 1964—65 йилларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг органи — «Агитатор блокноти» журналида ҳам адабий ходим бўлиб ишлаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир эса у А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳозирги замон ўзбек тили секторининг катта илмий ходими лавозимида хизмат қилмоқда.

Асарлари:

1960

Ўрта мактаб она тили дарсларида жуфт сўзларни ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 9-сон, Тошкент.

1961

**-ми** юкламаси ва унинг қўлланишига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Рус фанининг отаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1965

Ўзбек тилида ўрин ва пайтни аниқлашга қаратилган сўроқ гаплар. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Махсус интонацияли сўроқ гапларнинг структураси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1966

Сўзларнинг синтактик муносабатлари. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», II, Тошкент.

Тўлдирувчили бирикмалар. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», II, Тошкент.



## Эрнст Бегматов

Эрнст Азимович Бегматов 1936 йилнинг 7 июлида Наманган областининг Тўрақўрғон районида педагог оиласида туғилди. Ёшлик йиллари Жанубий Қозоғистон областининг Туркистон районидаги Отабий қишлоғида ўтди. У 1954 йилда қишлоқдаги 5-ўрта мактабни, 1959 йилда эса А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1959—60 йилларда Самарқанд областининг Пойариқ районидаги 53- мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Кейинчалик Тошкентга келиб, 1961 йилнинг июль ойигача ЎзССР «Ўқитувчи» нашриётида ишлади. 1961 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳозирги замон ўзбек тили секторига кичик илмий ходим бўлиб ишга ўтди.

У 1965 йилда таниқли олим Фахри Камолов раҳбарлигида «Ўзбек тили антропонимикаси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Эрнст Бегматов киши номларининг маъноларини аниқлаш, имлосини тартибга солиш каби муҳим проблемалар устида самарали меҳнат қилаётган тадқиқотчилардан саналади. У ҳозир А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг нутқ маданияти секторида катта илмий ходим бўлиб хизмат қилмоқда.

Асарлари:

1959

Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик синонимлар. «Сборник студенческих работ УзГУ», Новая серия, вып. 2, Самарканд.

1962

Киши номларининг маъноларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон, Тошкент.

1965

Антополексемалар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2- сон, Тошкент.

Номлар ва одамлар. «Фан ва турмуш» журнали, 1- ва 3- сонлар, Тошкент.

Киши номларининг отлашиш йўли билан юзага келиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Ўзбек антропонимикасининг лексик-семантик хусусиятлари. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

Ономастик сўз ясаш масалаларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3- сон, Тошкент.

Киши номлари ҳақида. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 7- сон, Тошкент.

1966

Ундовлар. «Ҳозирги ўзбек тили», Тошкент.

Тасвирий сўзлар. Юқоридаги китоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Ҳамдам Бердиёров

Ҳамдам Бердиёров 1918 йил 12 майда Самарқанд областининг Нарпай районидаги Қурбонқул қишлоғида туғилган. 1935 йилгача Мирбозор болалар уйида тарбияланган, 1935 йилда колхоз ёшлар мактаби (ШКМ)ни ҳамда Каттақўрғондаги Совет Партия мактабини, 1936 йилда рабфакни, 1941 йилда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини тугатган. 1941—46 йилларда Ҳ. Бердиёров Совет Армияси сафида хизмат қилди: шу йилларда у фашистлар Германиясига ва Японияга қарши курашда қатнашди.

1946—49 йилларда Ҳ. Бердиёров Ўзбекистон Давлат университети тилшунослик кафедрасининг аспиранти бўлди. Аспирантурани тугатган йилиёқ проф. У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўнгкўмакчилар» темасида диссертация ёқлади. Орадан кўп ўтмай унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Ҳ. Бердиёров аспирантурани тугатгандан буён Самарқанд Давлат университетида ишлаб келмоқда. Ҳозир у шу университет умумий тилшунослик кафедрасининг мудири.

Олим сўнгги йилларда доцент Раззоқ Расулов билан ҳамкорликда «Ўзбек тили фразеологик луғати»ни тузмоқда.

Ҳамдам Бердиёров Улуғ Ватан уруши йилларидаги хизмати учун бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Асарлари:

1949

Послелоги в современном узбекском языке. Изд. СамГУ.

1956

Бурқут шеваси ҳақида мулоҳазалар. ЎзДУ асарлари, Янги серия, 66.

1959

Ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи масалалари ҳақида. СамДУ илмий асарлари, Серия 91. (Ҳамкор), Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Методик кўргазма ва курс ишлари тематикаси. СамДУ илмий асарлари, Самарқанд.

Ўзбек адабий тилининг тараққиётида Фурқат ва Муқимийларнинг роли. СамДУ асарлари, Янги серия, 102, Самарқанд.

1961

Фразеологик луғат тузиш ҳақида. СамДУ асарлари.

1963

Ўзбек тили фразеологизмлари ва унинг русча эквивалентлари. «Совет мактаби» журнали, 6-сон, Тошкент.



## Ҳалима Болтабоева

Ҳалима Болтабоева 1934 йилда Фарғона шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1948 йилда шаҳардаги 15-етти йиллик мактабни тугатиб, «Коммуна» босмахонасига ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди, ўқишни эса кечки ишчиёшлар мактабида давом эттирди. У 1950 йилда ўрта мактабни, 1954 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан битиради.

1955—58 йилларда Ҳ. Болтабоева Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди, кейинчалик эса шу институтнинг ҳозирги замон ўзбек тили секторида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. У 1960 йилда академик К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида гапнинг ажратилган бўлаклари» номли кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Ҳ. Болтабоеванинг илмий фаолияти кўпроқ синтактик проблемаларни, хусусан, ажратилган бўлакларни ўрганиш билан боғлангандир. Бу соҳада унинг бир қатор мақолалари ҳам эълон қилинган.

Ҳозирги кунда олима Тошкент Чет тиллар педагогика институти ўзбек тили кафедрасининг доценти лавозимида хизмат қилмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1957

Ажратилган бўлаклар ва уларнинг маъно функциялари. Фарғона.

Ажратилган изоҳловчилар. «Уч. зап. Ферганского госпед-института», филологическая серия, № 4, Фергана.

1959

Ажратилган аниқловчилар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Ажратилган изоҳ маъносидаги ҳоллар. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент.

1962

Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. (Коллектив), Тошкент.

1966

Ўзбек тилида гапнинг ажратилган бўлаклари. Тошкент.



## Ҳамиджон Бойқўзиев

Ҳамиджон Бойқўзиев 1932 йилда Фарғона областининг Поп районидаги Яшиқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1952 йилда ўрта мактабни, 1956 йилда эса Тошкент Чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетини тугатди. 1956—57 ўқув йилида Қўқон районидаги 6-ўрта мактабда, 1957—62 йилларда Қўқон Давлат педагогика институтида инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1962—65 йилларда шу институтнинг катта ўқитувчиси ва чет тиллар кафедрасининг мудири бўлди, айни пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида сиртдан ўқиди.

Ҳ. Бойқўзиев 1965 йилнинг 23 апрелида РСФСР Педагогика фанлари академиясида проф. В. Д. Аракин раҳбарлигида



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Инглиз тили содда гапини ўрганишга доир» темасидаги кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳ. Бойқўзиев 1965 йилдан буён Қўқон Давлат педагогика институтида ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор бўлиб ишламоқда.

Асари:

1963

Инглиз ва ўзбек тилларида сўз тартиби. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон.

## Мухтор Валиев



Мухтор Назирович Валиев 1932 йилда Самарқанд областининг Булунғур районида хизматчи оиласида туғилди. 1940—49 йилларда Булунғур районидаги Чкалов номли 1-ўрта мактабда, 1949—50 йилларда Самарқанддаги 3-мактабнинг кечки бўлимида, 1950—55 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1955—56 йилларда Самарқанд озиқ-овқат техникумида тил ва адабиётдан дарс берди. 1956 йилда Ўзбекистон Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасига ассистент бўлиб ишга ўтди, шу йилнинг ўзида университетнинг сиртқи аспирантурасига ҳам киради.

1963 йилда проф. У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг найман шеваси» номли кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади.

М. Валиев 1964 йилдан буён СамДУ ўзбек тилшунослиги— кафедрасининг доцентидир. Ҳозирги кунда у сингармонизмли шевалар проблемаси устида тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Асарлари:

1960

Ўзбек диалектологиясини ўрганишга рус олимларининг қўшган ҳиссаси. СамДУ асарлари, 102, Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Найман шевасининг ундошлари ҳақида баъзи маълумотлар. Юқоридаги асар, Самарқанд.

1961

Найман шевасининг келишик категориялари. СамДУ асарлари, Самарқанд.

1962

Найман шевасида кўплик категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

1963

Найман шевасининг баъзи бир лексик хусусиятлари. СамДУ асарлари, 127, Самарқанд.

1964

Е. Д. Поливанов о сингармонических говорах узбекского языка. Сб. «Материалы конференции», т. I, Самарканд.



## Тожихон Дадахонова-Турсунова

Тожихон Дадахонова-Турсунова 1928 йилнинг 28 декабрида Тошкент область Калинин районидаги Ленин қишлоқ советида туғилди. 1946 йилда шу қишлоқдаги ўрта мактабни, 1950 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битирди; 1951 йилда Тошкент шаҳар Москва районидаги 8-ўрта мактабда, 1952—54 йилларда Марғилон Давлат ўқитувчилар институтида, 1954—55 йилларда Тошкент хотин-қизлар билим юртида, 1955—58 йилларда эса Андижон педагогика институтида ўзбек тилидан дарс берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти аспирантурасига кирди. 1960—62 йилларда СССР Фанлар академиясининг Ленинграддаги Тилшунослик институтида проф. А. К. Боровков раҳбарлигида илмий иш олиб борди, 1963 йилда эса «Ўзбек тилида чеварлик лексикаси» мавзуида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳозир олима Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти лавозимида хизмат қилмоқда.

Тожихон Дадахонова-Турсунова ўзбек профессионал лексикаси бўйича ишлаётган етук мутахассислардан саналади. Бу соҳада олиманинг «Чеварлик лексикасида ономастик ва топонимик номлар», «Чеварлик лексикасида баъзи бир диалектал хусусиятлар», «Чеварлик сўз-терминларининг пайдо бўлиш манбалари», «Касб-ҳунар лексикасида аффиксация усули билан сўз ясаш», «Бадиий нутқ ва диалектал лексика» номли жиддий ишлари эълон қилинган.

Ҳозирги кунда Т. Дадахонова-Турсунова ўзбек тилида гиламчилик лексикасини монографик планда ўрганмоқда.

Асарлари:

1959

С. Анорбоевнинг «Оқсой шалолалари» повести ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали, 2-сон, Тошкент.

1962

Чеварлик лексикасида ономастик ва топонимик номлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Чеварлик лексикасида баъзи бир диалектал хусусиятлар. Юқоридаги журнал, 3-сон, Тошкент.

1963

Чеварлик лексикасига оид баъзи бир сўз-терминлар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Чеварлик лексикасида семантик йўл билан сўз ясаш. Юқоридаги журнал, 5-сон, Тошкент.

Чеварлик лексикаси тарихидан. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти. Илмий асарлар. 42-том, 1-китоб, Тошкент.

Чеварлик лексикасига оид баъзи бир сўз-терминлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Худойберди Дониёров

Худойберди Дониёров ўзбек диалектологияси, таржима назарияси, адабиётшунослик ва ҳатто этнография соҳасида самарали меҳнат қилаётган истеъдодли олимлардандир.

У 1927 йилда Тошкент областининг Бекобод районидаги Уяс қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилди. 1943 йилда 3- Боёвут совхозидаги 5-тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаб, совхозда ишчи, кейинроқ (1944—46 йилларда) бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиб ишлайди, айни пайтда Тошкентдаги К. Маркс номли эрлар педбилим юртида сиртдан ўқийди. 1946—51 йилларда у Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида таҳсил кўрди, университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб. М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети филология факультетининг шарқ филологияси бўлимига аспирантурага кирди. Бу ерда унга машҳур туркологлардан профессор Н. К. Дмитриев ва проф. Е. Э. Бертельслар раҳбарлик қилишди.

1955 йилда у Москва университетининг Илмий советида «Ўзбек тилининг Бахмал шеваси» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу йилнинг ўзида Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга келди. 1957 йилда эса унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Олим 1969 йилдан буён Ғафур Ғулом номидаги Сирдарё педагогика институтининг ректори бўлиб хизмат қилмоқда. У ҳозирги вақтда «Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари» (Самарқанд области материаллари асосида) деган темада монографик иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1953

«Қўшчинор чироқлари» романининг стили ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Шарқ юлдузи» журнали, 10- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1956

Алпомиш достони ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали, 2-сон, Тошкент.

К вопросу о понятии родства тюркских языков. Тезисы научной сессии профессорско-преподавательского состава УзГУ.

Икки поэманинг тили ва бадиий хусусиятлари ҳақида. ЎзДУ асарлари, Янги серия, 66, Самарқанд.

Некоторые лексические особенности бахмалского говора в сравнении с узбекским литературным языком. ЎзДУ асарлари, Янги серия, 66, Самарқанд.

## 1957

Масал жанрига доир баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек совет адабиёти масалалари», тўплам, Тошкент.

## 1959

Ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи масалалари. СамДУ асарлари, Янги серия, 91.

Фонетические особенности бахмалского говора узбекского языка. СамДУ асарлари, Янги серия, 91, Самарқанд.

Ўзбек тилида сингармонизм. СамДУ асарлари, Янги серия, 91, Самарқанд.

«Ўтган кунлар» романи ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали, 3-сон, Тошкент.

Ҳамид Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги. «Шарқ юлдузи» журнали, 7-сон, Тошкент.

## 1960

Бахмал шевасининг морфологик хусусиятлари. СамДУ асарлари, Янги серия, 102, Самарқанд.

Фурқат ва Муқимийнинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги хизматларига доир. СамДУ асарлари, Янги серия, 102, Самарқанд.

Ўзбек диалектологиясини ўрганишга рус олимларининг қўшган ҳиссаси. СамДУ асарлари, Янги серия, 102 (ҳамкор), Самарқанд.

«Машъал» романининг тил хусусиятлари ҳақида. СамДУ асарлари, 102.

«Инсон тақдири»нинг таржимаси. «Шарқ юлдузи» журнали, 11-сон, Тошкент.

Ўзбек диалектологияси ўз ривожланишининг янги босқичида, СамДУ асарлари, Янги серия, 102, Самарқанд.

## 1961

Ойдин ҳикоялари фразеологизмларининг рус тилига таржимаси ҳақида баъзи мулоҳазалар. СамДУ асарлари, 106.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тили желашган (қипчоқ) диалектининг фразеологияси устидан кузатишлар. СамДУ асарлари, Янги серия, 106.

Таржимачилик ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Таржима санъати», тўплам, Тошкент.

1962

Сўз санъати. Тошкент.

Маҳмуд Кошғарий девони ва ўзбек диалектологияси. СамДУ асарлари, Самарқанд.

1963

Некоторые вопросы лингвистической географии в Узбекистане. Фрунзе.

Бадиий асар тилини ўрганишнинг баъзи масалалари. СамДУ асарлари, Янги серия, 129, Самарқанд.

Самарқанд областидаги ўзбек халқ шеваларини классификация қилишга доир. СамДУ асарлари, Янги серия 129, Самарқанд.

Халқ шоирлари асарларини ўрганишнинг ўзбек диалектологияси учун аҳамияти. СамДУ асарлари, Янги серия, 129, Самарқанд.

1964

Самарқанд областидаги қипчоқ шевалари вокализмининг классификацияси. СамДУ асарлари, Янги серия, 139, Самарқанд.

Проф. Е. Д. Поливанов и узбекская диалектология. Материалы конференции «Актуальные вопросы современного языкознания», т. I, Самарканд.

Поливанов о сингармонических говорах узбекского языка. Материалы конференции «Актуальные вопросы современного языкознания», т. I, Самарканд.

Ўзбек адабий тилни ривожлантиришда қипчоқ шеваларининг роли. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

1965

Исми жисмига монанд. «Шарқ юлдузи» журнали, 11-сон, Тошкент.

Разработка некоторых вопросов тюркской диалектологии в Самаркандском университете. Конф-я, посв. проф. Егорову, «Уч. зап. ЧНИИ». вып. XXXIII.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Юсуф Жуманазаров

Юсуф Жуманазаров 1931 йилда Хоразм областининг Ҳазорасп районига қарашли Бешта қишлогида деҳқон оиласида туғилди. У 1948 йилда А. С. Пушкин номидаги ўрта мактабни тугатиб, бирмунча вақт шу мактабнинг ўзида ўқитувчилик қилди. 1951—55 йилларда эса В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таҳсил кўрди, институтни имтиёзли диплом билан тугатгач ўзбек тили кафедрасига ўқитувчи қилиб қолдирилди.

Ю. Жуманазаров 1956—59 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида ўқиди, 1959—62 йилларда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти диалектология секторида илмий ходим бўлиб ишлади, 1962 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек тили Ҳазорасп шевасининг морфологияси» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг у Хоразм Давлат педагогика институтига кафедра мудири бўлиб ишга борди. Ҳозир эса шу кафедранинг доцентидир.

У сўнгги вақтларда «Ўзбек адабий тили ва Жанубий Хоразм диалекти» деган монографиясини ёзиб тугатди. Ҳозир эса «Ўзбек тилининг Хоразм шевалари синтаксиси» номли темада илмий иш олиб бормоқда.

Ю. Жуманазаров 1952 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1959

Ҳазорасп шевасида эгалик аффикслари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Ҳазорасп шевасининг айрим фонетик хусусиятлари ҳақида. «Уч. зап. ТашГПИ», вып. XII, Тошкент.

1960

Ҳазорасп шевасида аффиксация йўли билан от ясашнинг айрим хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мактабда орфоэпия ўқитишнинг баъзи масалаларига доир. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1961

Ҳазорасп шевасида кўрсатиш олмошлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Ҳазорасп шевасидаги баъзи бир феъл формалари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.

Ўзбек тилининг Ҳазорасп шевасида ундов ва мимемалар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, II, Тошкент.

1962

Ҳазорасп шевасида -лар аффикси. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, III, Тошкент.

1964

Ўзбек тили Ҳазорасп шевасининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида. «Уч. зап. Хорезмского госпединститута», Ургенч.



## Ражаб Жуманиёзов

Ражаб Жуманиёзов 1914 йилнинг 5 майида Хевада кустар оиласида туғилди. У 1930 йилда Хева педтехникумини тугатиб, Гурлан районидаги мактабларда 1934 йилгача дарс берди; 1935—39 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, аспирантурада қолдирилди.

Р. Жуманиёзов 1945 йилда «Ўзбек тилида сифатдош аниқловчилар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. 1945—46 йилларда Андижон педагогика институтида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, 1946—50 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, 1950—61 йил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда эса Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтининг ўзбек тили ва адабиёти секторида мудир бўлиб ишлади. Ҳозир у В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг доценти.

Р. Жуманиёзов ҳозирги ўзбек адабий тили, тил тарихи, диалектология, қиёсий грамматика, адабиётшунослик ва она тили ўқитиш методикасига доир 60 дан ортиқ илмий иш эълон қилган.

Партия ва Ҳукуматимиз олимнинг илм-фан ва маориф соҳасидаги хизматларини муносиб тақдирлаб, уни «Ҳурмат белгиси» ордени (1949), «Фахрий Ёрлиқ» (1947) ва «Халқ маорифи аълочиси» (1947) значоги билан мукофотлаган.

Асарлари:

1949

Ўзбек тилида сифатдош. Тил ва адабиёт институтининг асарлари. I, Тошкент.

1950

Ўзбек тили тарихининг конспектив курси. Тошкент.

1952

К вопросу узбекской орфографии. Сб. «К вопросам узбекской орфографии и терминологии», Ташкент. (Бу тўплам 1952 йилда ўзбек тилида ҳам босилган).

Благотворное влияние русского языка на узбекский язык. Тезисы. Ташкент, 1952. (Бу мақола «Совет мактаби» журналининг 1952 йил 3-сонида ҳам босилган).

1954

V синфда сўз туркумларини ўрганиш. «Она тили ўқитиш тажрибаларидан», тўплам, Тошкент.

1955

Педбилим юртлари учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Олий ўқув юртлари учун ўзбек тили тарихидан программа. Тошкент.

1956

Краткий библиографический указатель литератур по языкознанию. Ташкент.

1957

Нутқ маданияти ҳақида. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1958

Стилистика ва стилистик малака. «Совет мактаби» журнали, 5- ва 6- сонлар, Тошкент.

«Қалам» сўзи ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3- сон, Тошкент.

6—7- синфлар учун синтаксисдан таблицалар. (Ҳамкор), Тошкент.

## 1959

Фурқат ижодини ўрганишда луғат устида ишлаш. «Совет мактаби» журнали, 6- сон, Тошкент.

## 1960

Кечки мактабларнинг V—VII синфлари учун ўзбек тилидан программа. Тошкент. (Бу программа 1962 йилда ҳам нашр этилган.)

Ўқувчиларнинг орфографик хатолари ва уларни тузатиш йўллари. «Совет мактаби» журнали, 6- сон, Тошкент.

Ҳамза замондоши хотираларидан. Юқоридаги журнал, 12- сон, Тошкент.

## 1962

Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент.

## 1964

Нутқ ва мақоллар. «Совет мактаби» журнали, 2- сон, Тошкент.

Сиртқилар учун ўзбек тили стилистикасидан контрол иш. Тошкент.

Ўзбек мақоллари. (2- нашри), Тошкент.

## 1965

«Ҳайратул аброр» достонидаги синонимларга доир. Научн. Труды ТашГУ, вып. 268, Ташкент.

## 1966

Кечки мактабларнинг V—VIII синфлари учун она тилидан программа. Тошкент.

Кечки мактабларнинг V—VIII синфлари учун она тилидан методик кўргазма. Тошкент.

Лексика тарихидан. Научн. Труды ТашГУ, вып. 192, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Болта Жўраев



Болта Жўраев ўзбек диалектологияси фанида кўзга кўринган, илмий текшириш йўлларини яхши эгаллаган, мазкур фан обрўсини бошқа халқлар орасида кўтаришга бел боғлаган тилшунос олимлардан бири эди. Шу билан бирга, у ўткир ташкилотчи, моҳир раҳбар, соф кўнгилли коммунист ҳам эди.

Болта Жўраев 1928 йилда Қашқадарё областининг Китоб районида туғилди. 1947 йилда Китобдаги Чкалов номли 1-ўрта мактабни, 1949 йилда Самарқанд ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаб, Китобдаги 10-мактабда илмий бўлим мудири ва ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишлади, 1950—55 йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида, 1955—58 йилларда эса СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти аспирантурасида таҳсил кўрди. 1959 йилда филология фанлари кандидати А. А. Коклянова раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Шаҳрисабз шеваси» темаси бўйича кандидатлик диссертацияси ёқлади .

Б. Жўраев 1959—61 йилларда ЎзССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, 1961 йилдан умрининг охиригача эса институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини лавозимларида хизмат қилди, бир неча йил давомида институт бошланғич партия ташкилоти бюросининг, диссертациялар ҳимоя қилиш Илмий советининг, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали редколлегиясининг аъзоси бўлди.

Олим 1969 йилнинг 20 апрелида вафот этди.

Б. Жўраев ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек диалектологияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган етакчи шевашунослардан эди. У қисқа вақт ичида «Ўзбек тилининг Шаҳрисабз шеваси», «Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари» каби монографияларни ва қатор илмий мақолаларни ёзиб қолдирди, 4 аспирант ва 4 тадқиқотчига раҳбарлик қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1956

Ҳозирги замон ўзбек тили луғат составининг совет давридаги ривожланиши ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. «Сборник студенческих работ УзГУ» им. А. Навои, Новая серия, I, Самарканд.

1959

Шаҳрисабз шевасининг айрим фонетик хусусиятлари. Труды УзГУ, Новая серия, 91, Самарканд.

Шаҳрисабз шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1960

Ҳозирги замон ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг қўлланиши ва маъноси. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент.

1962

Китоб-Шаҳрисабз шевасида унлиларнинг чўзилиш ҳодисаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1963

Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари. Тошкент.

1964

«Шахрисябзский говор узбекского языка» (фонетико-морфологический очерк). Ташкент.

1965

Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

1966

Ўзбек тилида атоқли отларни ўрганиш масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон. (Ҳамкор — Э. Бегматов), Тошкент.

«Деҳқон» сўзи қандай келиб чиққан. «Фан ва турмуш» журнали, 4-сон, Тошкент.

Юқори Қашқадарё шеваларида **суғут** сўзи нима маъно беради. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. Тошкент.

**Чиммат** ва **чачвон** сўзларининг этимологияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

1969

«Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари»., Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Жўрахон Жўраева



Жўрахон Жўраева 1928 йилда Тошкентда туғилди. 1944 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг тайёрлов курсини, 1950 йилда шу университетнинг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди; 1951—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил кўрди. 1959—64 йилларда шу институтда дастлаб лаборантка, кичик илмий ходим, кейинроқ эса катта илмий ходим бўлиб ишлади. У 1961 йилда проф. В. В. Решетов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида келаси замон феъли» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. Ҳозир олима Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўзбек тилидан дарс бермоқда.

Ж. Жўраева ўзбек тили морфологияси, хусусан, феълда замон категорияси бўйича талайгина илмий ишлар эълон қилган.

Асарлари:

1958

Ҳозирги-келаси замон феъли, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

1959

Келаси замон маъносининг ифодаланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3- сон, Тошкент.

1960

Қатъий келаси замон феъли. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

1964

Феъл замонлари. (Ҳамкор), Тошкент.

1965

Феъл майллари классификациясига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

1966

Феъл замонлари. «Ҳозирги ўзбек тили», II китоб, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Сафо Зуфаров

Сафо Зуфаров ўзбек тилшунослигининг анча кекса намояндаларидан биридир.

У 1909 йилнинг 22 февралида Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилди. 1924 йилда Жарариқ маҳалласидаги Фурқат номли мактабни, 1929 йилда эса Наримонов номли таълим-тарбия техникумини тугатди ва шу техникумнинг ўзида тил ўқитувчиси бўлиб ишга қолди. Техникум Самарқандга кўчгач, С. Зуфаров ҳам Самарқандга келди. У 1930—31 йилларда мазкур техникумда дарс бериш билан бирга Ўзбекистон Давлат илмий текшириш институти (УзГНИИ)нинг тайёрлов бўлимида таҳсил ҳам кўрди. Кейинроқ Тошкентга қайтиб, УзНИИКС-нинг тил сектори аспирантурасида ўқиди. Аспирантуранинг охирги курсини (1932—33 йилда) СССР ФА нинг Тил ва тафаккур институтида ўтади. Бу ерда акад. И. И. Мешчанинов, акад. Н. Я. Марр, проф. С. Е. Малов каби машҳур олимлардан таълим олди. 1934 йилнинг январидан эса ЎзТАИТИ да кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади.

Сафо Зуфаров 1941—43 йилларда Самарқанд область Фориш районидаги А. Горький номли 18-мактабда директор, 1943—45 йилларда Самарқанд Давлат педагогика институтида ва шу ердаги Ўзбек Давлат университетида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

С. Зуфаров 1957 йилдан буён А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. У 1966 йилда «Ўзбек тилининг Сайрам шеваси» номли темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Асарлари:

1934

Сайрам илмий командировкаси якуни ҳақида маълумот. «Тил соҳасида илмий текшириш», тўплам, I, Тошкент.

Ўзбек тили. (Морфология), Тошкент.

Янги тил илмий асосларида ўзбек тили. УзНИИКС, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1935

Янги имлонинг илмий асослари ҳақида. «Маданий инқилоб» журнали, 6- сон, Тошкент.

Сайрам шеваси. «Тил проблемалари», тўплам, II, Тошкент.

Лингвистика. «Машъал» журнали.

1936

Имлодан тўла саводли бўлайлик. «Маданий инқилоб» журнали, 2- сон, Тошкент.

1959

Ўзбек тилида қисқартирилган сўзлар. «Ўзбекча-русча луғат», Москва.

1963

Сайрам — Сарём. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон, Тошкент.

Келурнома. Юқоридаги журнал, 6- сон.

1964

Луғатда иллюстратив мисоллар. «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма», Тошкент.

Сайрам тарихига оид қўл ёзмалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

1965

Сайрам шеваси лексикасидан. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Сайрам шевасининг асосий фонетик хусусиятлари. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

Сайрам шеваси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Турсун Иброҳимов

Ўзбек тилшунослигининг кекса вакилларидан яна бири филология фанлари кандидати, доцент Турсун Иброҳимовдир.

Т. Иброҳимов 1908 йилда Самарқанд областининг Булунғур районида туғилди. У 5 ёшида ота-онасидан етим қолиб, амакиваччасиникида яшади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг болалар уйида тарбияланди ва ўқиди.

Т. Иброҳимов 1921—24 йилларда Самарқанд Халқ маорифи (Инпрос) институтида, 1925—29 йилларда эса ЎзССР Халқ маорифи комиссарлигининг тавсияси билан Ленинград Давлат университетида ўқиди. Университетни тугатгач, Самарқанддаги Ўзбекистон Коммунистик университетида ассистент бўлиб ишлай бошлади, кейинроқ Тожикистон педагогика институти миллий тиллар кафедрасининг мудири бўлди, айни пайтда сиртқи аспирантурада ҳам ўқиди. 1946 йилда «Ўзбек тилида гапнинг бош мучалари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1935—56 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ишлади. 1946 йилдан то шу кунгача В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети филология факультетининг доценти вазифасида хизмат қилмоқда. У бир неча йил давомида университет ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири ҳам бўлган.

Доцент Т. Иброҳимовнинг илмий фаолияти кўпроқ орфография ва орфоэпия масалалари билан боғлангандир. У араб алфавитини латин графикаси асосида ишланган янги ўзбек алфавити билан алмаштиришда ҳам фаол қатнашган.

Асарлари:

1929

Тил ва орфография масалалари. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 7-сон, Тошкент.

1933

Ўзбек адабий тили орфографияси бирлиги учун. «Тил ва орфография масалалари», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилшунослик социализм хизматида. «Маданият ва революция», тўплам, Тошкент.

1935

Тилшуносликдаги либерализмга қарши кураш. «Орфография ва тил проблемалари», тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилининг қорақалпоқ шеваси. «Тил проблемалари», тўплам, II, Тошкент.

1937

Ўзбек тилшунослигидаги баъзи актуал проблемалар. В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, XI. (Ҳамкор), Тошкент.



## Хайрулла Исматуллаев

Хайрулла Ҳикматуллаевич Исматуллаев 1937 йилнинг 16 августида Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1955 йилда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Свердлов номли 41-ўрта мактабни, 1960 йилда эса Тошкент Чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. 1960—61 йилларда ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» Давлат нашриётида (инглиз тили бўйича редактор вазифасида), 1961 йилнинг январидан декабригача Тошкент Чет тиллар педагогика институтида юқори курслар учун инглиз тили кафедрасининг ўқитувчиси лавозимида хизмат қилди. 1961—64 йилларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аспиранти бўлди. 1965 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида кузатилган мақсадга кўра гап турлари» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Ҳозирги кунда олим В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишламоқда.

Х. Ҳ. Исматуллаев ўзбек тилида гап турларини коммуникативлик (дарак, сўроқ, буйруқ) ва эмоционаллик (эмоционал



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва эмоционал бўлмаган гаплар) аспектларида ўрганаётган, инглиз тили фонетикаси ва грамматикасини яратиш бобида самарали меҳнат қилаётган истеъдодли олимлардан биридир.

Асарлари:

1964

Сўроқ гаплар классификацияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

Америка тилшуносларининг ўзбек тилига оид асарларига тақриз. «Шарқ юлдузи» журнали, 12-сон, Тошкент.

1965

Риторик сўроқ гаплар. ТошДУ илмий асарлари, 268, Тошкент.

Кузатилган мақсадга кўра гап турларининг интонацион хусусиятлари. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

1966

Дарак ва буйруқ гаплар ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 282, Тошкент.

Сўроқ гапларнинг баъзи хусусиятлари. ТошДУ илмий асарлари, 282, Тошкент.

Буйруқ гапларда модаллик. ТошДУ илмий асарлари.

Инглиз тили грамматикаси (синтаксис), Тошкент.



## Неъмат Исматуллаев

Неъмат Исматуллаев 1926 йилнинг 2 августида Тошкентда деҳқон оиласида туғилди. Исматуллаевлар оиласи 1933 йилда Тошкент яқинидаги Орджоникидзе посёлкасига кўчиб ўтишди, шу сабабли Неъмат Исматуллаев ўрта мактабни Орджоникидзе посёлкасида тугатди. У 1942—44 йилларда Орджоникидзе район молия бўлимида дастлаб агент-кассир, сўнг солиқ инспектори бўлиб хизмат қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1944 йилнинг 28 февралидан 1- Тошкент қабул радио маркази (1- ТПРЦ)да ишлади, 1944 йилнинг ноябридан 1950 йилгача эса Оржоникидзе район Киров қишлоқ советидаги 46- ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, айни пайтда (1946—50 йилларда) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида сиртдан таълим олди. 1950 йилда мактабнинг бўлиниши муносабати билан Навоий номли 1- ўрта мактабга тил ва адабиёт ўқитувчиси қилиб тайинланди. 1959 йилдан эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тилшунослик кафедрасига ишга ўтди, шу йилдан бошлаб мазкур кафедранинг аспирантурасида ҳам сиртдан ўқий бошлади.

У 1964 йилда «Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар» темасида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Неъмат Исматуллаев ҳозир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий тилшунослик кафедрасининг доценти лавозимида хизмат қилмоқда.

Асарлари:

1963

Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар. «Уч. зап. ТашГПИ им. Низами», т. 42, кн. 1, Ташкент.

1964

Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар ва уларнинг классификациясига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1- сон, Тошкент.

Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти. «Уч. зап. ТашГПИ им. Низами», т. 42, кн. 2.

Ўзбек тилида эвфемизмлар ва уларнинг классификацияси ҳақида баъзи мулоҳазалар. Сб. тезисов XXXVI научной конференции профессорско-преподавательского состава и аспирантов института, посвященной 40- летию УзССР и Компартии Узбекистана», I, Ташкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi



# Исроил Исмоилов

Исроил Азизович Исмоилов 1922 йилнинг 1 апрелида Қирғизистон ССРнинг Пржевальск шаҳрида поваришчи оиласида туғилди. Бошланғич маълумотни ҳам шу ернинг ўзида олди. 1936—39 йилларда Андижон билим юртида, 1939 йилда шу билим юрти базасида ташкил қилинган Андижон Давлат ўқитувчилар институтининг 6 ойлик тайёрлов бўлимида, 1940—42 йилларда эса шу институтнинг биология-география факультетида таҳсил кўрди. 1942—44 йилларда у Андижон областининг Ойим, Пахтаобод районларидаги қатор мактабларда биология ва география ўқитувчиси, илмий мудир ва директорлик вазифаларида ишлади. 1944 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1949 йилда факультетнинг шарқий Туркистон бўлимини тамомлаб, СССР Фанлар академиясининг Ленинград шаҳридаги тилшунослик институти аспирантурасига қабул қилинди, 1954 йилда эса СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор С. Е. Малов раҳбарлигида «Ҳозирги замон уйғур тилидаги рус-совет-интернационал сўзлар» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим 1954 йилдан 1959 йилнинг август ойигача В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетида уйғур тилидан дарс берди. 1959 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб хизмат қилмоқда.

И. А. Исмоилов ўзбек тилшунослигида уйғур тили бўйича ишлаётган етук мутахассислардан саналади.

И. А. Исмоилов 1954 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1963

Уйғур тилига рус тилидан ўзлашган сўзларнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари ҳақида. Сб. «Вопросы казахского и уйгурского языкознания», Алма-Ата.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1964

Ўзбек тилида қавм-қариндошлик терминларига доир баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

1965

Ҳозирги замон уйғур тилида рус тилидан олинган сўзлар. Сб. «Исследования по уйгурскому языку», Алма-Ата.

1966

Развитие словарного состава уйгурского языка. «Тюркологический сборник», Ташкент.

Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. Тошкент.



# Фатҳиддин Исҳоқов

Фатҳиддин Исҳоқов 1928 йилда Андижон областининг Олтинкўл район маркази яқинидаги Оқтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Етти йиллик маълумотни шу қишлоқда олгандан сўнг, аввал Андижон шаҳридаги Ҳамза Ҳакимзода номли педагогика билим юртида, сўнгра Андижон Давлат ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Институтни 1948 йилда тугатиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) нинг филология факультетига ўқишга кирди, 1952—55 йилларда эса шу университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги аспирантурада таҳсил кўрди, аспирантурани тугатгач, Андижон педагогика институтига ўқитувчи қилиб юборилди.

Ф. Исҳоқов 1960 йилда Самарқанд Давлат университети Илмий советида «Ўзбек тилидаги иш-ҳаракат ва ҳолат номлари» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлади, 1962 йилда эса Андижон Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасининг доценти лавозимига сайланди. Ҳозир шу институтда



www.ziyouz.com kutubxonasi

тарих-филология факультетининг декани вазифасида ишлаб келмоқда.

Олим иш-ҳаракат ва ҳолат номларининг грамматик хусусиятлари бўйича бир неча илмий мақолалар эълон қилган. Ҳозир у бадиий асар тили ва услубият масалалари бўйича кузатишлар олиб бормоқда.

Асарлари:

1957

Ҳозирги замон ўзбек тилида иш-ҳаракат ва ҳолат номлари. «Уч. зап. Андижанского гос. пединститута», том IV, филологич. серия, Андижан.

1961

Иш-ҳаракат ва ҳолат номларининг грамматик хусусиятлари ва морфологик ўрни масаласига доир. Андижон Давлат педагогика институти асарлари, VII том, Андижон.

Ҳозирги замон ўзбек тилида иловали алоқалар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 2-китоб, Тошкент.

1964

«Таашшуқнома» асари ҳақида. Андижон Давлат педагогика институти асарлари, X том, Андижон.



## Аҳмад Ишаев

Аҳмад Валиуллаевич Ишаев 1928 йилнинг 26 декабрида Бошқирдистон АССРнинг Қирғиз-Мияка районида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1947 йилда Хоразм областининг Манғит (ҳозирги Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё) районидаги Стрелков номли 1-ўрта мактабни, 1951 йилда В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади, 1954—58 йилларда Манғитдаги ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси ҳамда илмий мудир бўлиб ишлади, айни



www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи аспирантурасида таҳсил ҳам кўрди.

1958 йилдан ҳозирга қадар ЎзССР Фанлар академияси қошидаги А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг ўзбек диалектологияси секторида дастлаб кичик илмий ходим, 1964 йилдан эса катта илмий ходим вазифасида ишлаб келмоқда.

У 1952 йилдан буён КПСС аъзоси.

А. Ишаев 1962 йилда акад. В. В. Решетов раҳбарлигида «Ўзбек тили Манғит шевасининг фонетик хусусиятлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ Манғит шевасининг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятларини ўрганиш, баъзи топонимларнинг этимологиясини, ўзбек адабий тилида бўғин турларини аниқлаш каби масалалар билан боғлангандир. Бу борада унинг «Манғит» сўзининг этимологияси», «Шимолий Хоразмдаги топонимик номларнинг этимологияси», «Урганч ҳақида нима биласиз?» каби жиддий мақолалари эълон қилинган. Олимнинг бундай ишлари юзасидан СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. М. Жирмунский, Озарбайжон Фанлар академиясининг академиги М. Ш. Ширалиев каби таниқли мутахассислар ҳам ижобий фикр билдиришган.

Аҳмад Ишаев 1964 йилдан буён Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари бўйича диалектологик текширишлар олиб бормоқда.

Асарлари:

1958

**Манғит** сўзининг этимологияси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1959

Манғит шевасидаги ассимиляция ва диссимиляция ҳодисалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Манғит шевасининг унлилар системаси (вокализми). Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, XII, Тошкент.

Манғит шеваси (текстлардан намуналар). «Ўзбек диалектологияси», Тошкент.

1960

Манғит шевасидаги ундош товушларнинг баъзи бирикмалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Из истории мангытов и мангытского диалекта узбекского языка. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», II, Баку.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Манғит шеваси лексикаси тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1961

Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.

Манғит шевасида бўғин тузилишининг баъзи хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Манғит шевасига оид кузатишлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 2-китоб, Тошкент.

**-лар** аффиксининг Манғит шевасидаги вариантлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Манғит шевасида рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 3-китоб, Тошкент.

1962

Манғит шеваси морфологиясидан материаллар, «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 4-китоб, Тошкент.

Манғит шевасида сўзларнинг торайиш формалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Манғит шеваси (шевага оид текстлар). «Ўзбек диалектологияси» (дарслик), Тошкент.

1963

Ўзбекистон топонимикасидан материаллар йиғишга доир. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5-китоб, Тошкент.

Манғит шеваси фонетикасидан материаллар. Юқоридаги тўплам, 5-китоб, Тошкент.

Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимик номларнинг этимологияси. «Уч. зап. ТГИПИИЯ», вып. VII. Тошкент.

1964

Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларига оид баъзи маълумотлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар (А. Шерматов билан ҳамкорликда). Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари, 42-том, 3-китоб, Тошкент.

Ўзбек адабий тилида бўғин. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

1965

Из лексики узбекских говоров Каракалпакии. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1966

Ўзбек адабий тилида товуш бирикмалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1- сон, Тошкент.

1966

Ўзбек шеваларида метрологик сўзлар. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.

Особенности словообразования в узбекских говорах Каракалпакии. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», Баку.

О состоянии диалектологической работы в Узбекистане. Юқоридаги тўплам.

Проф. Е. Д. Поливановнинг бир фикри ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5- сон, Тошкент.

Татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектида ўзбек тили элементлари. Юқоридаги журнал.

Некоторые вопросы развития фонетики узбекского языка «Тезисы Всесоюзной конференции по общему языкознанию, посвященной обсуждению проблем эволюции языка», Самарканд.



# Фахри Камолов

Фахри Камолович Камолов 1907 йилда Туркистоннинг Сўзоқ қишлоғида туғилди. 1918—20 йилларда Сўзоқдаги болалар уйида тарбияланди. 1920—22 йилларда Туркистон шаҳридаги 5- қозоқ интернатида ўқиди, 1928 йилда Тошкентдаги ўзбек эрлар маориф институтини, 1934 йилда Маданий қурилиш институти аспирантурасининг тайёрлов курсини, 1937 йилда эса А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасини тугатди, 1942 йилгача турли институтларда ўзбек тилидан дарс бериб келди, 1942—46 йиллар давомида эса Совет Армияси сафида офицер-журналист бўлиб хизмат қилди, «Совет жангчиси» фронт газетасининг редактори бўлди.

1946 йилда, фронтдан қайтгач, Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг Илмий советида «Ўзбек ор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

фографиясининг асослари» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Шундан сўнг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, кейинроқ ҳозирги ўзбек тили секторининг мудири лавозимида ишлаб келди, айни пайтда қатор институтларда (Республика партия мактаби, Юридика институти, Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институти, Тошкент Давлат кечки педагогика институтида) дарс ҳам берди.

Олимнинг илмий фаолияти 1928—29 йиллардаёқ бошланган эди. У 30-йилларда бошланғич ва ўрта мактаблар учун она тилидан қатор методик кўргазмалар, программа ва дарсликлар яратди. 1940 йилда эса рус графикаси асосида тузилган янги ўзбек алфавитига текст намуналари тузди, орфография қоидаларини ишлаб чиқди. Шу даврдан бошлаб умрининг охиригача ўзбек орфографиясини такомиллаштиришда етакчи мутахассис бўлиб қолди: бу йилларда олим бошчилигида ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди, ўзбек тилининг қисқача имло луғати тузилди, ўзбек тилшунослигининг айни пайтдаги аҳволи ҳақида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумига ва ЎзССР Маориф министрлигига докладлар, ахборотлар тайёрлаб берилди.

Ф. К. Камолов ўз ҳаёти давомида 80 дан ортиқ дарслик, қўлланма, программа, брошюра ва мақолалар яратган забардаст олим эди.

Партия ва Ҳукуматимиз олимнинг илм соҳасидаги ва Улуғ Ватан урушидаги хизматларини муносиб тақдирлаб, уни «Қизил Юлдуз» ордени, «Белграднинг озод этилганлиги учун», «Будапештнинг озод этилганлиги учун», «Германия устидан ғалаба учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медаллари ва ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлаган. У 1939—48 йилларда бир неча бор Тошкент шаҳар Совети депутати қилиб сайланган эди.

Олим 1966 йилнинг 21 февралида Тошкентда вафот этди.

Асарлари:

1929

Лотинлашган янги ўзбек алфавити. Тошкент.

1935

Орфографик машқлар тўплами, (I—III синфлар учун. Ҳамкорликда), Тошкент.

1937

Мактабларда имло ўқитиш методикасидан қўлланма. (Ҳамкорликда), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1938

Грамматика ва орфография. (I—II синфлар учун. Ҳамкорликда), Тошкент.

Системали диктантлар тўплами. (Ҳамкорликда), Тошкент.

1940

Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавити. (Ҳамкорликда), Тошкент.

Янги ўзбек алфавитига текст намуналари. Тошкент.

Ўзбек адабий тилининг ягона орфографияси. Тошкент.

Ягона ўзбек орфографияси билан қисқача имло луғати. Тошкент.

1941

Ўзбек орфографияси масалалари. «Социалистик фан ва турмуш» журнали, 1- ва 5- сонлар, Тошкент.

1951

Ўрта ва етти йиллик мактабларнинг V—VII синфларида она тили ўқитиш ҳақида. Тошкент.

Мактабда она тили ўқитиш ва совет тилшунослигини қайта қуриш масалалари ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 6- сон, Тошкент.

Ўзбек мактабларининг юқори синфларида она тили ўқитиш масалаларига доир. «Совет мактаби» журнали, 2- сон, Тошкент.

К вопросам периодизации истории узбекского языка. «Стенографический отчет объединенной конференции по изучению истории народов Средней Азии и Казахстана», Ташкент.

1952

V—VII синфларда ўзбек тили ўқитиш методикаси. (Ҳамкорликда), Тошкент.

Ўзбек миллий тилининг ташкил топиши ва ривожланиши тарихи. Сб. «Вопросы изучения языков Средней Азии и Казахстана», Ташкент.

Некоторые соображения о новом узбекском алфавите. Сб. «К вопросам узбекской орфографии и терминологии», Ташкент.

Ўзбек тилининг асосий луғат фонди ва луғат состави ҳақидаги масалаларга доир. «Совет мактаби» журнали, 3- сон, Тошкент.

О некоторых вопросах узбекской орфографии. Изв. АН УзССР, 4.

1953

Ўзбек тили лексикаси. Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Основные правила узбекской орфографии в 7 вариантах. Ташкент.

Ўзбек тилида қўшма гап масалалари. Тошкент.

1954

Ўзбек орфографиясининг баъзи масалалари ҳақида. «Ўзбек тилшунослиги масалалари», тўплам, Тошкент.

1955

Республика олий ўқув юртлари учун ҳозирги замон ўзбек тилидан программа. Тошкент (1956 йилда қайта нашр этилган).

1956

Ўрта Осиё туркий тиллари тарихини даврлаштириш масалалари. «Стенографический отчет объединённой научной конференции Академии наук Закавказских республик», Ташкент.

Ўзбек ёзуви тарихига доир. «Фан ва турмуш» журнали, 3- ва 4- сонлар, Тошкент.

Ўқитувчилар институтлари учун ҳозирги замон ўзбек тилидан программа. Тошкент.

1957

Ўзбек орфографияси тўғрисида. Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили. (Ҳамкорликда), Тошкент.

1958

Значение перевода узбекской писменности со старой графики на новую. «Материалы первой всесоюзной научной конференции в гор. Ташкенте», Ташкент.

1961

Ўзбек адабий тилининг вужудга келиши ва ривожланишида Ҳамзанинг роли. «Ҳамза», тўплам, Тошкент.

Бошланғич мактабларда орфографик саводхонликни кўтариш. «Совет мактаби» журнали, 5- сон, Тошкент.

1962

Миллий алфавитларни унификациялашга доир. «Шарқ юлдузи» журнали, 1 ва 2- сонлар, Тошкент.

Ўзбек орфографияси қоидаларини такомиллаштириш учун. «Совет мактаби» журнали, 6- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллий ёзувларни унификациялашда ўзбек алфавити. «Совет мактаби» журнали, 9-сон, Тошкент.

Ўзбек орфографиясининг қисқача луғати. (Ҳамкорликда), Тошкент.

1963

О роли русских ученых в научном изучении узбекского языка. Журнал «Общественные науки в Узбекистане», № 4, Ташкент.



## Қаюм Каримов

Қаюм Каримов 1932 йилда Тошкент областининг Пискент районида туғилди. 1949 йилда Пискентдаги ўрта мактабни, 1955 йилда эса Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) Шарқ факультетининг эронафғон филологияси бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. 1955—58 йилларда ўзи ўқиган ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ҳамда инглиз тилидан дарс берди; 1959—62 йилларда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўзбек тили тарихи бўйича таҳсил кўрди, ниҳоят, 1962 йилнинг январида филология фанлари доктори С. Муталлибов раҳбарлигида «Қутадғу билиг» тилида келишик категорияси» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Қ. Каримов 1962 йилдан ҳозирга қадар А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ўзбек тилини тарихийқиёсий ўрганиш секторида катта илмий ходим лавозимида ишлаб келмоқда. У форс, тожик, инглиз ва, айниқса, рус тилини мукаммал билувчи, шунингдек, туркий ёдгорликлар тилини мустақил таҳлил этувчи олимдир.

Ҳозир Қ. Каримов «Қутадғу билиг» асари бўйича кенг илмий-текшириш иши олиб бормоқда. У 1965 йилда мазкур асар текстининг транскрипциясини ва ўзбек тилига таржимасини тугатди, 1966 йилдан бошлаб асарнинг тўлиқ луғатини тузишга, унинг грамматик хусусиятларини ўрганишга киришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1960

«Фарҳод ва Ширин» тилида келишикларнинг ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятлар». «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961

«Қутадғу билиг»нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 2, Тошкент.

«Қутадғу билиг»нинг тузилиши, жанри ва вазни ҳақида. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 2, Тошкент.

1962

Буржларнинг туркча номи ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

«Қутадғу билиг»да келишик аффикслари ва уларнинг ишлатилишидаги фонетик қонуниятлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

«Қутадғу билиг» тилида макон ва замон келишикларининг маъно ва функциялари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

1963

«Қутадғу билиг» тилида восита келишигининг англатган маънолари ва функцияси. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

1964

«Кутадгу билиг» в поэтическом переводе. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 8- ва 9-сонлар, Тошкент.

1965

Юсуф Хос Ҳожиб ва «Шоҳнома». «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 8-сон, Тошкент.

1966

Муҳим бир далил. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Хосият Комилова

Хосият Комиловна Комилова 1912 йилда Қўқонда туғилди; дастлаб Қўқондаги болалар уйида ўқиди ва тарбияланди. Йигирманчи йилларнинг охирида эса ўзбек хотин-қизлар педбилим юртини тугатди, сўнг Ўзбек Давлат педагогика академияси (ҳозирги СамДУ) га ўқишга кириб, ўзбек филологияси ихтисосини эгаллади.

Олиманинг илмий-педагогик фаолияти 1935 йилдан — Бухоро Давлат педагогика институтида дарс беришдан бошланган. Шундан сўнг у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ва В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетида ўқитувчи-доцент вазифаларида ишлаган, қатор илмий-текшириш муассасаларида ўзбек тилшунослигининг кўпгина тармоқлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган.

1940 йилларнинг бошида Хосият Комиловна Ленинградда аспирантурада таҳсил кўради. 1950 йилда эса «Ҳозирги замон ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчи» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлайди; 1945 йилдан ҳаётининг охиригача Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ҳозирги замон ўзбек тили секторида катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Олима 1961 йилнинг 27 декабрида Ленинградда вафот этган.

Х. Комиловна ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан етук тилшунос олималардан бири эди. У ўз илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек тили грамматикасининг ўша вақтда яхши ўрганилмаган соҳалари — сон, олмош, воситасиз тўлдирувчи, гапда сўзларнинг боғланиши, сўз бирикмалари каби масалаларни атрофлича таҳлил қилиб берди, илмий грамматикага доир материалларни «Ҳозирги замон ўзбек тили» номи билан нашр эттиришда фаол қатнашди.

Партия ва Ҳукуматимиз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олиманинг хизматларини муносиб тақдирлаб, уни академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайлаган, «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва қатор медаллар билан мукофотлаган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1947

О винительном падеже в узбекском языке. «Уч. зап. ТашГПИ им. Низами». вып. 1, Ташкент.

О функциях винительного падежа в узбекском языке. «Уч. зап. ТашГПИ им. Низами». Серия общест. наук, вып. 1, Ташкент.

Ўзбек тилидаги тўлдирувчилар ҳақида. «Тил ва адабиёт институти асарлари», Тошкент.

1952

Ҳозирги замон ўзбек тили курсининг ҳажми ва мундарижаси (доклад тезислари). Тошкент.

Арабча **-ий, -вий** формаларининг имлоси тўғрисида. «Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар», тўплам, Тошкент.

1953

Ўзбек тилида сон ва олмош (ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар). Тошкент.

1955

Гапда сўзларнинг боғланиши (ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар). Тошкент.

1957

Сон. «Ҳозирги замон ўзбек тили», Тошкент.

1961

Сўз бирикмалари — содда гап синтаксисининг муҳим қисми. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 1-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Бобожон Мадалиев



Бобожон Мадалиев 1920 йилда Фарғона областининг Куйбишев райони (ҳозирги Олтиариқ)даги Риштон қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни битиргандан кейин Тожикистон ССР Ленинобод шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлайдиган олти ойлик курсда ўқиди, 1940—42 йилларда тўлиқсиз ўрта мактабларда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1942 йил июнь ойида Совет Армияси сафига чақирилиб, Улуғ Ватан урушида қатнашди. 1943 йилда армиядан ярадор бўлиб қайтди ва мактабларда директор, илмий бўлим мудири вазифаларида ишлади.

1946—47 йилларда Марғилон шаҳар ўқитувчилар институтида, 1947—49 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида, 1949—52 йилларда эса шу институт қошидаги аспирантурада ўқиди. 1952 йилдан буён Қўқон педагогика институтида дастлаб ўқитувчи, кейинроқ доцент ҳамда тил ва адабиёт кафедрасининг мудири вазифаларида ишлаб келмоқда.

У 1958 йилнинг 23 декабрида олим З. Маъруфов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Б. Мадалиев ўз илмий-педагогик фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий ва методик характердаги мақолалар эълон қилган.

Асарлари:

1953

Ўзбек тилида қўшма сўзлар масаласи. «Совет мактаби» журнали, 4- сон, Тошкент.

1957

Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг состави. «Совет мактаби» журнали, 4- сон, Тошкент.

1958

Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар. «Қўқон педагогика институтининг илмий ишлари», Фарғона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

Қўшма сонлар. «Қўқон педагогика институтининг илмий ишлари», Фарғона.

1960

5- синфда қўшма отлар ва уларнинг имлосини ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 12- сон, Тошкент.

1962

Қўшма сўзлар имлоси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон, Тошкент.

1963

Фонетик разбор. «Совет мактаби» журнали, 9- сон, Тошкент.

1964

Луғат диктант ва уни ўтказиш. «Совет мактаби» журнали, 2- сон, Тошкент.

1965

Мактабда имло луғатидан фойдаланишга доир. (Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан), Тошкент.

1966

Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент.



# Отаназар Мадраҳимов

Отаназар Мадраҳимов 1921 йилда Хоразмнинг Хева шаҳрида санъаткор оиласида туғилди. Бошланғич таълимни Хевада олди, сўнгра Хевадаги билим юртида (1938 йилгача), 1938—40 йилларда эса Урганчдаги ўқитувчилар институтида ўқиди. 1940—42 йилларда Хева районининг Оржоникидзе номли колхозида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1942—45 йил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда фронтда бўлди. 1945—49 йилларда Хоразм Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди, ўқишни тугатгач, шу институтнинг ўзида ўқитувчи қилиб қолдирилди. 1951—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил кўрди. Аспирантурани тамомлагач, яна Хоразм педагогика институтига ўқитувчи бўлиб қайтди. У 1960 йилгача ушбу институтда ўзбек тили кафедрасининг мудири бўлди, 1960 йилдан ҳозирга қадар эса институт ректори вазифасида ишлаб келмоқда.

Олим 1957 йилда СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси, профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида янги ясалган сифатлар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

У 1947 йилдан буён КПСС аъзоси. 1960 йилда Хоразм область партия комитетига аъзо ҳамда Область советига депутат қилиб сайланган.

Асарлари:

1957

Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ахбороти, I, Тошкент.

1960

Ўқувчиларнинг саводини яхшилайлик. «Совет мактаби» журнали, 12- сон, Тошкент.

1961

От ва сифат масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

1964

Янги сифатлар. «Хоразм пединститутининг илмий асарлари», I, Хоразм.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Акбар Мадғозиев

Акбар Мадғозиев 1934 йил 28 августда Фарғона областининг Ленинград районида (Қоракўл қишлоғида) туғилган. 1948—52 йилларда «Правда» номли Қўқон педбилим юртини тугатиб, Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. 1956 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, Ленинград район мактабларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва райОНО методисти бўлиб ишлайди. 1962 йилда Фарғона Давлат педагогика институтига ишга таклиф этилади. 1963—66 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил кўрди. 1966 йилда профессор Ғ. А. Абдураҳмонов раҳбарлигида «Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи» мавзуида кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1966 йилдан бошлаб яна Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасида, 1968 йилдан буён эса шу кафедранинг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг шу кунгача 15 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Ҳозир у «XIX аср ўзбек тили» мавзуида докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Асарлари:

1966

Эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Ўзбек тилидаги баъзи эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

«Яъни» боғловчиси. «Совет мактаби» журнали, 2-сон, Тошкент.

Ўзбек тилидаги эргаштирувчи боғловчиларнинг пайдо бўлиш йўллари ҳақида. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 5-сон, Тошкент.

Тўсиқсизлик боғловчиларининг тараққиёт тарихи. Ленинобод педагогика институтининг илмий асарлари. Ленинобод.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Насим Маматов

Насим Маматович Маматов 1919 йилда Фарғона область Ленинград районида туғилди. Бошланғич маълумотни қишлоқда олди. 1937 йилда Қўқондаги Пахтачилик рабфакини битириб, Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1939 йилнинг охирида институтнинг 3- курсидан ихтиёрий равишда Қизил Армия сафига кирди; Улуғ Ватан урушининг охирги кунларигача фронтда бўлди, жанговар хизматлари учун бир орден, уч медаль ва қўмондонликнинг қатор ташаккурномаларини олди. У 1944 йилда фронтда Коммунистик партия сафига ўтди.

Н. Маматов 1946 йилнинг охирида гвардиячи лейтенант унвони билан армия сафидан қайтди ва Ленинград район партия комитетида ҳарбий бўлим мудири бўлиб ишлай бошлади, айни пайтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртқи бўлимида қолдириб кетган ўқишини давом эттирди; 1949 йилда институтни ва Қўқондаги Кечки марксизм-ленинизм университетини муваффақиятли тугатиб, ўқитувчилик қила бошлайди. Н. Маматов аввал Ленинград районидаги, кейинчалик Қўқон шаҳридаги мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1951—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқийди, 1954—55 йилларда эса Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1955 йилда Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, проф. К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тили пахтачилик терминологияси» деган темада диссертация ёқлайди. 1955—58 йиллар давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида илмий ходим бўлиб ишлайди, бу ерда «Ўзбекча-русча луғат» (1959)ни тузишда фаол қатнашади. 1958—62 йилларда Андижон Давлат педагогика институтида,



www.ziyouz.com kutubxonasi

1962—64 йилларда эса Қўқон педагогика институтида ҳозирги замон ўзбек тилидан дарс беради, айни пайтда шу институт бошланғич таълим методикаси кафедрасининг мудири бўлиб ҳам ишлайди. 1960 йилда унга доцентлик унвони берилади.

Олим 1964 йилнинг сентябридан яна А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлайди. Ҳозир у шу сектор ходимлари билан биргаликда ўзбек тилининг изоҳли луғати устида ишламоқда, айни пайтда терминология масалалари юзасидан бошлаган ишларини ҳам давом эттирмоқда.

Н. Маматов шу кунгача 40 босма лист атрофида илмий иш эълон қилган.

Асарлари:

1962

Фурқат асарлари лексикасининг баъзи хусусиятлари. «Андижон педагогика институтининг илмий асарлари», VIII чиқиши, Андижон.

Увайсий чийистонлари. «Шарқ юлдузи» журнали, 9-сон, Тошкент.

1963

Пахтачилик луғатини тузиш ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Увайсий. (Девон, ҳамкорликда), Тошкент.

1964

Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент.

1966

Терминнинг таърифи ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Акбар Маматқулов

Акбар Маматқулов 1929 йилда Сурхондарё область Шеробод районига қарашли Зарабоғ қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1936—43 йилларда Зарабоғ қишлоғидаги М. Горький номли 9- етти йиллик мактабда, 1943—46 йилларда эса Термиз шаҳридаги педагогика билим юртида ўқиди. 1946—48 йилларда Шеробод районидаги мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1948—50 йилларда Самарқанддаги икки йиллик ўқитувчилар институтида ўқиди, институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, бир йил Шеробод районининг Зарабоғ қишлоғидаги ўрта мактабда дарс берди. 1951—55 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди, уни имтиёзли диплом билан тамомлагач, институт советининг қарори билан ўзбек тили мутахассислиги бўйича аспирантурада қолдирилди. Аспирантурани тугатгач, 1961 йилгача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тилшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1961 йил февраль ойидан бошлаб Қарши Давлат педагогика институтининг тилшунослик кафедрасида ишлаб келмоқда. 1961—64 йилларда тил ва адабиёт факультетининг декани ҳам бўлган. Ҳозир эса тилшунослик кафедрасининг доценти лавозимида ишламоқда.

У 1961 йил июнь ойида Саид Усмонов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Шеробод район ж-ловчи шевалари» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлаган. Олим ҳозирги кунда филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимов раҳбарлигида «Шимолий-ғарбий Сурхондарё шевалари» деган темада докторлик иши ёзмоқда.

Асарлари:

1959

Шеробод районидаги ж-ловчи шеванинг унлилар системаси ҳақида. «Уч. зап. ТГПИ им. Низами», вып. XII.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеробод район халқ оғзаки ижодига доир материаллардан намуналар. «Уч. зап. ТГПИ им. Низами», вып. XII.

1960

Шеробод район ж-ловчи шевасида равиш категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

Шеробод район ж-ловчи шевасида сифат категорияси. Юқоридаги журнал, 4- сон, Тошкент.

Шеробод район ж-ловчи шевасида сон категорияси. Юқоридаги журнал, 5- сон, Тошкент.



# Аҳрор Маъруфов

Аҳрор Маъруфович Маъруфов 1908 йилда Тошкентда бинокор-ишчи оиласида туғилди. 1920 йилда собиқ эски шаҳар маорифи қарамоғидаги 5- интернатга кириб таълим-тарбия олади; 1924—29 йилларда Тошкентдаги Навоий (сўнгроқ Нариманов) номли таълим-тарбия техникумида ўқиди, 1929—30 йилларда Тошкентдаги Улуғбек номли 78- мактабда ишлади, 1930—35 йилларда Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университети (1933 йилгача педагогика академияси)нинг филология факультетида ўқиди. 1935 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлигининг йўлланмасига мувофиқ Фарғона Давлат педагогика институтига тил ўқитувчиси қилиб тайинланди.

У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасини тугатгач, 1949 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида пайт эргаш гаплар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган, 1956 йилда эса доцентлик унвонини ҳам олган.

Олим Фарғона Давлат педагогика институтида 1963 йилгача (ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида) ишлаб келган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1963—66 йилларда эса у Хоразм Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида ишлади. Ҳозир у ЎзССР Педагогика фанлари илмий текшириш институтида хизмат қилмоқда.

А. Маъруфов ўзбек тилшунослигида катта тажриба орттирган олимлардан биридир. Унинг шу кунгача 20 дан ортиқ илмий мақолалари, алоҳида ўқув қўлланмалари босилиб чиққан. Уларда автор грамматик разбор, саводхонлик, она тили ўқитиш методикаси каби муҳим масалалар бўйича қимматли фикрлар беради. Олимнинг проф. Ғ. Абдураҳмонов билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тилидан қўлланма» номли китоби 1954 йилдан 1962 йилгача бир неча бор нашр этилган.

Асарлари:

1940

Грамматик разборнинг аҳамияти. «Совет педагогикаси» журнали, 5-сон.

Она тили методикаси. Дарслик, Тошкент.

1949

Педагогика ва ўқитувчилар институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари учун ўзбек тили норматив грамматикасидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

1953

Ўзбек мактабларининг 8—10-синфлари учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

1954

Ўзбек тилидан қўлланма. (Ҳамкор), Тошкент.

1956

Ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун ўзбек тилидан қўлланма. (Ҳамкор), Тошкент.

1958

Ўзбек адабий тилидаги икки-келишик формаси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1961

«Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси». «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Зокир Маъруфов

Зокир Маъруфович Маъруфов 1912 йилда Тошкентда бинокор-ишчи оиласида туғилди. 1931 йилда И. В. Сталин номидаги педагогика техникумини тугатиб, бошланғич мактабда (Ғузор районининг Жингичка қишлоғида) ўқитувчилик қилди; 1932 йилда ЎзССР Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги Маданий қурилиш илмий текшириш институти (УзНИИКС) аспирантурасининг тайёрлов курсида ўқиди; мазкур курсни тугатгач, 1934 йилда Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги аспирантурага киради. 1937 йилда аспирантура курсини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар комитети Тил, адабиёт ва тарих институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади.

У 1947 йилнинг 16 майида СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти Илмий советида «Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари» темасидаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, сўнг ҳозирги замон ўзбек тили, диалектология ва экспериментал фонетика секторларининг бошлиғи сифатида ишлаб келди. Олим 1952 йилдан буён шу институтнинг луғат секторига бошчилик қилмоқда. У 1953 йилгача Тошкентдаги қатор олий ўқув юртларида (Низомий номидаги педагогика институтида, Кечки педагогика институтида, Тожик ўқитувчилар институтида) ўқитувчилик ҳам қилган.

З. Маъруфовнинг илмий фаолияти асосан 1937 йилдан бошланган. Бу даврда у ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларида, хусусан, ўзбек тили грамматикаси, орфографияси, лексикологияси ва лексикографияси каби соҳаларида анча самарали меҳнат қилди. Айниқса, ўзбек лексикографияси тараққиётида олимнинг иштироки катта бўлди: унинг 1941 йилда чиққан «Ўзбекча-русча луғат», 1950—55 йилларда чиққан беш томлик «Русча-ўзбекча луғат», 1954 йилда чиққан бир томлик «Русча-ўзбекча луғат» ва, ниҳоят, 1959 йилда чиққан бир томлик «Ўзбекча-русча луғат»ларнинг барчасида тузувчи ва муҳаррир сифатида қатнашганлиги бунинг ёрқин далилидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У 1943—45 йилларда ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг махсус фармойиши билан яратилган «Ўзбек тили грамматикаси» (V—VII синфлар учун) ва 1957 йилда нашр бўлган «Ҳозирги замон ўзбек тили» каби муҳим дарслик ва китоб авторларидан ҳам биридир.

Ҳозир З. Маъруфов бошчилигида ва бевосита иштирокида монументал асар — 50—60 минг сўзли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тайёрланмоқда. (Луғатнинг 1- жилди Москвадаги «Советская Энциклопедия» нашриётига топширилган. Олим шу луғатнинг бош муҳаррири ҳамдир).

З. Маъруфов 1958—63 йилларда «Тил ва адабиёт масалалари» журналининг масъул котиби, бир неча йил давомида СССР Фанлар академиясининг Бутуниттифоқ лексикология ва лексикография Советининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий советининг ҳамда Ўзбекистон Маориф министрлиги ўқув-методик Совети (УМС)нинг аъзоси бўлган.

Партия ва Ҳукуматимиз олимнинг хизматларини муносиб тақдирлаб, уни «1941—45 Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун» (1946), «Меҳнатдаги шавкати учун» (1951), «Шавкатли меҳнати учун» (1970, Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан) ва икки марта ЎзССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлаган.

Асарлари:

1938

Ўзбек тили грамматикасидан конспект. I қисм, Тошкент.

1940

От ясовчи аффикслар. «Тил ва адабиёт институти асарлари», тўплам, Тошкент.

Синтаксис ва пунктуация машқлари тўплами. Тошкент.

Деворий орфографик таблицалар. Тошкент.

1941

Ўзбекча-русча луғат. (Ҳамкор), Тошкент.

1943

Ўзбек тили дарслиги. I қисм (ҳамкор), Тошкент. (Бу дарслик бир неча бор нашр этилган.)

1944

Ўзбек тили дарслиги. II қисм (ҳамкор), Тошкент. (Бу дарслик 1965 йилгача нашр этилган.)

1949

Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари. «Тил ва адабиёт институти асарлари», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1950

Русча-ўзбекча луғат. I том, **А—Ж** (ҳамкор), Тошкент.

1952

Ўзбек ёзувида «**а**» ва «**о**» унлилари. «Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар», тўплам, Тошкент.

1953

Русча-ўзбекча луғат. III том, **М—О** (ҳамкор), Тошкент.

1954

Рус тилининг грамматик таблицалари (рус тили грамматикасидан маълумот; таржима) «Русча-ўзбекча луғат», Москва.

Русча-ўзбекча луғат, IV том (ҳамкор), Тошкент.

1955

Русча-ўзбекча луғат. V том (ҳамкор), Тошкент.

1956

Сўз состави, от ва сифат. Тошкент.

Рус тили грамматикасидан маълумот. Луғатда мақол, матал ва идиоматик иборалар кўрсаткичи (беш томлик «Русча-ўзбекча луғат»га илова; ҳамкор), Тошкент.

1957

Ҳозирги замон ўзбек тили (олий ўқув юртлари учун). (Ҳамкор), Тошкент.

1958

Ўзбек тили изоҳли луғатининг принциплари ҳақида. «Биринчи Бутуниттифоқ Шарқшунослар конференцияси материаллари» (рус тилида), Тошкент.

Ўзбек филологияси 15 йил ичида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон (ҳамкор), Тошкент.

1959

Ўзбекча-русча луғат. (Ҳамкор), Москва.

Ўзбек тилининг сўз ясовчи ва сўз турловчи аффикслари. «Ўзбекча-русча луғат», Москва. (Рус тилида.)

Луғатчилик ишлари ривож топмоқда. «Фан ва турмуш» журнали, 3-сон.

1962

Ўзбек тилининг қисқача имло луғати. (Ҳамкор), Тошкент.

Тил ва ҳаёт. «Фан ва турмуш» журнали, 6-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1964

Ўзбек тили изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. (Ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек совет лексикографияси 40 йил ичида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

«Ўзбек совет лексикографияси 40 йил ичида» (доклад тезиси), «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган илмий сессия» (рус тилида), Тошкент.

## 1965

Луғат секторида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

## 1966

А. Қодирийнинг луғатчилик фаолияти ҳақида. «Шарқ юлдузи» журнали, 4-сон, Тошкент.



# Аҳмаджон Маҳмудов

Аҳмаджон Маҳмудов 1931 йилда Ўш шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. 1945 йилда Ўшдаги «Маданият» номли етти йиллик мактабни, 1948 йилда педбилим юртини тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Институтни 1952 йил имтиёзли диплом билан тугатган А. Маҳмудов институт Илмий советининг қарори билан ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича аспирантурада қолдирилди. 1955 й Мориз Торез номли Биринчи Москва Чет тиллар инсти экспериментал фонетикаси лабораториясига бо В. А. Артемов раҳбарлигида аспирантурани дав йилнинг кузидан 1956 йилнинг баҳоригача А. ли Ленинград Давлат университетининг экспе ка лабораториясида пневматик методлар Л. Р. Зиндер раҳбарлигида) тажрибалар ўт



www.ziyouz.com kutubxonasi

рани тугатгач, 1957 йили Маориф министрлигининг гувоҳномаси билан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ўқитувчиси қилиб тайинланди. Олим шу йилнинг мартидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти дирекциясининг таклифи билан экспериментал фонетика секторида аввал катта лаборант, 1958 йилдан кичик илмий ходим, кейинроқ катта илмий ходим бўлиб хизмат қилди.

1958 йили СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти Илмий советида «Ўзбек тилининг сўз урғуси (экспериментал-фонетик текшириш)» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлади. Олим 1962—66 йилларда Андижон Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасининг доценти ва мудири лавозимида хизмат қилди. 1966 йилдан бошлаб яна А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти экспериментал фонетика секторида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлади.

Ҳозир олим ўзбек адабий тилининг фонемалари системаси бўйича экспериментал иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1958

Природа узбекского словесного ударения в сопоставлении с русским. «Сборник работ аспирантов», Изд-во АН УзССР, вып. I, Ташкент.

Ўзбек тилида сўз урғусининг табиати ва унинг рус тили урғуси билан қиёси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Сообщение о данных экспериментально-фонетического анализа качественного компонента словесного ударения в узбекском языке. Известия АН УзССР, Серия общественных наук, 3, Ташкент.

Об экспериментально-фонетическом изучении назализации гласных звуков. Известия АН УзССР, Серия общественных наук, 6, Ташкент.

1959

Мактабда ўзбек тили ўқитувчиларининг нутқ маданияти масалалари ҳақида. Низомий номли Тошкент педагогика инсти-
«Ўзб... ўқитувчиларининг илмий конференциясида қилинган док-
Луға...ислари, Тошкент.
журнали, 3-...ые вопросы узбекского языка в аспекте эксперимен-
научная кон...еренция молодых ученых АН
...чт.

Ўзбек тилининг
Тил ва ҳаёт. «Ѳ

1960

ение в узбекском языке. Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1962

Интонацион структура ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1963

Ўзбек адабий тилининг Тошкент шевасидаги **о** (э) унлиси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

1964

Ўзбек адабий тилининг (а) унлиси. «Труды Андижанского гос. пединститута», том X, Андижан.

Ўзбек адабий тили унлиларининг рентгенограмма маълумотлари. «Труды Андижанского гос. пединститута», том X, Андижан.

1965

Ўзбек адабий тили унлиларининг спектрал анализи. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

1966

Рентгенографическое исследование современной узбекской речи. АГПИ (тезисы докладов), Андижан.

«Умумий фонетика» курсининг манбалари ва уни ўқитишнинг хусусиятлари. АГПИ (доклад тезислари), Андижон.

Экспериментал фонетика ва шеър тузилиши. «Шарқ юлдузи» журнали, 12-сон, Тошкент.



## Қозоқбой Маҳмудов

Қозоқбой Маҳмудов 1922 йилда Андижон областининг Избоскан районида деҳқон оиласида туғилди. 1936 йилда уларнинг оиласи Тошкентнинг Қорасув районига кўчиб келди. Қ. Маҳмудов ўрта мактабни шу ерда 1946 йилда тугатди; бир неча йил район молия бўлимида налог бўйича инспектор бўлиб ишлади. 1950—56 йилларда В. И. Ленин номидаги Ўрта



www.ziyouz.com kutubxonasi

Осиё Двалат университетининг шарқ факультетида эрон-афғон разряди бўйича ўқиди. 1957—58 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир, 1958—62 йилларда ЎзССР Фанлар академияси Экономика институтида илмий ходим бўлиб ишлади, 1962 йили олим ўзи севган соҳа — эски ўзбек тили ёдгорликларини ўрганишни давом эттириш учун А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тил тарихи секторига ишга ўтди. 1964 йилда филология фанлари доктори, проф. Ғ. Абдураҳмонов раҳбарлигида «Аҳмад Югнакий «Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг фонетик ва морфологик хусусиятлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. Ҳозир у мазкур секторда катта илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Олим «Ҳибатул ҳақойиқ» асарининг фонетик ва морфологик хусусиятлари юзасидан бир қатор мақолалар эълон қилган. Уларда «Э» фонемасининг эволюцион тараққиёти, сонорлар билан жарангсиз ундошлар ўртасидаги муносабат, айрим феъл формалари ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар илгари сурилади.

Асарлари:

1961

«Э» фонемасининг тарихига доир. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 2, Тошкент.

Юсуф Хос Ҳожибнинг баъзи бир иқтисодий фикрларига доир. Сб. «Научные работы и сообщения», 2, Ташкент.

1963

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида айрим феъл формалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

О произведении Ахмеда Югнекского «Хибатул хакаик», о его язке. Журнал «Общественные науки в Узбекистане», № 7, Ташкент.

«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида баъзи бир морфологик хусусиятлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

1965

«Ҳибатул ҳақойиқ» тилида айрим ундошлар хусусияти. «Тюркологический сборник», Ташкент.

1966

«Ҳибатул ҳақойиқ» тилида жарангсиз ундошлар характеристикаси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Комил Мелиев

Комил Мелиев 1923 йилда Тошкентда туғилди. 1942 йилда Охунбобоев номли 45-мактабни тугатди; 1942—44 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. 1949 йилгача Тошкентдаги 83- ва 74- рус мактабларида ўзбек тилидан дарс берди, айни пайтда Тошкент Давлат университети Шарқ факультетининг уйғур филологияси бўлимида ўқиди. 1949—53 йилларда эса Москвада СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг аспирантурасида таҳсил кўрди. 1953 йилда проф. Н. А. Баскаков раҳбарлигида «Ҳозирги замон уйғур тилида ҳаракат номлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

К. Мелиев 1953—60 йилларда ТошДУнинг Шарқ факультетида дарс берди. 1959 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг туркий тилларни қиёсий ўрганиш секторида катта илмий ходим вазифасида ишлаб келмоқда.

К. Мелиевнинг илмий фаолияти уйғур ва ўзбек тилларини, айниқса, ҳозирги замон уйғур тилидаги ҳаракат номларини, уларнинг кўплик, эгалик, келишик қўшимчалари ёки кўмакчилар билан қўллангандаги ўзига хос морфологик, семантик ва синтактик хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқдир. Олимнинг бу мавзуга бағишланган бир қатор мақолалари ва битта брошюраси эълон қилинган.

К. Мелиев Улуғ Ватан урушидаги ва жамоат ишларидаги хизматлари учун «Жасурлик кўрсатгани учун», «Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилгани учун», «Улуғ Ватан урушида қатнашганлиги учун», «Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 20 йиллиги» ва «СССР қуролли кучларининг 50 йиллиги» каби медаллар билан мукофотланган.

Асарлари:

1957

Имя действия на -ғу в современном уйгурском языке. Труды САГУ, Филологические науки, книга 12, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1963

Ҳозирги замон уйғур тилидаги замон категорияси ҳақида. Сб. «Вопросы казахского и уйгурского языкознания», Алма-Ата.

Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳаракат номлари тўғрисида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1964

Имена действия в современном уйгурском языке. Москва.

1965

Ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида **-ғудек** аффикси орқали ясалган феъл формаси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

Формы на **-диған** и **-ғай** в современном уйгурском языке. Сб. «Исследования по лексике и грамматике тюркских языков», Ташкент.




# Миразиз Миртожиев

Миразиз Миртожиев 1927 йил 14 майда Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. Бошланғич ва тўлиқсиз ўрта маълумотни Тошкентдаги Фрунзе номли 14-мактабда олди (1935—1942). 1944—46 йилларда Тошкент ҳисобот ва иқтисод ўқув юртида ўқиб, ўрта маълумотли кредит мутахассиси бўлади.

М. Миртожиев 1953 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти сиртқи бўлимининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. Шундан сўнг қатор мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди, бир қанча вақт «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳам ишлади. 1958 йилда у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига (луғат секторига) ишга ўтди. Бу ерда сектор коллективи томонидан тайёрланаётган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (е, ё, п, у, ў ҳарфлари) устида ишлаш билан бирга, «Ўзбек тилида лексик



www.ziyouz.com kutubxonasi

омонимларнинг вужудга келиши» темаси бўйича тадқиқот ишлари ҳам олиб борди; 1964 йилда мазкур ишни якунлаб, кандидатлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турларини, сўз маъноларининг кўчиш қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқдир. У бу соҳада ўндан ортиқ мақола эълон қилган. Уларнинг кўпчилиги оригиналлиги, фактик далилларга асосланиши билан ажралиб туради.

М. Миртожиев ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида хизмат қилмоқда.

Асарлари:

1954

«Ўзбекистон» шеърини ўтиш тажрибасидан. «Совет мактаби» журнали, 2-сон, Тошкент.

1960

Полисемиядан омонимиянинг келиб чиқиши ҳақида. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961

Бошқа тиллар билан муносабат орқали ўзбек тилида омонимларнинг вужудга келиши. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 3, Тошкент.

1962

Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг кириб келиши натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Дастлабки омонимлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 4, Тошкент.

1963

Омонимиянинг баъзи масалалари ҳақида. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

1964

Айрим товушлар диерезаси натижасида лексик омонимларнинг вужудга келиши. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1965

Ўзбек тилидаги синекдоха ва унинг турлари. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Мамет Муждабоев

Мамет Муртазоевич Муждабоев 1906 йилда Қримнинг Евпатория шаҳрида туғилган. У 6 йил рушдия мактабида, 3 йил татар педагогика билим юртида ўқиб, ўрта маълумот олган. 1926—30 йилларда эса Қримдаги Фрунзе номли педагогика институти тил ва адабиёт факультетида ўқиган.

Мамет Муртазоевичнинг педагогик фаолияти 1925 йилдан бошланган. У ўрта мактабларда, олий ўқув юртларида 1938 йилгача рус тилидан дарс берган. Олим 1938 йилда Тошкентга кўчиб келади ва шаҳардаги олий ўқув юртларида ишлай бошлайди; 1944 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети рус тили кафедрасига ишга ўтиб, турли факультет студентларига рус тили, ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикасидан дарс беради. 1944—46 йилларда олим фронтда бўлади. 1946 йилдан ҳозирга қадар яна ТошДУ да ўқитувчилик қилмоқда. У 1963 йилда «Безлично-страдательные конструкции в современном узбекском языке» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган, доцентлик унвонини ҳам олган.

М. Муждабоевнинг илмий фаолияти кўпроқ туркий тилларда шахссиз гапларнинг борлигини ўзбек тили материаллари асосида ёритиб беришга қаратилгандир. Бу борада у, туркий тилларда шахссиз гаплар йўқ, деган позицияда турувчи мутахассисларга эътироз билдиради.

Асарлари:

1958

Об изучении безличных предложений. Журнал «Русский язык в национальной школе», 3, Москва.

1960

Безлично-страдательные предложения в современном узбекском языке, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1962

О страдательном залоге и страдательных конструкциях в современном узбекском языке. Научные труды ТашГУ, вып. 214, Ташкент.

1964

Безлично-модальные предложения в современном узбекском языке. Научные труды ТашГУ, вып. 229. Востоковедение, Ташкент.

Безличные предложения с независимым прилагательным в современном узбекском языке. Научные труды ТашГУ, вып. 229, Ташкент.

Сравнительное безличное предложение со сказуемым типа **-дай бўлди** в современном узбекском языке. Научные труды ТашГУ, вып. 247, Ташкент.



## Жаббор Мухторов

Жаббор Мухторов 1926 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Шаҳардаги 8- тўлиқсиз ўрта мактабни тугатгандан кейин, В. В. Куйбишев номидаги рабфакда (1939—40 йилларда), А. М. Горький номидаги Самарқанд Давлат ўқитувчилар институтида (1940—42 йилларда) ўқиди; 1942 йилда иқтисодий сабабларга кўра ўқишни вақтинча қолдириб, Самарқанд районидаги 3- ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. 1944 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)га ўқишга кириб, уни 1948 йилда тугатди. 1948—51 йилларда университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича аспирантурада ўқиди, айни пайтда (1948—49 йилларда) А. М. Горький номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтида ўқитувчилик ҳам қилди. Аспирантурани тугатгандан сўнг А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишга қолдирилди.

Ж. Мухторов 1954 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ўзбек тилида



www.ziyouz.com kutubxonasi

боғловчилар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. 1956 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган. Олим 1962—64 йилларда СамДУ филология факультетида декан муовини бўлиб ишлади; 1961 йилдан бери жамоатчилик асосидаги илмий билимлар университетининг декани. У ҳозир Самарқанд Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири лавозимида хизмат қилмоқда.

Ж. Мухторовнинг шу вақтгача проф. У. Т. Турсунов билан ҳамкорликда иккита дарслиги — «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1956) ва «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1965) эълон қилинган.

Сўнгги йилларда олим «Сифатдошларнинг ривожланиш тарихи ва ундан ясалган феъл формалари» деган тема бўйича илмий иш олиб бормоқда. Ишда энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги даврга сифатдош формаларининг ясалиши, маънолари, қўлланиши ва ундан ясалган феъл формалари таҳлил қилинади.

Асарлари:

1952

Ўзбек тилида боғловчилар. «Уч. Зап. УзГУ», Самарканд.

1956

Ўзбек тилида феъл даражалари. «Уч. зап. УзГУ», Самарканд.

Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар. «Уч. зап. УзГУ», Самарканд.

1957

Ўзбек тилида тожикча аффикслар билан сўз ясаш ҳақида. «Уч. зап. УзГУ», Самарканд.

1958

Ўзбек тилида тожик тили аффикслари. «Уч. зап. СамГУ», Самарканд.

1959

Ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи масалалари. «Уч. зап. СамГУ» (ҳамкор), Самарканд.

1960

Ўзбек тили тарихини яна ҳам чуқурроқ ўрганайлик. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон (ҳамкор), Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили. (Ҳамкор), Самарқанд.

Ҳозирги замон ўзбек тилидан методик қўлланма ва курс ишлари тематикаси. (Ҳамкор), Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1961

Ўзбек тилида келишиклар ва унинг тожик тилидаги эквивалентлари. «Уч. зап. СамГУ», Самарканд.

## 1962

Огаҳий асарларининг баъзи бир тил хусусиятлари. СамДУ илмий ходимлари конференцияси тезислари, Самарқанд.

«Бобирнома»да кесимнинг ифодаланиши. «Уч. зап. СамГУ», Самарканд.

## 1963

Эргаштирувчи боғловчиларнинг содда гап составида қўлланиши. «Уч. зап. СамГУ», Самарканд.

## 1965

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили грамматикаси. «Уч. зап. СамГУ» (ҳамкор), Самарканд.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Ҳамкор), Тошкент.



# Мақсуда Муҳамедова

Мақсуда Муҳамедова 1920 йил 25 июлда Фарғонада ўқитувчи оиласида туғилди. Фарғонада ўрта маълумот олгач, рус тили ўқитувчилари тайёрлаш курсини битириб, 1938—39 йилларда Тошкентдаги 90-мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1939—43 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида, 1943—47 йилларда эса шу институт аспирантурасида таҳсил кўрди, айни пайтда сиртқи бўлимда дарс ҳам берди; 1947—51 йилларда Тошкент медицина институтида рус ва ўзбек тиллари секциясини бошқарди. 1951 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтида (сўнгги вақтларда рус тили ва адабиёти кафедрасининг мудири вазифасида) ишлаб келмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

М. Муҳамедова 1952 йилда М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети қошидаги диссертантлар бўлимига командировка қилинади. 1954 йилда эса РСФСР (ҳозирги СССР) Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, проф. Н. К. Дмитриев раҳбарлигида «Ўзбек мактабининг 5-синфида рус тилида отларнинг турланиши системасини ўрганиш методикаси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлайди.

У «Миллий мактабларда рус тили» журнали редколлегиясининг ва республика «Билим» жамиятининг аъзоси. Маориф соҳасидаги хизматлари ва жамоат ишларидаги актив иштироки учун 1957 йилда «Халқ маорифи аълочиси» значоги, 1960 йилда эса «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланган.

Асарлари:

1953

Общие вопросы методики преподавания русского языка в группах с узбекским языком обучения. «Уч зап. ТГПИИЯ», вып. VII, Ташкент.

Рус ва ўзбек тилидаги от категориясининг баъзи хусусиятлари. Юқоридаги тўплам (ҳамкор — А. Рустамов), Тошкент.



## Хосият Назарова

Хосият Назарова 1917 йилда Тошкентда туғилди. 1928 йилда Зебинисо номли мактабнинг VII синфини, 1932 йилда Педагогика техникумини тугатди ҳамда шу техникумнинг ўзида ўқитувчи қилиб қолдирилди.

У 1936—40 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетида, 1940—43 йилларда шу институт аспирантурасида таҳсил кўрди. 1944 йилда ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг тили» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. Шундан буён олима мазкур институтда тил тарихи, диалектология каби предметлардан дарс бериб келмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир у шу институт умумий тилшунослик кафедрасининг доценти.

Х. Назарованинг илмий фаолияти асосан эски ўзбек тилини ўрганиш билан узвий боғлангандир. У ўзининг қатор мақолаларида Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ўзбек адабий тили тарихидаги роли, «Бобирнома» тилининг диалектал, фонетик, лексик-семантик ва морфологик хусусиятлари ҳақида фикр юритади.

Шу кунларда олима «Бобирнома»нинг синтаксиси номли проблематик масала устида докторлик иши тайёрламоқда.

Асарлари:

1952

Педагогика институтларининг сиртқи бўлимлари учун «Курс ва контрол ишлар», Тошкент.

1954

Ҳамза асарлари тилининг халқчиллиги. «Совет мактаби» журнали, 12- сон, Тошкент.

1957

Ҳамза ва унинг умумхалқ ўзбек тилига муносабати ҳақида. Тошкент педагогика институти илмий асарлари, Тошкент.

1959

Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланиши. Тошкент Педагогика институти илмий асарлари, Тошкент.

«Зарбулмасал»нинг баъзи бир лексик хусусиятларига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

«Зарбулмасал»да қўлланилган кўчирма гаплар ва уларнинг турлари. Тошкент Педагогика институтининг илмий асарлари, 12- чиқиши, Тошкент.

1963

З. М. Бобирнинг ўзбек адабий тили тарихидаги ролига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

«Бобирнома»да кесимнинг ифодаланиши. Тошкент Педагогика институтининг илмий асарлари, 42- том, 1, Тошкент.

1964

«Бобирнома»да эганинг қўлланиши. Тошкент Педагогика институти илмий асарлари, 43- том, 2, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бобирнома»да гапнинг мақсадга кўра турлари. Тошкент Педагогика институти илмий асарлари, 43-том, 2, Тошкент.

«Бобирнома»да гапнинг иккинчи даражали бўлаклари. Тошкент Педагогика институти илмий асарлари, 43-том, 2, Тошкент.



## Карим Назаров

Карим Назаров 1933 йил 15 сентябрда Тошкент областининг Калинин районидаги Қатортол қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1940—47 йилларда Навоий номли 18-мактабда (бунда 7-синфни тамомлаган), 1947—50 йилларда шу қишлоқдаги В. И. Ленин номли 19-ўрта мактабда, 1950—55 йилларда эса В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1955—57 йилларда Сурхондарё областининг Узун районидаги К. Маркс номли 1-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берди, 1956—57 ўқув йилида шу мактабда илмий мудир, 1957—58 йилларда эса Ушинский номли 4-мактабда директор бўлиб ишлади. 1958—61 йилларда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети аспирантурасида ўқиди; 1961 йилдан буён университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлаб келмоқда. У 1964 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган. Яқинда унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Олимнинг ўзбек шеваларида эгалик аффиксининг қўлланиши, ўзбек тилида пунктуация каби масалаларга бағишланган 30 га яқин мақоласи матбуотда эълон қилинган.

Асарлари:

1959

Бадиий таржима қандай бўлиши керак? «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эгалик аффиксларининг тарихига доир. ТошДУ асарлари (аспирантлар тўплами), 2-китоб, Тошкент.

Эгаликлар — исм формаси ҳақида. ТошДУ асарлари, 2-китоб, Тошкент.

1963

Эгалик аффиксларининг экспрессив-стилистик хусусиятлари ҳақида. ТошДУ асарлари, 210, Тошкент.

Қипчоқ лаҳжасида эгалик аффикслари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида эгалик аффиксларининг айрим формалари. «Уч. зап. Таш. ГПИИЯ», VII, Тошкент.

Қаъни шевасида эгалик аффикслари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

Ўзбек халқ шеваларининг грамматик қурилишини ўрганиш масалаларига доир. Туркий тиллар диалектларини ўрганишга бағишланган IV регионал конференция материаллари, тўплам, Фрунзе.

1964

Бўстонлиқ район ўзбек шевалари ҳақида. ТошДУ асарлари, 260.

1965

Бўстонлиқ район ўзбек шевалари ҳақида. ТошДУ асарлари, 310, Тошкент.

Ўзбек тилида эгалик маъносининг ифодаланиш йўллари. ТошДУ асарлари, 310, Тошкент.



## Сайёра Низомиддинова

Сайёра Низомиддинова 1935 йилда Андижон область Москва районида хизматчи оиласида туғилди. 1950 йилда Ленин номидаги 1-ўрта мактабни, 1954 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. 1955—58 йилларда ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

даги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди; 1961 йилда академик К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тилида сон» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

С. Низомиддинова 1966 йилгача А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ҳозирги замон ўзбек тили секторида илмий ходим бўлиб ишлади. Ҳозир у Тошкент Давлат университетида ўзбек тилидан дарс бермоқда.

Олиманинг илмий фаолияти кўпроқ ўзбек тилида сон категориясини ўрганиш билан боғлангандир. У ўзининг «Ҳозирги замон ўзбек тилида сон» деб номланган монографиясида сонларнинг лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини, уларнинг нумератив сўзлар билан қўлланиши, отлашиши каби ҳодисаларни анча мукаммал ёрита олган.

Асарлари:

1958

Ўзбек тилида соннинг пайт ифодасидаги роли. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2.

Соннинг нумератив сўзлар билан қўлланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

Сонларнинг грамматик хусусиятларига доир. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент.

Фурқат шеърларининг хусусиятлари ҳақида. «Фурқат», тўплам, Тошкент.

1960

**Бир** сони ва унинг маънолари ҳақида. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961

Сонлар иштироки билан тузилган барқарор бирикмалар. «Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари», тўплам, 2, Тошкент.

Сонларнинг маънолари. Юқоридаги тўплам, 2, Тошкент.

1963

Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. Тошкент.

1966

Сон ва олмош. «Ҳозирги ўзбек тили», 1-китоб, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Шукур Носиров

Шукур Носиров 1933 йил 5 январда Сирдарё областининг Жиззах районида хизматчи оиласида туғилди. 1952 йилда шу райондаги Ҳ. Олимжон номли педагогика билим юртини, 1957 йили Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Давлат университети филология факультетининг логика-психология бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига (ўзбек тили диалектологияси секторига) ишга кириб, дастлаб лаборант, кейинроқ кичик илмий ходим вазифаларида ишлади. 1961—64 йилларда ўзбек диалектологияси бўйича аспирантурада ўқиди.

Шукур Носиров 1958—59 йилларда институт томонидан ташкил қилинган фольклор-диалектологик экспедицияларда иштирок этган. Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги қатор қишлоқларда бўлиб, фольклор ҳамда диалектологияга оид кўпгина материаллар (масалан, Ём қишлоғи шевасига оид фактик материалларни, шаҳрисабзлик достончи Тош шоирдан «Авазхон ва Зулфизор» достонини) ёзиб олган.

Олим 1965 йилда проф. В. В. Решетов раҳбарлигида Қўқон шеваси бўйича кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Ш. Носиров ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг диалектология секторида ишламоқда.

Асарлари.

1960

Ём шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари ҳақида. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961

Ём шеваси ҳақида. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1963

Қўқон шевасида келишик категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1964

Қўқон шеваси фонетикаси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Қўқон шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1965

Қўқон шевасида олмошлар. «Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

1966

Қўқон шевасининг баъзи бир лексик хусусиятлари. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.



## Обиджон Орифов

Обиджон Орифович Орифов 1920 йилнинг 23 декабрида Ленинобод шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1929—33 йилларда «Комминтерн» номли бошланғич мактабда, 1933—37 йилларда Қўқондаги темир йўл рабфакида, 1937—41 йилларда эса Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг тарих-филология факультетида ўқийди, уни имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1943 йилгача ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1943 йилда бўлажак олим С. М. Киров номидаги Ленинобод Давлат педагогика институтининг тожик тили ва адабиёти кафедрасига мудир қилиб тайинланади. Айни пайтда (1944—53 йилларда) Ленинобод хотин-қизлар институтида ҳам дарс беради. 1945 йилда проф. А. F. Fуломов раҳбарлигида (Ўрта Осиё Давлат университети шарқ ва филология факультетларининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлашган Илмий советида) «Ўзбек тилида чиқиш келишиги» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлайди.

Олим Ленинобод педагогика институтида ўзбек тили ва адабиёти факультетини ташкил қилишда фаол қатнашади; 1953—61 йилларда шу институт ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири лавозимида ишлайди. Ҳозир О. Орифов шу кафедранинг доцентидир.

У шу кунларда Абдулла Қаҳҳор новеллаларининг стилистик хусусиятларига доир илмий иш тайёрламоқда.

Олимнинг халқ ва Ватан олдидаги ибратли меҳнати Партия ва Ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган: у «Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» ва бошқа медаллар билан мукофотланган. У Халқ маорифи аълочисидир. Икки марта Ленинобод шаҳар Советига депутат қилиб сайланган, шу йилларда халқ маорифи бўйича доимий комиссиянинг раиси бўлган.

Асари:

1964

Адабий тил ва услуб ҳақида. Ленинобод педагогика институтининг илмий асарлари, XXII, тил ва адабиёт масалалари, Ленинобод.



## Сора Отамирзаева

Сора Отамирзаева 1932 йилда Наманганда туғилди. 1951 йилда Наманган педагогика техникумини имтиёзли диплом билан, 1955 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини ҳам имтиёзли диплом билан тугатди; 1957 йилгача шу институтда ўқитувчилик қилди; 1959—63 йилларда Ленинград Тилшунослик институтида проф. А. К. Боровков раҳбарлигида аспирантурада ўқиди; 1963 йилда эксперимент асосида ёзилган «Наманган шевасининг товушлар составн» темасидаги кандидатлик диссертациясини ёқлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

С. Отамирзаева ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти экспериментал фонетика секторининг мудиридир.

Олима 1965 йилдан буён КПСС аъзоси.

С. Отамирзаева ўзбек тилшунослигида эндигина равнақ топаётган соҳа — экспериментал фонетика бўйича ишлаётган олималардандир. Унинг «Наманган шевасининг товушлар состави», «Ўзбек адабий тилида «о» унлиси лабланганми?» номли мақолаларида келтирган хулосалари ана шундай экспериментга асосланган муҳим фикрлардир.

Олима шу кунгача 18 босма лист ҳажмида илмий иш (2 та китоб, 18 та мақола) эълон қилган.

Асарлари:

## 1961

Наманган шевасидаги аспирация ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

Умлаут и кнаклаут наманганского говора узбекского языка. Сб. «Работы и сообщения АН УзССР», кн. 4, Ташкент.

## 1962

Ўзбек адабий тилида о унлиси лабланганми? «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

Наманган шевасидаги назализация ҳақида. Юқоридаги журнал, 3- сон.

## 1964

Значение и задачи экспериментальной фонетики узбекского языка. Сб. «Объединенная научная сессия, посвященная 40- летию Узбекской ССР и Компартии Узбекистана», Ташкент.

Маърифат жарчиси (проф. А. К. Боровковнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида). «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Яқуб Пинхасов

Яқуб Давидович Пинхасов 1918 йилда Бухоро областининг Қизилтепа районида ҳунарманд (бўёқчи) оиласида туғилган. 1926—34 йилларда Бухородаги Ленин номли ўрта мактабда ўқиган. 1934—37 йилларда тикув фабрикасида ишлаб, кечқурун педбилим юртида таълим олган.

1937—42 йилларда Бухородаги Ленин номли мактабда ўқитувчилик қилган, айни пайтда Бухоро педагогика институтининг кечки бўлимида ўқиган. 1942 йилдан умрининг охиригача Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасида ҳозирги замон ўзбек тилидан дарс берган. У 1948 йилда Кечки марксизм-ленинизм университетини, 1950 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи аспирантурасини ҳам тугатган, ниҳоят, 1955 йилда «Ҳамид Олимжон асарлари тилида фразеологик иборалар» деган темада диссертация ёқлаган. 1961 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Олим 1962 йилда КПСС сафига кирган.

Я. Д. Пинхасовнинг илмий фаолияти кўпроқ лексикология ва фразеология, қисман, морфология ва синтаксис билан боғланган.

Сўнгги йилларда у «Ойбек асарларининг тили» номли монография тайёрлаётган эди.

Олим 1970 йилда вафот этди.

Асарлари:

### 1954

Ҳамид Олимжон асарларида фразеологик иборалар. «Совет мактаби» журнали, 7-сон, Тошкент.

### 1957

Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилида омонимик ва синонимик аффиксларга доир. «Доклады научно-теоретической конференции БГПИ», тўплам, Бухара.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1959

Ўзбек тили программаси. Педагогика институтларининг бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш факультетлари учун. Лойиҳа (ҳамкор), Тошкент. (Бу программа 1961 йилда қайта нашр этилган.)

## 1960

Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Қўлланма, Тошкент.

Фразеологик иборалар ва уларни таҳлил қилиш. «Совет мактаби» журнали, 11-сон, Тошкент.

## 1961

«Гапда сўзларнинг боғланиши» темасини ўтиш. «Совет мактаби» журнали, 11-сон, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида модал сўзлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 11-сон, Тошкент.

Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи бир масалаларига доир. Труды СамГУ (Вопросы фразеологии), Новая серия, вып. 106, Самарканд.

## 1964

Ўзбек тилшунослиги тараққиётига доир. (Ҳамкор — А. Абдуллаев), Бухоро.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтагма масаласига доир баъзи мулоҳазалар. (Ҳамкор — Н. Шукруллаев), «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.

О развитии национальных языков. БДПИ илмий ишлари, 12, Бухоро.

О сочетании слов в современном узбекском литературном языке. Сб. «Материалы конференции «Актуальные вопросы современного языкознания и лингвистическое наследие Е. Д. Поливанова», том I, Самарканд.

## 1969

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Лексикология ва фразеология). Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Муҳиддин Пўлатов



Муҳиддин Пўлатов 1929 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Давлат кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Шундан сўнг СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасига кириб, рус тилининг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борди. 1955 йилда атоқли олим проф. А. К. Боровков раҳбарлигида «Рус тилининг ўзбек тилига таъсири (лексика ва сўз ясаш масалалари бўйича) деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим мазкур ишида ўзбек тилшунослигида текшириш ниҳоят зарур бўлган масала — ўзбек тили тараққиётида рус тилининг прогрессив ролини далиллар асосида таҳлил қилиб беради.

М. Пўлатовнинг фаолияти кўпроқ педагогик тарбия ишлари, она тили ўқитишни яхшилаш масалалари билан боғлиқдир. У кўп йиллардан бери Республика Педагогика фанлари илмий текшириш институтида директор ўринбосари лавозимида ишлаб келади; республикада ўқиш ва ўқитиш ишларини қандай қилиб яхшилашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ишларига раҳбарлик қилади. Унинг бу ибратли ишлари муносиб тақдирланган: М. Пўлатов «Шавкатли меҳнати учун» медали (1960) ва «Халқ маорифи аълочиси» значоги (1962) билан мукофотлангандир.

Асарлари:

1956

Роль русского языка в развитии и обогащении словарного состава узбекского языка. Ташкент.

Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири ҳақида Тошкент.

1957

10-синфда бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида. Тошкент



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

Рус тилининг ўзбек тили луғат составининг бойишидаги роли (педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари ва она тили ўқитувчилари учун қўлланма). Тошкент.

1959

Педагогика фанлари тараққиёт йўлида. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1962

Роль русского языка в развитии и обогащении словарного состава узбекского языка. «Миллий мактабларда рус тили ўқитишни яхшилашга бағишланган II республикалараро илмий конференция», тўплам, Тошкент.

1964

Рус тилининг ўзбек тили синонимларининг тараққиётидаги роли. «Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтининг Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган илмий методик конференцияси», тўплам, Тошкент.



## Назар Ражабов

Назар Ражабов 1930 йил 1 январда Самарқанд область Пастдарғом районининг Сарой қишлоғида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумотни шу қишлоқдаги 31-мактабда олгач, 1945 йилда Самарқанд шаҳридаги эрлар педбилим юртига ўқишга киради, аммо уни тугатмай Пастдарғом районидаги Алишер Навоий номли 21-ўрта мактабга ўтади. 1947—52 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)да ўқийди. Университетни тугатгач, 1954 йилгача Самарқанд область Ижроия комитети ҳузуридаги область лекторлар бюросида штатли лектор бўлиб ишлайди;



www.ziyouz.com kutubxonasi

1953—56 йилларда ЎзДУ аспирантурасида ўқийди. 1956 йилдан мазкур университетда аввало ўқитувчи, сўнгра катта ўқитувчи, 1960 йилдан бошлаб эса доцент бўлиб ишлайди..

Олим 1959 йил 3 июлда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Қарноб шеваси» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлайди.

Н. Ражабовнинг илмий ишлари 1956 йилдан матбуотда нашр этила бошланган. Шундан буён олимнинг 33 номдаги илмий асарлари (умумий ҳажми 32 босма лист) босилиб чиққан.

1962 йилда Н. Ражабовнинг олий ўқув юртлари (сиртқи ва кечки бўлим) студентлари учун «Ўзбек диалектологияси курсидан материаллар» номли қўлланмаси нашр этилди. Бу асарда диалектология фанининг предмети ва вазифалари, *шева, диалект* ва *лаҳжа* терминлари, ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланиш процесси, тил ва диалектнинг тарихий тараққиёт йўллари, диалектологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси ва улар учун аҳамияти, ўзбек халқ шеваларининг классификацияси каби масалалар анча мукаммал ёритилади. Н. Ражабов жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб туради: у бир неча бор округ сайлов комиссиясининг раиси, университет маҳаллий комитетининг раис ўринбосари, СамДУ филология факультети партбюросининг секретари каби масъулиятли ишларни бажариб келган.

Олим «1941—45 йиллар Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали ҳамда Самарқанд область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган.

Асарлари:

1956

Қарноб шевасининг баъзи фонетик хусусиятлари. Труды УзГУ, 66.

1958

Қарноб шевасида феъл категориялари. ЎзДУ асарлари, 77, Самарқанд.

ЎзДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1959

Қарноб шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари ҳақида. Труды УзГУ, 91, Самарканд.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг баъзи масалаларига доир. Труды УзГУ, 91 (ҳамкор — У. Турсунов), Самарканд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1960

Обучение узбекских говоров. Журнал «Вопросы языкознания», № 3, Москва.

Ўзбек тилшунослигидан қимматли қўлланма. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон (ҳамкор — У. Турсунов), Тошкент.

1958 йил Каттақўрғон диалектологик экспедициясининг баъзи якунлари. Труды УзГУ, 102, Самарканд.

Пайшанба шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Ўзбек адабий тили синонимлари ҳақида баъзи мулоҳазалар. Труды УзГУ, 102, Самарканд.

Ўзбек диалектологияси ривожланишининг янги босқичида. Труды УзГУ, 102 (ҳамкор — У. Турсунов), Самарканд.

Ўзбек тили тарихини янада чуқурроқ ўрганайлик. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон. (Ҳамкор — Ж. Мухторов), Тошкент.

## 1961

Каттақўрғон шеваси морфологиясидан кузатишлар. Тўплам, «Тезисы докладов III общегородской конференции», Самарканд.

Творческие искания узбекских языковедов. Журнал «Вестник высшей школы», 9 (ҳамкор).

## 1962

Ўзбек диалектологияси курсидан материаллар. Қўлланма, Самарқанд.

Самарқанд шеваси. «Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари», тўплам, Тошкент.

## 1963

Самарқанд область халқ шевалари классификацияси материаллари, Труды СамГУ, 129 (ҳамкор — У. Турсунов), Самарқанд.

Самарқанд область ўзбек шеваларининг ўрганилиш аҳволи. Научные труды ТашГУ, 211 (ҳамкор), Тошкент.

Некоторые морфологические особенности Каттакурганского говора. Труды СамГУ, 129, Самарканд.

Қарноб шеваси лексикаси. Труды СамГУ, 102, Самарканд.

## 1964

Ўзбек тилида омонимларнинг ўсиш йўллари. Труды СамГУ, 139.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1965

Вопросы нивелирования узбекских народных говоров в литературном языке. Сб. «Материалы по лингвистической конференции», т. 1.

«Қарноб» термини ва қарнобликлар ҳақида. «Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси проблемалари», тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилидан қимматли тадқиқот. Юқоридаги тўплам (ҳамкор), Тошкент.

Пути появления омонимов в современом узбекском языке. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. Юқоридаги тўплам, Тошкент.

В. И. Ленин ва тилшунослик. «Совет мактаби» журнали, 10-сон (ҳамкор), Тошкент.

Синонимлар луғатини мукаммаллаштирайлик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 6-сон, Тошкент.



# Иномжон Расулов

Иномжон Расулов 1925 йилда Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1938 йилгача ўрта мактабда (5-синфигача), 1938—40 йилларда қишлоқ хўжалик рабфакининг тайёрлов курсида, 1940—42 йилларда эса Қўқон шаҳридаги ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, факультетда ўзбек тили ўқитувчиси қилиб олиб қолинди.

Педагог-олим ишлаб туриб, 1946 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини ҳам муваффақиятли тугатди ва институт олимлари, хусусан, проф. А. Ғ. Ғуломов тавсияси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилинди.

У 1951 йилда «Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили



www.ziyouz.com kutubxonasi

лексикасининг тараққиёти» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. 1952 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Олим аспирантурани битиргандан бошлаб ҳозирга қадар Қўқон педагогика институтида (у 1954 йилгача Қўқон ўқитувчилар институти бўлган) ўқитувчи, доцент, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, директорнинг ўқув-илмий ишлар бўйича муовини (1954—57) ва ректори (1957 йилдан ҳозиргача) вазифаларида ишлаб келмоқда.

И. Расулов тилшунослик бўйича бўладиган кўпгина илмий конференцияларда, мунозараларда актив қатнашиб туради (унинг 1952 йилдаги республика илмий конференциясида қилган «Ўзбек тилида илмий-техника терминологиясининг баъзи масалалари» номли доклади, орфография ўқитиш методикасига оид мақолалари, дарслик ва қўлланмаларга ёзган тақризлари бунинг ёрқин далилидир).

Олимнинг шахсан ўзи ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда яратган бир қанча программа, диктантлар тўплами ва дарслиги бор. Хусусан, проф. С. Усмонов ва проф. М. Мирзаев билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тили» дарслиги ўзининг ихчамлиги, шунга қарамай, анча мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу дарслик ҳозиргача уч марта нашр бўлди.

И. Расулов сўнгги йилларда «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» темасида докторлик иши тайёрламоқда.

Олим жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб туради: у анча вақт шаҳар «Билим» жамиятининг раиси, Шаҳар Советининг Халқ маорифи бўйича доимий комиссия раиси бўлган, Фарғона область ва Қўқон шаҳар партия комитетларининг аъзоси бўлиб сайланган.

Партия ва Ҳукуматимиз унинг бу хизматларини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирлаган.

Асарлари:

1952

Ўзбек илмий-техник терминологиясининг баъзи масалаларига доир. Доклад тезислари, Тошкент.

Орфография ўқитишнинг баъзи масалаларига доир. «Совет мактаби» журнали, 1-сон, Тошкент.

Некоторые вопросы развития узбекской научно-технической терминологии. Тезисы докладов, Издательство АН УзССР, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1954

Некоторые вопросы узбекской научно-технической терминологии. Сб. «Вопросы узбекского языкознания», Ташкент.

1959

Диктантлар тўплами. Тошкент. (Бу тўпламнинг иккинчи нашри 1966 йилда чиққан.)

1962

Ўзбек тили. (Ҳамкор), Тошкент. (Бу дарслик 1966 йилда қайта нашр бўлган.)

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун программа, Тошкент.

1963

Родной русский язык. Журнал «Звезда Востока», № 9, Ташкент.

1964

К вопросу изучения односоставных предложений в узбекском языке. «Уч. зап. Кокандск. пединститута», вып. IV, Серия филологическая, Коканд.

1965

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг практик стилистикаси. Программа (ҳамкор), Тошкент.

Бир составли гапларнинг ўрганилиши тарихидан. Тошкент Давлат университетининг илмий асарлари (ўзбек филологияси масалалари), Тошкент.

## Раззоқ Расулов



Раззоқ Расулов 1926 йилда Самарқанд областининг Нарпай районидаги Пўлатчи қишлоғида туғилди. У ўз қишлоғида ўрта маълумот олгач, 1942 йилдан ўзи ўқиган мактабнинг бошланғич синфларида ўқитувчилик қила бошлади; 1944 йилда Самарқанд педагогика институти қошида очилган предмет ўқитувчилари тайёрлаш курсини битиргач, Пўлатчидаги мактаб-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг юқори синфларида она тили ва адабиётдан дарс берди, айни пайтда Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) Давлат университетининг филология факультетида сиртдан ўқий бошлади. 1946 йилда университетнинг кундузги бўлимига ўтди. Университетни муваффақиятли тугатгач, СССР Фанлар академиясининг Ленинграддаги Шарқшунослик институти аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўрди, ниҳоят, 1953 йилда СССР ва ЎзССР Фанлар академияларининг корреспондент аъзоси профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида отларнинг келишиклар билан турланиши» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. 1954 йилдан Андижон Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, 1957 йилдан эса педагогика факультетининг декани вазифасида ишлаб келмоқда.

Р. Расулов ҳозир «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёти» деган темада илмий иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1954

Ўзбек тилида бош келишик ва унинг грамматик функциялари. «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. I, Андижан.

1955

Ўзбек тилини ўрганиш тарихидан. Тўплам, «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. II, Андижан.

1956

Ўрин келишигининг маъноси ва грамматик функцияси. «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. III, Андижан.

1957

Чиқиш келишиги. «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. IV, Андижан.

1961

«*Ҳам*» сўзининг қўлланилиш ўринлари ва ифодалайдиган маънолари. «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. VII.

1964

«*Балки*» сўзининг грамматик функциялари. «Уч. зап. Андижанск. ГПИ», т. X.

Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Лия Викторовна Решетова



Лия Решетова 1937 йилда Тошкентда машҳур турколог олим, академик В. В. Решетов оиласида туғилди. 1946—56 йилларда ўрта мактабда, 1956—61 йилларда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТашДУ) филология факультетида, 1961—64 йилларда СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти аспирантурасида (проф. Реформатский раҳбарлигида) ўқиди. 1965 йилда Самарқанд Давлат университети Илмий советида «Ўзбек тилининг грамматик терминологияси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олима мазкур монографик тадқиқотида ўзбек грамматик терминологияси тараққиёт йўлининг жуда мураккаб бўлганлигини хронологик тартибда ниҳоят изчил қилиб кўрсата билган.

Л. Решетова шу кунларда А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида «Русча-ўзбекча лингвистик луғат» ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» устида иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1960

Рус тили грамматикаси. (Ҳамкор), Тошкент.

1962

Ўзбек тили грамматик терминологиясининг яратилиш масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5- сон, Тошкент.

Об узбекской грамматической терминологии. Журнал «Русский язык в узбекской школе», № 5, Ташкент.

Об использовании грамматической терминологии родного языка в учебниках русского языка для национальных школ. Журнал «Русский язык в национальной школе», № 6, Москва.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1964

Ўзбек тилида лингвистик терминлар ясашнинг асосий усуллари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

1965

Основные средства и способы образования лингвистических терминов в узбекском языке. Сб. «Вопросы тюркологии», Ташкент.



# Турди Рустамов

Турди Рустамов 1927 йилнинг март ойида Самарқанд областининг Каттақўрғон районига қарашли Янгиқўрғонча қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумотни қишлоқда олгач, Каттақўрғондаги Педагогика билим юртини (1943 йилда), Самарқанд Ўқитувчилар институтининг Каттақўрғон шаҳрида очилган филиалини (1945 йилда) тугатди, ўқиш йиллари Каттақўрғондаги С. М. Киров номли ўрта мактабнинг 4-синфида ўқитувчилик ҳам қилди. 1945—52 йилларда у Каттақўрғондаги педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади, айни пайтда (1945—50 йилларда) Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) Давлат университети филология факультетининг сиртқи бўлимида ўқишни давом эттирди.

Т. Рустамов 1949 йилда Каттақўрғон шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасида ҳам хизмат қилган. 1950—52 йилларда (ЎзДУни тугатгандан кейин) Каттақўрғон шаҳар партия комитети қошида очилган «Марксизм-ленинизм университети»да, 1952—55 йилларда Москва Давлат университети аспирантурасида ўқиди; 1956 йилда профессор В. М. Насилов раҳбарлигида «Ўзбек тилида инкор категорияси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1956—63 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида (ҳозирги замон ўзбек тили секторида) катта илмий ходим бўлиб, 1963—67 йилларда эса Улуғбек номли Фарғона Давлат



www.ziyouz.com kutubxonasi

педагогика институтида ўзбек тили кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. Ҳозир у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида (тил тарихи секторида) катта илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Т. Рустамов яқинда «Қадим туркий ёзув ёдномалари тилида кўмакчилар» номли докторлик ишининг биринчи китоби —«Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар» монографиясини нашр эттирди, китобда автор кўмакчиларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги роли, уларнинг қўлланиш хусусиятлари, морфологик классификацияси ҳамда от-кўмакчиларни атрофлича текширади.

Асарлари:

1957

Ўзбек тилида **-сиз, бе-, но-** аффиксларининг грамматик ва семантик хусусиятлари ҳақида. ЎзССР ФА «Ахбороти», 3- сон, Тошкент.

Феълларнинг шахс билан тусланган формаларида инкор масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1- сон, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили гап бўлакларида инкорнинг ишлатилиши. «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент-Наманган.

1962

Ўзбек тилидаги *билан* ёрдамчиси ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5- сон, Тошкент.

1963

«Кўмакчи» темасининг ўтилишига доир. «Совет мактаби» журнали, 1- сон, Тошкент.

*«Учун»* кўмакчисининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

1965

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчилар. Тошкент.

1966

Равиш ва кўмакчи. «Ҳозирги ўзбек тили», II китоб, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Ҳасанали Рустамов

Ҳасанали Рустамов 1922 йилда Наманган областининг Янгиқўрғон районига қарашли Заркент совхози территориясида туғилди.

1930—40 йилларда қишлоқдаги мактабга кириб, 1940 йилда уни аъло баҳолар билан тамомлайди.

1940—41 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди, институтнинг биринчи курсини тугатгач, ўқишни Наманганда очилган бир йиллик предмет ўқитувчилари тайёрлаш курсига кўчирди, 1941 йилнинг кузидан 1942 йилнинг 17 декабригача Янгиқўрғон районидаги 17- тўлиқсиз ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берди, айни пайтда мактаб директори бўлди.

Шундан кейин у 1945 йилнинг 20 ноябригача Совет Армияси сафида (фронтда) хизмат қилди. Фронтдан қайтгач, 1946 йилнинг июль ойигача Янгиқўрғондаги ўрта мактабда илмий мудир ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1946—48 йилларда у Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида (аввал сиртқи, сўнг кундузги бўлимида) ўқиди.

Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, ўзбек тили кафедрасига ишга қолдирилди. 1952—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди, 1960 йилда «Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1948 йилдан бери Фарғона Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасида ўқитувчилик қилиб келмоқда. У бирмунча вақт тил ва адабиёт факультети декани, институт проректори (сиртқилар учун) вазифаларида ҳам ишлаган. Ҳозир у ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доцентидир.

Ҳасанали Рустамов ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ва она тили ўқитиш методикасига доир 80 га яқин мақола эълон қилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1953

Ўзбек тили грамматикасининг баъзи масалалари. «Совет мактаби» журнали, 6-сон, Тошкент.

Она тили дарсларида ғоявий-сиёсий тарбия. «Совет мактаби» журнали, 4-сон, Тошкент.

Она тили методикаси ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 5-сон, Тошкент.

1954

Ҳамза асарларининг тилига оид. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1957

Ўзбек тилида ажратилмас гап бўлакларига доир баъзи масалалар. Фарғона Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, IV, Фарғона.

1958

«Она тили ўқитиш методикаси» курсидан курс ишлари тематикаси. Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тўлдирувчи эргаш гаплар. Фарғона Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, VII, Фарғона.

8-синфда Фурқат асарларининг тилини ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1959

Эргаш гапларнинг таснифига оид баъзи масалалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

5-синфда сўз ясовчи аффиксларни ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 12-сон, Тошкент.

Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси. Тошкент.

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап қисмларини ўзаро боғловчи воситалар. Фарғона Давлат педагогика институтининг илмий асарлари, Фарғона.

Тўлдирувчи эргаш гапнинг мазмунига кўра турлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1961

Она тили дарсларида саволлар устида ишлаш. «Совет мактаби» журнали, 4-сон, Тошкент.

1962

Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқувчиларни эргаш гаплар классификациясига ўргатиш. «Совет мактаби» журнали, 3-сон. Тошкент.

1963

«Практик стилистика» курсидан программа». Тошкент.



## Сано Саидов

Сано Саидов 1937 йилда Бухоро область Шофрикон районининг «Ўзбекистон» колхозида деҳқон оиласида туғилди. 1952 йилда Абу Али ибн Сино номидаги ўрта мактабни «Кумуш медаль» билан тугатади, 1952—56 йилларда Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетида ўқиди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, кафедрада ўқитувчи қилиб қолдирилди. Бу ерда бир йил ишлагач, оилавий сабабларга кўра Бухоро Давлат педагогика институтига ишга ўтди. 1961 йилда эса яна Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтига келиб, аспирантурага кирди, айни пайтда ЎзССР Фанлар академиясининг чет тиллар кафедрасида (1961—64 йилларда) ўқитувчилик ҳам қилди.

С. Саидов 1964 йилда таниқли олима Нанна Александровна Зусмановская раҳбарлигида «Немис ва ўзбек тилларида модал сўзлар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Ҳозир олим Бухоро Давлат педагогика институти немис тили кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Асарлари:

1962

Ўзбек мактабларида немис тили модал феълларини ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 7-сон, Тошкент.

1963

К вопросу классификации модальных слов. «Уч. зап. ТГПИИЯ», вып. IX, Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Модал сўзларнинг ўрганилиш тарихига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тилида модал сўзлар таснифи масаласига доир. Юқоридаги журнал, 6- сон, Тошкент.

Немис тилидаги баъзи модал феъллар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.

1964

Ҳозирги замон ўзбек тилида модал сўзларнинг синтактик функциялари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.



# Абдурауф Сайфуллаев

Абдурауф Ражабович Сайфуллаев 1924 йилда Бухоро областининг Қизилтепа (ҳозирги Ғиждувон) районида деҳқон оиласида туғилди. 1940 йилда Максим Горький номидаги ўрта мактабни, 1944 йилда эса Бухоро Педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. У студентлик йиллари Бухородаги XVI партия съезди фабрикасида, институт кутубхонасида (кечки сменада), Бухоро область ёш томошабинлар театри (ТЮЗ)да ишлаган эди. Институтни битиргач, ўзи ўқиган М. Горький номли ўрта мактабда (1944—46 йилларда), Бухородаги Карл Маркс номли мактабда (1946—47 йилларда) ишлади. 1947 йилда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) филология факультетининг IV курсига қабул қилинди. 1949 йилда университетни тамомлаб, Бухоро Педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасига ишга ўтди. У 1950 йилда Кечки марксизм-ленинизм университетини ҳам битирган. 1960 йилда проф. У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида ундалмалар» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Ҳозир олим Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий текшириш институти ўзбек тили методикаси секторида катта



www.ziyouz.com kutubxonasi

илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг шу кунгача қирққа яқин илмий-методик характердаги иши босилиб чиққан. Ҳозир эса у «Ҳозирги замон ўзбек тилида гапнинг учинчи даражали бўлаклари» (Кириш бўлаклар ва ундалмалар) бўйича монографик иш тайёрламоқда.

Олим 1956 йилдан бери КПСС аъзоси. У актив педагогик ва жамоатчилик фаолияти эвазига «1941—1945 уруш йилларидаги шарафли меҳнати учун» медали, Ўзбекистон Касаба союзлари Совети Президиуми ва Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланган.

Асарлари:

1956

Ўзбек тили лексикасига доир баъзи бир методик масл̣аҳатлар (Ҳамкор—Ф. Убаева), Бухоро.

1957

Ҳозирги замон ўзбек тилида ундалма. Сб. «Доклады конференции», Бухара.

1958

Ундалманинг лексик-семантик хусусиятлари. ЎзДУ асарлари, 77, Самарқанд.

Ундалманинг состави ҳақида. «Уч. зап. БухГПИ», Бухара.

Сўз ясаш усуллари. (Ҳамкор — Ф. Убаева), Бухоро.

1960

Ундалманинг грамматик-лексик ифодаланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3- сон, Тошкент.

VI синфда «Ундалма» темасини ўтиш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 5- сон, Тошкент.

Ундалманинг умумий характеристикаси. СамДУ асарлари, 102, Самарқанд.

1961

Ундалмада интонация масаласи. «Уч. зап. БухГПИ», Бухара.

1963

Гапнинг учинчи даражали бўлаклари тўғрисида. Педагогика фанлари илмий текшириш институтининг конференция тезислари, Тошкент.

Кириш бўлакнинг лексик-семантик хусусиятлари. «Совет мактаби» журнали, 12- сон, Тошкент.

1964

«Гапда ундовлар» темасини ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 8- сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1965

«Жавоб бўлаклар» темасини ўтиш. «Совет мактаби» журнали, 2-сон, Тошкент.

Кириш бўлакнинг морфологик-синтактик ифодаланиши. «Совет мактаби» журнали, 10-сон, Тошкент.

Гапнинг ажратилган бўлакларини ўтиш. «Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан», тўплам.

Кириш бўлак ва кириш гап ҳақида. «Илмий асарлар», Тошкент.

Дарс структураси ва илғор ўқитувчилар тажрибасига оид мақолалар аннотацияси. «Илмий асарлар», Тошкент.

1966

Мактабда ундалма ва кириш сўзни ўтиш. Тошкент.

Гапнинг уюшган бўлакларини ўтиш. «Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан», тўплам, Тошкент.

7-синфда гап бўлакларини ўтиш. Тошкент.



## Ғайбулла Саломов

Ғайбулла Саломов Тожиддинович 1932 йил 17 мартда Самарқанд областининг Хатирчи районида хизматчи оиласида туғилган; 1950 йилда райондаги А. С. Пушкин номли ўрта мактабни тамомлаган. Меҳнат фаолиятини мактабда ўқиб юрган даврида бошлаган: «Пахтакор» газетасида техник секретарь (1948—49), бирмунча вақт масъул секретарь вазифасини бажарган (1950). 1951—56 йилларда Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) филология факультетининг студенти. Шундан сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётининг муҳаррири (1956 йил), «Фан ва турмуш» журналининг бўлим мудири (1957), ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг кичик илмий ходими бўлиб ишлаган. 10 йилдан ортиқ давр ичида (1958—68) шу институтда мунтазам меҳнат қилган: тўлиқ аспирантура курсини ўтаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1958—62), сўнгра кичик илмий ходим, катта илмий ходим, таржима назарияси группасининг мудири (1962—66) вазифаларида ишлаган. 1966—67 йилларда Энциклопедия бўлимининг мудири, 1967—68 йилларда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Энциклопедия бўлимининг мудири, 1968—69 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакциясида Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, айни вақтда Таржима ва энциклопедик луғат редакциясининг мудири вазифаларида меҳнат қилди.

1969 йилда ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида бирмунча вақт катта илмий ходим бўлди, шундан сўнг Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида доцент вазифасида ўзбек тилшунослигидан лекция ўқиди. 1970 йилдан буён В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетида Таржима назарияси ва редакция-нашриёт ишлари кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.

Кекса журналист, устод ва мураббий, марҳум Аҳмаджон Ёқубов билан биргаликда «Фан ва турмуш» журналини нашр қилишда, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида Таржима назарияси группаси ва секторини ташкил қилишда, Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакциясини ҳамда шу илмий муассаса ҳузурида таржима ва энциклопедик луғат редакциясини тузишда, шунингдек, ТошДУ журналистика факультетида Таржима назарияси ва редакция-нашриёт ишлари кафедрасини барпо қилишда иштирок этди.

1964 йилда «Бадиий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари» мавзуидаги диссертацион иш учун филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Учта асари алоҳида ном билан нашр қилинган. Булардан «Тил ва таржима» номли монографиясида бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари таҳлил қилинган. Жами босилиб чиққан асарлари 46,6 босма листдан иборат. Таҳрир ва таржима қилган ишлари (315, 27 босма лист ҳажмида) ҳамда тақризлари бор.

Олим бир қанча илмий анжуманларда, хусусан, 1957 йилда Олмаота шаҳрида рус тилидан Қозоғистон, Закавказье ва Ўрта Осиё халқлари тилларига таржима қилиш масалаларига бағишланган регионал кенгашда, 1965 йилда Москвада бадиий таржиманинг актуал проблемаларига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ симпозиумда ўз докладлари билан қатнашган, 1966 йилда Бакуда фразеология масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашда иштирок этган.

Ҳозирги вақтда таржима тарихи, таржима назарияси, бадиий таржиманинг тил, услуб, фразеология масалалари, туркий тил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар қиёсий стилистикаси ва қардош тиллардан таржима қилиш проблемаси, ўзбек тилидан ва ўзбек тилига қилинган таржима асарлари харитасини яратиш, икки тилли изоҳли таржима ҳамда фразеология луғатлари тартиб бериш, энциклопедия тарихи ва назарияси, энциклопедик луғат принциплари, туркий тиллар фразеологиясини чоғиштириш масалалари ҳамда қиёсий паремиологиянинг назарий муаммолари устида илмий иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1956

А. П. Чехов ҳикояларининг баъзи тил ва стиль хусусиятлари. ЎзДУ илмий мақолалар тўплами, Янги серия, 1- сон, Самарқанд. (И. Раҳматов билан ҳамкорликда).

1957

Относительно некоторых теоретических вопросов художественного перевода с русского языка на узбекский. Госиздат УзССР, Ташкент.

Таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари. «Фан ва турмуш» журнали, 4- сон, Тошкент.

1959

Таржимада автор услуби ва фразеологияни акс эттириш масаласига доир. «Шарқ юлдузи» журнали, 3- сон, Тошкент.

1960

Социалистик маданиятимизнинг катта ютуғи. (Ўзбекча-русча луғат нашр этилиши муносабати билан), «Шарқ юлдузи» журнали, 6- сон. (О. Усмонов ва А. Рашидов билан ҳамкорликда).

Наблюдения над узбекскими переводами рассказов А. П. Чехова. «Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана», Казгосиздат, Алма-Ата.

1961

Мақол ва идиомалар таржимаси. (Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир.) Тошкент.

Бадиий таржима назариясининг баъзи мунозарали масалалари. «Таржима санъати» (мақолалар тўплами), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1963

Тил—бадиий таржиманинг калиди. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3- сон, Тошкент.

Диллар-дилларга, тиллар-тилларга... «Фан ва турмуш» журнали, 8- сон.

Бир сўз бузиб таржима қилинса... «Фан ва турмуш» журнали, 10- сон.

Сўз жонлидир. «Шарқ юлдузи» журнали, 11- сон.

## 1964

Таржима тарихидан баъзи маълумотлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1- сон.

## 1965

Некоторые вопросы сопоставительного изучения переводов с русского на тюркские языки. Сб. «Актуальные проблемы художественного перевода», Москва.

Муҳаррир муқаддимаси. (Ж. Шарипов. «Ўзбекистонда таржима тарихидан», Тошкент).

## 1966

Тил ва таржима (Бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). Тошкент.



# Мақсуда Содиқова

Мақсуда Содиқова 1925 йилда Тошкентда туғилди, 1942 йилда Киров районидаги М. Горький номли 5- мактабни, 1948 йилда Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг кечки бўлимини тугатган. 1950—60 йилларда А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида дастлаб лаборант, кейинроқ кичик илмий ходим бўлиб ишлади; 1960 йилдан мазкур институтнинг ҳозирги замон ўзбек тили ва нутқ маданияти секторида ишлаб келмоқда. У 1963 йилда филология фанлари доктори С. Иброҳимов



www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳбарлигида «Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олима Тил ва адабиёт институти коллективи тайёрлаган «Русча-ўзбекча луғат» (беш томлик), «Ўзбекча-русча луғат» (бир томлик), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1-том) каби китобларнинг ёзилишида автор сифатида қатнашган.

У бадиий таржима билан ҳам шуғулланади (таржималари: «Мард йигит», «Етти қарға», «Холмагорлик бола», «Бўрон кампир», «Эртаклар» ва ҳ. к).

Асарлари:

1960

«Қора» сўзи ва унинг аҳамияти. «Тилшунослик масалалари», 1, тўплам, Тошкент.

1961

Ўзбек тилида ранг ва тус билдирувчи сўзлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.

1962

Выражение значения степени в словах, обозначающих цвета и окраски. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 4, тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилида от тусларини ифодаловчи баъзи сўз-терминлар. Юқоридаги тўплам, 5, Тошкент.

Аввал ўйла, кейин сўйла. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали, 11-сон, Тошкент.

1965

Ранг номлари. «Гулхан» журнали, 6-сон, Тошкент.

1966

Сўздан сўзнинг фарқи бор. (Ҳамкор), Тошкент.
Сифат. «Ҳозирги ўзбек тили», I, Тошкент.
Ёрдамчи сўзлар. Юқоридаги китоб.
Модал сўзлар. Юқоридаги китоб.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Собир Солиев

Собир Солиев 1927 йилда Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради ва уни 1951 йилда муваффақиятли битиради. 1951—54 йилларда шу институт аспирантурасида ўқийди. 1954 йилда Термиз педагогика институтига ишга юборилади. Бу ерда, дастлаб, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, факультет декани, сўнгроқ илмий ва ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлайди. У 1956 йилда филология фанлари кандидати Фахри Камолов раҳбарлигида (Москва университети Илмий советида) «Ҳозирги замон ўзбек тилида бажарувчи шахс отлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган. 1960 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Олим 1960—65 йилларда Тошкент Чет тиллар педагогика институтида (1963—65 йилларда проректор вазифасида), 1965—66 йилларда Қарши педагогика институти ректори лавозимида хизмат қилган. Ҳозир у Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида проректор бўлиб ишламоқда.

С. Солиев 1958 йилдан буён КПСС аъзоси.

У сўнгги йилларда «Ўзбек миллий тилидаги от туркуми» деган мавзуда докторлик иши тайёрламоқда.

Асарлари:

1956

Ҳозирги замон ўзбек тилида бажарувчи шахс оти ясовчи аффикслар. «Совет мактаби» журнали, 5-сон, Тошкент.

1957

От. Термиз.

1959

Ўзбек тилида бажарувчи шахс отлари ясаш усуллари. Термиз педагогика институтининг илмий асарлари, Термиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Абдулла Сулаймонов

Абдулла Ҳусаинович Сулаймонов 1894 йилнинг 26 январида ҳозирги Ульяновск область Новоспасск районига қарашли эски Мастяк қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Бошланғич ва ўрта маълумотни Астрахань шаҳрида олган. Революцияга қадар қатор шаҳарларда хизмат қилган; революциядан кейинги дастлабки кунларданоқ Астрахань ва Ульяновск область мактабларида ўқитувчилик қила бошлаган; ўз малакасини эса ўқитувчилар тайёрлаш курсларида ошира борган. Кейинроқ у Самарқандга келади, мактабда ишлаш билан бирга, Ўзбекистон Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимида ҳам ўқийди, ўқишни тугатгач, факультетда ўқитувчи қилиб қолдирилади. У 1949 йилда У. Турсунов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида ўтган замон феъл категориялари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлайди, кўп ўтмай унга доцентлик унвони ҳам берилади.

Абдулла Ҳусаинович ҳозир ҳам Самарқанд (собиқ Ўзбекистон) Давлат университетида хизмат қилмоқда. У факультетнинг энг тажрибали ва эътиборли ўқитувчиларидан бири.

Олим ўзбек тилининг морфологияси, синтаксиси ва пунктуациясига доир ўндан ортиқ илмий иш ёзган, бир неча фан кандидатлари етиштирган.

Унга мактаб-маориф соҳасидаги бенуқсон ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони, «Халқ маорифи аълочиси» значоги берилган.

Асарлари:

1956

Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гап. Труды УзГУ, 66, Самарканд.

1959

Ҳозирги ўзбек тилининг баъзи масалалари. Труды УзГУ, 91 (ҳамкорлар — У. Турсунов, Х. Бердиёров, Х. Дониёров, Ж. Мухторов, И. Ражабов, Қ. Самадов), Самарканд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ифода мақсадига кўра содда гап типлари. Труды УзГУ, 91, Самарканд.

Грамматик разбор. «Совет мактаби» журнали, 12-сон (ҳамкор — Т. Хўжаев), Тошкент.

1961

Мактабда ифодали ўқиш. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1962

Ўзбек тилида феъл замонлари. (Ҳамкорлар — А. Ҳожиев, Ж. Жўраева), Тошкент.

1963

Пунктуацияни ўқитиш ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 6-сон, Тошкент.

1964

Тил стиллари ҳақида. «Совет мактаби» журнали, 6-сон, Тошкент.

1966

Мустақил гаплар ўртасида маъно муносабатлари, «Совет мактаби» журнали, 5-сон, Тошкент.



## Соҳибжон Туляков

Соҳибжон Туляков 1932 йил 1 июлда Андижон областининг Андижон районида колхозчи оиласида туғилди; 1948 йилда ўрта мактабни, 1950 йилда Андижон ўқитувчилар педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатди; 1948-51 йилларда Олтинкўл районидаги 13-мактабда ўқитувчилик қилди, 1951—55 йилларда Тошкентга келиб Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиди, 1955—58 йилларда аспирантурада бўлди; 1958 йилда Наманган педагогика институтига ишга юборилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У 1962 йилда КПСС сафига кирди; 1965 йилда проф. А. Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек тили Наманган шевасининг морфологияси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим ҳозир ҳам Наманган Давлат педагогика институтида ишламоқда.

Асарлари:

1962

Наманган шаҳар шевасида эгалик ва келишик қўшимчалари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 4, тўплам, Тошкент.

1965

Наманган шаҳар шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида. «Уч. зап. Наманганского госпединститута», Филологическая серия, Наманган.

Наманган шаҳар шевасида феълларнинг тусланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

Наманган шевасидаги равишларнинг баъзи хусусиятларига доир. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

1966

Наманган шеваси лесикасидан материаллар. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.

## Маҳфуза Туробова



Маҳфуза Ёдгоровна Туробова 1930 йил 9 февралда Тошкентда туғилди. 1950 йилда Тошкентдаги 59-ўрта мактабни, 1956 йилда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетини (уйғур филологияси мутахассислиги бўйича) тугатди.

М. Туробова 1949—52 йилларда 95-мактабда пионервожатий бўлиб, 1957—58 йилларда ЎзССР Давлат нашриётида редактор бўлиб хизмат қилган. 1958 йил январь ойидан 1970 йилгача А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг тил тарихи секторида



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлаган. 1970 йилдан ҳозирга қадар Энгельс номли Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

М. Туробова 1966 йилда филология фанлари доктори, проф. Ғ. Абдураҳмонов раҳбарлигида «М. Солиҳ «Шайбонийнома» асарининг морфологик хусусиятлари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олима «Шайбонийнома»да феълларнинг замон формалари» номли мақоласида мазкур ёдгорлик тилидаги замон категориясини, «Эски ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг ишлатилишига доир» деган мақоласида эса обида тилидаги кўмакчиларни мукаммал таҳлил қилади.

Асарлари:

1961

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида жўналиш келишигининг ишлатилиши. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.

1962

М. Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида равишдош формалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

«Шайбонийнома»да феълларнинг замон формалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1963

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида келишикларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 5, тўплам, Тошкент.

1964

Отларда эгалик («Шайбонийнома» материаллари асосида»). «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

1965

Эски ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг ишлатилишига доир («Шайбонийнома» материаллари асосида). «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

«Шайбонийнома» тилидаги олмош ва соннинг баъзи хусусиятлари ҳақида. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Фароғат Убаева

Фароғат Саидовна Убаева 1924 йил 8 июнда Самарқанд область Қорадарё (ҳозирги Каттақўрғон) районининг Пайшанба қишлоғида туғилди. Бошланғич маълумотни отаси ёрдамида оилада олди, 1935—37 йилларда Бухородаги 15-педагогика билим юрти қошида ишлаб турган тайёрлов курсида, 1937—40 йилларда мазкур билим юртининг ўзида, 1940—44 йилларда эса Бухоро Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Ўқишни аъло баҳолар билан тугатгач, институтнинг ўзбек тили кафедрасида ассистент қилиб қолдирилди, кўп ўтмай катта ўқитувчиликка ўтди.

Ф. Убаева 1959 йилда Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти А. Ҳ. Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бош бўлаклари» номли темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олима 1962 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Ф. Убаеванинг илмий фаолияти кўпроқ пайт ҳоли, гапнинг уюшмаган иккинчи даражали бўлаклари, умумлаштирувчи бўлаклар каби синтактик категорияларни таҳлил қилиш билан боғлангандир. Ҳозир у «Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси» номли монографик иш тайёрламоқда.

Олима 1946 йилдан буён КПСС аъзоси. У «1941—1945 уруш йилларидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

Асарлари:

1957

Гапнинг уюшиқ бош бўлаклари ҳақида. «Доклады и тезисы конференции», Бухара.

1958

Уюшиқ эгалар ҳақида. «Уч. зап. Бухарск. пединститута», Бухара.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз ясаш усуллари ҳақида. (Ҳамкор — А. С. Сайфуллаев), Бухоро.

1959

Уюшиқ бош бўлак аъзоларини гап ичида ўринлаштириш тартиби. «Уч. зап. УзГУ», Новая серия, № 91.

1961

Феъл-уюшиқ кесимлар ҳақида. «Уч. зап. Бухарск. пединститута», Бухоро.

1962

Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. Тошкент (ҳамкорлар: Д. Ашурова, Ҳ. Болтабоева).

1964

«Билан» ёрдамчиси ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 260, Тошкент.

1966

Обстоятельства количества. «Тезисы докладов научной конференции профессорско-преподавательского состава, посвященной итогам научно-исследовательской работы ТашГУ за 1965 г», Ташкент.

Ўхшатиш ҳоли. ТошДУ илмий асарлари, 296.



## Ҳайдарали Узоқов

Ҳайдарали Узоқов 1930 йили Фарғона районининг Водил қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ўрта мактабни 1954 йилда тугатди. У ўрта маълумот олгунга қадар ўқишдан ажралмаган ҳолда Водил район молия бўлими ва матлубот жамиятида ҳисобчи, 4-мактабда секретарь бўлиб ишлаб келди. 1954—59 йилларда эса В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат



www.ziyouz.com kutubxonasi

университетининг филология факультетида ўқиди. 1958—60 йилларда «Ўқитувчилар газетаси»да адабий ходим, Қўйлиқдаги 9-мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади; 1960—61 йилларда Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтида, 1960—62 йилларда Фарғона педагогика институтининг сиртқи бўлимида (соатбай ҳисобида) ҳозирги замон ўзбек тилидан дарс берди.

Бўлажак олим 1960 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига илмий ходим бўлиб ишга ўтди, 1966 йилда атоқли олим, акад. В. В. Решетов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг жанубий Фарғона шевалари» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Олим 1967 йилдан ҳозирга қадар Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтида ишлаб келмоқда.

Ҳайдарали Узоқов тилшунос олим бўлибгина қолмай, тузуккина журналист ҳамдир. Унинг «Ҳаром ўлган сигирлар», «Қаламлари қайралган бўлсин», «Очилхўжа безовта», «Алдар халта», «Қўйнидан тўкилса қўнжига», «Фитначилар», «9407 сўмга тушган севги», «Туллак», «Каламушлар», «Адресингиз қайси?», «Жўрабой ҳуштак», «Гўшт олишни билмайман» каби қатор фельетонлари бунинг ёрқин далилидир.

Олим ҳозирги пайтда «Фарғона диалектининг лексикаси» номли проблема устида ишламоқда.

У 1964 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1960

Водил шевасида феъалларнинг тусланиши. «Тилшунослик масалалари», I, тўплам, Тошкент.

1961

10-синфда «Шоҳи сўзана» драмасининг тилини ўрганиш. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

Водил шеваси лексикасидаги баъзи бир сўзларнинг маънолари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.

Водил шеваси морфологиясидан. Юқоридаги тўплам, 3, Тошкент.

Водил шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, Тўплам, Тошкент.

1962

Водил шевасида олмошлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1963

Водил шевасининг баъзи лексик хусусиятлари. «Уч. зап. ТГПИИЯ», VII, Ташкент.

Жанубий Фарғона шеваларидан. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 5, тўплам, Тошкент.

Жанубий Фарғона шеваларида баъзи фонетик қонуниятлар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

## 1964

Ўзбек филологиясининг марказий ўчоғи. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали (ҳамкор — Ҳ. Зарифов, Ф. Камолов), Тошкент.

## 1965

Тилшуносликка оид илмий-тадқиқотлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

«Фарғона», «Водил» ва «Қувасой» сўзларининг этимологияси ҳақида. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Ўзбек тилшунослари. Тошкент.

## 1966

Жанубий Фарғона шевалари лексикасидан намуналар. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.

Фарғона педагогика институтининг тил кафедрасида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.



# Олим Усмон

Доцент Олим Усмон (Олим Усмонович Усмонов) ўзбек тилшунослигининг етук вакилларидан биридир.

У 1912 йилда Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида деҳқон оиласида туғилди; 1930 йилда Самарқанд педагогика техникумини, 1940 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетини тугатди. 1935—38 йил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда УзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида аспирантурада ўқиган.

Олим Усмоннинг ўзбек тилшунослиги соҳасидаги фаолияти 1937 йилдан бошланади. Ўша йили у республика матбуоти саҳифаларида ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари юзасидан қатор мақолалар билан чиқади.

1938 йилда эсә унинг «Ўзбек тили грамматикаси (фонетика ва морфология)» дарслиги (Б. Авезов билан ҳамкорликда) нашр этилади. Бу дарслик ўзининг оригиналлиги, сўз туркумларининг янгича таснифи, грамматик категорияларнинг янгича талқин этилиши, шунингдек, аслий ва нисбий сифатлар, сифатдош, равишдош, унли ва ундош товушлар, уларни ифодаловчи мазкур терминлар ҳақида илмий жиҳатдан асосланган фикрларнинг берилиши билан олдинги дарсликлардан жиддий фарқ қилади. (Бу дарслик мукаммаллаштирилиб, бир неча бор нашр этилган.)

Олим Усмоннинг дастлабки даврда ёзган талайгина ишлари орфография, терминология ва ўзбек ёзувини рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтказиш масалаларига бағишлангандир. Унинг ўзбек ёзувини ривожлантиришда, жумладан, рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтишда ҳамда ўзбек орфографиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда хизмати беқиёс катта. Олимнинг 1940 ва 1949 йилларда нашр эттирилган «Имло луғати», шу луғатда келтирилган «Муҳим имло қоидалари» бунга далил бўлади.

Олим Усмонович Усмонов қирқинчи йиллардан бошлаб ўзбек тили тарихи ва уни даврлаштириш масалалари бўйича ҳам жиддий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. У 1947 йилда профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асари ҳақида» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олим ўзбек ва рус тилларининг ўзаро муносабатлари — рус тили ва маданиятининг собиқ Туркистонда тарқалиши тарихи билан ҳам шуғулланади, Сатторхон ва Исҳоқхон сингари унутилиб кетган маърифатпарвар шахсларни тарихий манбалар ва архив материаллари асосида тиклайди. Олимнинг бу соҳадаги тадқиқотлари унинг қатор мақолаларида ва «Рус тилининг илк тарғиботчилари» номли китобида ўз аксини топган.

Олим Усмоннинг фаолиятида луғатчилик, айниқса, катта ўрин тутади: у 1953 йилгача А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат секторини бошқариб келган. Бу даврда у беш томли русча-ўзбекча луғатни тузишда актив қатнашади, кейинчалик (1959—65 йилларда) «Интернационал сўзлар луғати», «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати» (ҳамкорликда), «Русча-ўзбекча ён луғат» (ҳамкорликда) каби қатор китоблар яратади. Олим Усмонов 30—35 йилдан буён ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари бўйича тадқиқот иш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари олиб бормоқда. Бу даврда унинг 60 дан ортиқ илмий иши (монография, луғат, дарслик ва мақолалари) эълон қилинган.

Ҳозир атоқли олим А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида терминология секторининг бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда, айни пайтда тил маданиятининг муҳим масалалари бўйича монографик иш тайёрламоқда.

Асарлари:

1938

Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент.

Ўрта мактаблар учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек орфографиясидан машқлар тўплами. Тошкент.

1939

Ўзбек тили грамматикаси — фонетика ва морфология (тўлатилган ва қайтадан ишланган иккинчи нашри), Тошкент.

Ўрта мактаблар учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Рус мактаблари учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек тилининг янги орфография проекти. (Ҳамкор), Тошкент.

Ўзбек тили ҳақида. «Гулистон» журнали, 10-сон, Тошкент.

Икки тил тўғрисида муҳокама. Сб. «Родоначальник узбекской литературы», Ташкент.

1940

Ўзбек тили грамматикаси (фонетика ва морфология). Учинчи (қайтадан ишланган) нашри, Тошкент.

Ўзбек тилининг имло луғати. Тошкент.

Икки тил ҳақида муҳокама (Навоийнинг лингвистик трактати ҳақида). Русча «Родоначальник узбекской литературы» тўпламида, Тошкент.

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарининг танқидий тексти. (Ҳамкор), Тошкент.

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарининг янги нашрига сўз боши. Тошкент.

«Муҳокаматул-луғатайн» ва Навоийнинг лингвистик қарашлари. Изв. УзФАН СССР, № 3.

Ўзбек тили ҳақида (ўзбек тилида совет-интернационал сўзлар ривожи тўғрисида), «Гулистон» журнали, 10-сон.

1941

Ўзбек тили грамматикаси (фонетика ва морфология). Ўрта мактаблар учун дарслик, тўртинчи нашри, Тошкент.

Ўрта мактаблар учун ўзбек тили грамматикасидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Рус мактаблари учун ўзбек тилидан программа. (Ҳамкор), Тошкент.

Туюқ ҳақида. «Гулистон» журнали, 3-сон, Тошкент.

1948

Борьба Алишера Навои за узбекский язык и литературу. Журнал «Звезда Востока», № 4, Ташкент.

Ўзбек тилининг буюк ҳомийси. «Шарқ юлдузи» журнали, 5-сон, Тошкент.

«Мухакамат-ал-лугатайн» Алишера Навои. Ташкент.

К вопросу о развитии узбекской научной терминологии. Изв. АН УзССР, Гум. серия, № 5, Ташкент.

1949

О развитии узбекского литературного языка. Журнал «Звезда Востока», № 2, Ташкент.

Ўзбек тилининг имло луғати. Тошкент.

1950

Русча-ўзбекча луғат, I том (редактор ва ҳамкор), Тошкент.

1952

Вопросы узбекской терминологии. Сб. «Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана», Ташкент.

1953

Русча-ўзбекча луғат. II том (редактор ва ҳамкор), Тошкент.

Русча-ўзбекча луғат. III том (редактор ва ҳамкор), Тошкент.

1954

Русча-ўзбекча луғат. IV том (ҳамкор), Тошкент.

1955

Русча-ўзбекча луғат. V том (ҳамкор), Тошкент.

1956

Мактаблар учун русча-ўзбекча луғат. (Ҳамкор), Тошкент.

1957

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масалаларига доир. Труды САГУ им. Ленина, Новая серия, вып. IV, филол. науки, книга II, Ташкент.

1959

Интернационал сўзлар луғати. Тошкент.

1962

Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1964

Русча-ўзбекча қисқача ён луғат. (Ҳамкор — О. Азизов), Тошкент.

## 1965

Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. (Ҳамкор — Р. Дониёров), Тошкент.



# Исмоил Фармонов

Исмоил Фармонов 1913 йилда Тошкент областининг Оҳангарон район Телов қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ота-онасидан ёш қолганлиги сабабли 1925 йилда Тўйтепа қишлоғида очилган интернатда, сўнг Хонобод қишлоғи (ҳозирги Оҳангарон)даги болалар уйида тарбияланган, шу ердаги деҳқон ёшлар мактабида, кейинчалик Зангиота қишлоғидаги ёшлар мактабида ўқиган.

И. Фармонов 1929 йилда Тошкентдаги олий ўқув юртига кириш учун тайёрлов курсини тугатиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультети тил ва адабиёт бўлимига ўқишга кирди. У ўқиган факультет бир йилдан кейин (1931 йилда) Тожик Олий Агро-педагогика институтига айлантирилади; яна бир йил ўтгач, Тожик педагогика академиясига айлантирилади ва Душанба шаҳрига кўчирилади.

1933 йилда Педакадемияни битириб чиққан ёш мутахассис ҳаётга йўлланма олади: у Тожикистон ССРнинг Қўрғонтепа районидаги педагогика техникумига ишга юборилади. Бу ерда дастлаб ўқитувчи, сўнгроқ илмий бўлим мудири бўлиб хизмат қилади. 1936 йилда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига келиб, ўрта ва етти йиллик мактабларда она тили ва адабиётдан дарс беради. 1939—42 йилларда Киров номли ўрта мактабда ва Педагогика билим юртида ишлайди.

И. Фармонов 1942—45 йилларда фронтда бўлди. Фронтдан қайтгач, Ўш шаҳридаги педагогика билим юртида (1950 йилнинг август ойигача) ўқитувчи ва сиртқи бўлим бўйича дирек-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ор ўринбосари бўлиб ишлади; айни пайтда (1946—48 йиллар-а) Ўш ўқитувчилар институтида ҳам ўзбек тилидан дарс берди. 1950 йилнинг август ойидан ҳозирга қадар Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги афедрасида ишлаб келмоқда.

Олим 1961 йилда академик К. К. Юдахин раҳбарлигида Ўзбек тилининг Ўш шеваси» деган темада кандидатлик диссер-ациясини ҳимоя қилган. У мазкур ишида Ўш шевасининг фоне-ик, морфологик ва лексик хусусиятларини атрофлича ўрганади а ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрнини белгилаб беради.

Ҳозир И. Фармонов «Култагин» ёдгорлигининг лексик ва рамматик хусусиятлари» деган темада илмий иш олиб бор-моқда.

Асарлари:

1954

Ҳамза Ҳакимзода асарларининг тили ва уни ўрганиш. «Со-вет мактаби» журнали, 7-сон, Тошкент.

1955

Ўзбек тилининг Ўш шеваси. «Тезисы докладов научной конференции профессорско-преподавательского состава Ферган-ского пединститута», Фергана.

1957

Ўзбек тилининг Ўш шеваси, шеванинг баъзи бир морфоло-гик ва лексик хусусиятлари. «Уч. зап. Фер. ГПИ», вып. IV, Фи-лологическая серия, Фергана.

Тагаб шевасининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, тўплам, Тошкент.

1958

Ўш шевасида **-ла** юкламаси. «Ўзбек тили ва адабиёти ма-салалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1959

Ўш шевасида уйғур тили элементлари. «Ўзбек тили ва ада-биёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Ўзбек тили таркибида Ўш шеваси ва унинг морфологик хусусиятлари. «Уч. зап. Фер. ГПИ». вып. IX, Фергана.

1960

Ўш шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари. «Ўз-бек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

1961

Ўш шевасининг фонетик ва лексик хусусиятлари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, тўплам, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Содиқ Фердоус

Содиқ Аҳмедович Фердоус кекса ўзбек тилшуносларидан биридир.

У 1904 йилда Қува районининг Федченко станциясида камбағал деҳқон оиласида туғилди, бошланғич ва ўрта маълумотни қишлоқ мактабларида, қисман оилада олди. Йигирманчи йиллар бошида ўқитувчилик қила бошлайди, ўқитувчилар малакасини ошириш курсида ҳам ўқиб чиқади.

У 1930 йилдан сўнг Тошкентдаги қатор мактабларда ишлайди, айни пайтда (1930—35 йилларда) Ўрта Осиё энергетика институтининг кечки бўлимида, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртқи бўлимида (1935—40 йилларда) ўқийди. Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Ўзбекистон ССР Маориф комиссарлигида она тили методисти бўлиб ишлайди. Кейинчалик мазкур аппаратнинг топшириғи билан Қува районига бориб, икки йил мактаб директори вазифасида хизмат қилади.

1943 йилда В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университети (ТошДУ) филология факультетининг ташкил этилиши муносабати билан С. Фердоус аспирантурага ўқишга киради. Ўқишни тугатгач, 1949 йилгача Тошкент мактабларида дарс беради; 1949—58 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) филология факультетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида, кейинчалик эса А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг нутқ маданияти секторида ишлайди.

У 1953 йилда «Феъл даражалари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган, 1957 йилда эса доцентлик унвонини ҳам олган.

Олим ўзбек тилшунослигининг қатор соҳалари бўйича 30 босма лист ҳажмида иш эълон қилган.

Кекса тилшунос ва педагогнинг халқ маорифи ва маданияти соҳасидаги улкан хизматлари Партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлангандир: у 1937 йилда ЎзССР Олий Со-



www.ziyouz.com kutubxonasi

вети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан, 1949 йилда эса «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотланган эди.

Олим 1968 йилнинг май ойида вафот этган.

Асарлари:

1938

Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент.

1954

Сўз таркиби. «Совет мактаби» журнали, 3-сон, Тошкент.

1957

Ўзбек тилида феълнинг вид категорияси. Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, XI, Тошкент.

1960

«Девону луғотит турк». I (ҳамкор), Тошкент.

1966

Феъл. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», I китоб, Тошкент.

Морфологияга кириш. Юқоридаги китоб, I, Тошкент.

Равишдош ва сифатдош бирикмаларида тиниш белгиларининг қўлланиши. «Совет мактаби» журнали, 11-сон, Тошкент.

## Михаил Борисович Финкельштейн



Михаил Борисович Финкельштейн 1925 йилнинг 12 октябрида Тошкентда хизматчи оиласида туғилди; маҳаллий халқ болалари билан узвий алоқада бўлди, ўзбек тилини тинмай ўргана борди.

Улуғ Ватан урушигача ўрта мактабда ўқиган Михаил Борисович В. П. Чкалов номли заводга ишга киради ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта мактабни тугатади. Ўз устида қунт билан ишлашни, илм олишни мақсад қилиб қўйган бўлажак олим 1945



www.ziyouz.com kutubxonasi

йилда Тошкент Кечки педагогика институти тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради; 1950 йилда уни муваффақият билан тугатади.

М. Финкельштейн студентлик йилларидан бошлабоқ мактабларда рус ва ўзбек тилларидан дарс бериб келган, кейинчалик ўзбек тилидан рус тилига, рус тилидан эса ўзбек тилига баъзи мақола ва асарларни муваффақият билан таржима қилган.

У 1963 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтига катта илмий ходим қилиб ишга олинди, ўша йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ўзбек ва рус тилларининг чоғиштирма грамматикаси мутахассислиги бўйича аспирантурага кирди; 1966 йилда эса академик В. В. Решетов раҳбарлигида «Способы выражения в узбекском языке русских именных словосочетаний» деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Олим ҳозир А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ўзбек тилини тарихий-қиёсий ўрганиш секторида илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Асарлари:

1963

К вопросу о порядке слов в русском и узбекском предложениях. Журнал «Русский язык в национальной школе», № 6. Ташкент.

1964

Основные значения русских несогласованных определений в сопоставлении с узбекским языком. «Уч. зап. Республиканского педагогического института русского языка и литературы», вып. I, Ташкент.

1965

Қаратқичли бирикмалар — русча атрибутив бирикмаларнинг ўзбекча ифода усули сифатида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

1966

К вопросу о способах передачи русских именных словосочетаний на узбекский язык. Сб. «Вопросы литературоведения и языкознания», Ташкент.

Обучение согласованию слов в русском предложении. Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Сиддиқ Фузаилов



Сиддиқ Фузаилов 1927 йилда Тошкентда туғилди. 1942 йилгача шаҳардаги 76-мактабда ўқиб, сўнгра Тошкент облОНОси қошидаги муаллимлар тайёрлов курсини тугатди. 1943—48 йилларда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетида, 1948—51 йилларда аспирантурада, 1953 йилда Москва Давлат университети қошидаги бир йиллик диссертантлар тайёрлов курсида ўқиди ва шу йили проф. В. М. Насилов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида равиш» темасида кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Олим 1949 йилдан шу кунгача университет филология факультетида ҳозирги замон ўзбек тили курсидан дарс бериб келмоқда.

У 1957—61 йилларда филология факультетининг декани бўлиб ишлади. 1958 йилда доцентлик унвонини олди; ҳозир у шу университет проректори лавозимида хизмат қилмоқда.

С. Фузаилов умумий ҳажми 40 босма лист атрофида бўлган бир неча дарслик ва мақолалар эълон қилган.

Сўнгги йилларда у «Ҳозирги замон ўзбек тилида модаллик категорияси» темасида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Олим қатор дарслик, монография ва қўлланмаларга муҳаррирлик ҳам қилган (О. Шарафуддиновнинг «Алифбе»си, И. А. Киссен ва Ш. Раҳматуллаевларнинг «Узбекский язык» китоби, М. Шамснинг 1—4-синфлар учун «Ўзбек тили дарслиги», А. К. Боровков, З. Маъруфов, Т. Шермуҳамедов ва Й. Абдуллаевларнинг «Ўзбек тили дарслиги», А. Ғуломов ва М. Асқароваларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» китоби ва ҳоказолар шулар жумласидандир).

Асарлари:

1950

Ўзбек тили дарслиги. (М. Шамс билан ҳамкорликда), Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1952

О наречии в современном узбекском языке. «Труды Средне-азиатского гос. университета», Серия филологическая, Ташкент.

1953

Ўзбек тилида равишлар. Тошкент.

Ўзбек тили дарслиги (2-синф учун), Тошкент.

1956

Сифат билан равишнинг сўз туркуми сифатида ўзаро муносабати ва фарқи. «Совет мактаби» журнали, 1-сон, Тошкент.

1957

Ўзбек тилида равиш ясалиши. Ўрта Осиё Давлат университети илмий асарлари, 54-чиқиши.

Ўзбек мактабларининг I—IV синфлари учун орфография ва грамматикадан таблицалар. Тошкент.

Равиш. «Ҳозирги замон ўзбек тили», 1-китоб, Тошкент.

1964

Азалий (туб) равишлар ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 260, Тошкент.



## Мирсалим Шарипов

Мирсалим Комилович Шарипов 1922 йилда Фарғона областининг Марғилон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1938 йилда ўрта мактабни тугатиб, бир йил мактабда она тилидан дарс берди. 1939—42 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида, 1942—45 йилларда шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича аспирантурада ўқиди, айни пайтда (1942—47 йилларда) Тошкентдаги 159 (ҳозирги 59-мактабда), Тошкент Текстил институтининг тиллар кафедрасида ўқитувчилик қилди. 1947 йилдан ҳозирга қадар Наманган Педагогика институти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да ўзбек тилшунослиги кафедрасида мудирлик вазифасида ишлаб келмоқда.

М. Шарипов 1949 йил ноябрь ойида Ленинградда СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти Илмий советида СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси, профессор А. К. Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида «деб» равишдошининг синтактик функциялари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган, 1958 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Ҳозир олим «Ўзбек тилининг сўз бирикмалари синтаксиси» темаси устида докторлик иши олиб бормоқда.

Асарлари:

1955

Ўзбек тилида кўчирма ва ўзлаштирма гаплар. Тошкент.

Асосий луғат фондининг сўз ясовчилик роли ҳақида. Наманган Педагогика институтининг илмий ишлари, Наманган.

1956

«Деган» сифатдошининг баъзи функциялари ҳақида. Наманган Педагогика институтининг илмий ишлари, Наманган.

1957

«Демак» феъли ҳақида. Наманган Педагогика институтининг илмий ишлари, Наманган.

## Аъзам Шерматов



Аъзам Шерматов 1925 йилда Қашқадарё областининг Косон районида туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни, 1951 йилда Бухоро Педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан битирди. 1957 йилгача Қарши Педагогика институтида ўзбек тилидан дарс берди. 1957—61 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика инсти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тути аспирантурасида ўқиди, 1961 йилда академик В. В. Решетов раҳбарлигида Москвада «Қарши шеваси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. 1963 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Ҳозир олим Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида рус группаларида ўзбек тили кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб турибди.

Олимнинг ўзбек халқ шевалари ва ўзбек тилининг бошқа соҳаларига бағишланган 20 та илмий иши матбуотда эълон қилинган.

Унинг диссертацион ишида Қарши шевасининг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари атрофлича текширилади, «қарши» сўзининг этимологияси тўғрисида ҳам қимматли фикрлар берилади.

«К вопросу о сравнительном изучении консонантизма узбекских говоров» номли мақоласида эса ўзбек халқ шевалари ундошларини ўрганиш ва тадқиқ қилишда турли шевалар ундошларини қиёслаб ўрганишнинг аҳамияти ва фойдаси тўғрисида гапирилади.

Асарлари:

1959

Қарши шевасида келишик ва эгалик қўшимчалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3-сон, Тошкент.

Адабий тил фактларини маҳаллий шева билан таққослаб ўргатиш. «Совет мактаби» журнали, 11-сон, Тошкент.

Қарши шевасининг баъзи фонетик хусусиятлари. «Уч. зап. ТГПИ»,12, Ташкент.

1960

Қарши шеваси ундошларининг характерли хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1960

Қарши шеваси лексикасидан материаллар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.

К вопросу о сравнительном изучении консонантизма узбекских говоров. Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», I, Баку.

1961

Қарши шевасининг морфологик хусусиятлари. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Шамсиддин Шукуров

Шамсиддин Шукуров 1931 йилда Қирғизистон ССРнинг Ўш шаҳрида туғилди. 1948 йилда Ўш Давлат педагогика билим юртини, 1950 йилда эса Ўш Давлат ўқитувчилар институтини тугатди. Студентлик йилларида ўқитувчилик ҳам қилди. 1955 йилда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетини тугатди.

Ш. Шукуров университетни тугатган йили СССР Фанлар академияси Тилшунослик институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1960 йилда проф. Э. В. Севортян раҳбарлигида «Эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида феълнинг ҳозирги ва келаси замон формалари» номли темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Ш. Шукуров 1958 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг тил тарихига доир ўн бешдан ортиқ илмий мақоласи ва бир монографияси («Феъл формаларининг тарихий тараққиёти») босилиб чиққан. Ҳозир олим ўзбек тилида феъл формаларининг тараққиёти мавзуида илмий иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1959

Эски ўзбек тилида ҳозирги замон маъноларини ифодаловчи феъл формалари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

1960

Эски ўзбек тилида келаси замон феъллари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1-сон, Тошкент.

Настоящее-будущее время глагола в староузбекском языке. Журнал «Изв. АН УзССР», Отд. общ. наук, № 2, Ташкент.

1961

Выступление на координационном совещании по вопросам методов изучения истории тюркских языков, состоявшемся в



www.ziyouz.com kutubxonasi

1959 г. в г. Ашхабаде. Сб. «Вопросы методов изучения истории тюркских языков», Ашхабад.

1962

Таниқли ўзбек тилшуноси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон, Тошкент.

1963

Юкламалар тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2- сон, Тошкент.

**-йур/-йўр** формаси ҳақида. Юқоридаги журнал, 4- сон, Тошкент.

1964

**-ғай** формасининг тарихига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3- сон, Тошкент.

1965

**-дўқ** формаси тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2- сон, Тошкент.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир. Юқоридаги журнал, 4- сон, Тошкент.

К истории формы настоящего времени на **-мақда**. Сб. «Вопросы тюркологии», Ташкент.

**-ғалыр/-ғалир** формаси ҳақида. Сб. «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков», Ташкент.

1966

**-мыш/-миш** формаси тарихидан. С. М. Киров номидаги Ленинобод Давлат педагогика институти илмий асарлари, Ленинобод.

Грамматический очерк старотюркского языка XI в. (Ҳамкор — Ғ. А. Абдураҳмонов), «Девону луғотит турк» (Индекс), Тошкент.

История развития глагольных форм узбекского языка. Ташкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Ваҳоб Эгамов

Ваҳоб Эгамов 1925 йил 10 майда Сирдарё областининг Фориш районида деҳқон оиласида туғилди. 1939 йилда Фориш районидаги 7- тўлиқсиз ўрта мактабни, 1941 йилда Жиззахдаги 11- педбилим юртини тугатди. 1941—46 йилларда Фориш районидаги 26- тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади, айни пайтда (1944—45 йилларда) Самарқанд Давлат ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида сиртдан ўқиди. 1946 йилда у Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) филология факультетининг II курсига қабул қилинди, 1950—1953 йилларда эса шу университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича аспирантурада ўқиди, аспирантурани битиргач, кафедрада ассистент қилиб қолдирилди.

В. Эгамов 1955 йил октябрь ойида профессор Улуғ Турсунов раҳбарлигида «Самарқанд областининг Ғаллаорол шеваси» деган темада кандидатлик диссертация ҳимоя қилди.

Олим 1967 йилгача Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти вазифасида ишлаб келди. Ҳозир у Самарқанд Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг деканидир.

В. Эгамовнинг илмий фаолияти асосан Ғаллаорол шевасининг лексик-грамматик ва фонетик хусусиятларини ўрганиш билан боғланган.

Ҳозир у «Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги ж-ловчи ўзбек шеваларининг синтактик қурилиши» деган темада монографик иш тайёрламоқда.

Олим 1947 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1954

Галля-аральский говор Самаркандской области. Самарканд.

1956

ж-ланувчи ўзбек шеваларининг ўрганилиш масалаларига доир. «Уч. зап. УзГУ», 66. Самарканд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

Фонетические особенности джекающих говоров Галля-Аральского района. «Уч. зап. УзГУ», 77, Самарканд.

1959

Ғаллаорол шевасининг морфологик хусусиятлари. СамДУ илмий асарлари, 91, Самарқанд.

1960

ж-ланувчи Ғаллаорол шеваси лексикаси юзасидан кузатишлардан. СамДУ илмий асарлари, 102, Самарқанд.

1961

В. И. Лениннинг тил тўғрисидаги таълимоти. СамДУ илмий асарлари, 104, Самарқанд.

1962

Пойариқ район қипчоқ шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. Сб. «Материалы III объединенной научной конференции ученых г. Самарканда».

1963

Пойариқ район қипчоқ шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. Сб. «Материалы III объед. науч. конф. учёных г. Самарканда», 129.

Пойариқ район қипчоқ шевасининг морфологик хусусиятлари. Юқоридаги тўплам.

1964

Е. Д. Поливанов и узбекская диалектология. Сб. «Материалы конф. посвящен. Е. Д. Поливанову», Самарканд.

1965

Қипчоқ шевасининг ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг ривожланишида тутган ўрни. «Ўзбек тилшунослиги масалалари», тўплам, Самарқанд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Карим Юсупов



Карим Юсупов 1918 йилнинг июнь ойида Андижон областининг ҳозирги Ленин районига қарашли Каттатожик қишлоғида туғилган. Қишлоқда VII синфни тугатгач, Андижондаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли 4-педагогика билим юртида (1937—40 йилларда), Андижон ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида (1940—42 йилларда), Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида (1948—50 йилларда) ўқиган. 1952—1956 йилларда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида бўлган.

Олим 1958 йилда «Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

К. Юсуповнинг меҳнат фаолияти 1940 йилдан — Андижон областининг Олтинкўл районида ўқитувчилик қилишдан бошланган. Шундан сўнг у мактаб директори, район халқ маорифининг бош инспектори вазифаларида ишлаб келган.

Олим 1950 йилдан буён Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтида ишламоқда. У 1960—62 йилларда институт ректорининг муовини, 1966—69 йилларда тил ва адабиёт факультетининг декани вазифасида хизмат қилган. Ҳозир у ўзбек тили кафедрасининг доцентидир.

Шу кунларда олим «Ўзбек-тожик тилларининг ўзаро алоқаси» деган мавзуда монографик иш тайёрламоқда.

К. Юсупов 1959 йилдан буён КПСС аъзоси.

Асарлари:

1956

Ўзбек тилида ишлатиладиган тожикча сўзларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Фарғона Давлат педагогика институти илмий ишлари тезислари», тўплам, Фарғона.

1957

Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси.

Фарғона Давлат педагогика институтининг илмий ишлари. IV том, Филологик серия, Фарғона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

Языковые взаимоотношения узбекского и таджикского народов. Академия наук Узбекской ССР, «Сборник работ аспирантов», Ташкент.

1961

«Ҳозирги замон ўзбек тили»дан курс ишлари тематикаси (студентлар учун қўлланма), Тошкент.

1966

Айрим топонимлар масаласи. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.



# Эрка Ўрозов

Эрка Ўрозов 1916 йил 31 декабрда Хоразм областининг Урганч шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1932 йилда Хева шаҳар педагогика техникумини тугатди; 1932—35 йилларда Урганч шаҳридаги 2-тўлиқсиз ўрта мактабда она тили ўқитувчиси ва илмий мудир бўлиб ишлади. 1935—40 йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1940 йилдан буён Хоразм Давлат педагогика институтининг тилшунослик кафедрасида катта ўқитувчи, 1966 йилдан сўнг эса кафедра мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Э. Ўрозовнинг илмий фаолияти асосан Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг фонетик, лексик-семантик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқдир. У бу соҳадаги тадқиқотларини якунлаб, 1966 йилда «Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олим Улуғ Ватан урушида ҳам қатнашган. У 1958 йилдан буён КПСС аъзосидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1964

Беруний шеваси фонетикасига оид баъзи маълумотлар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2-сон, Тошкент.

Е. Д. Поливанов и хорезмские говоры. Сб. «Материалы конф. «Актуальные вопросы совр. языкознания и лингвистическое наследие Е. Д. Поливанова», Самарканд.

1965

ҚҚАССР Тўрткўл районидаги ўзбек шеваларининг баъзи фонетик хусусиятлари. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

## Озод Қосимхўжаева



Озод Хўжаевна Қосимхўжаева 1917 йили Тошкентда туғилди. 1935 йилга қадар ўрта мактабда ўқиган ва мактабларда ўқитувчилик қилган. 1935—39 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди, 1939—43 йилларда мактабда ўқитувчилик қилди, 1943—46 йилларда эса Тошкент Давлат педагогика институти аспирантурасида таҳсил кўрди, шундан сўнг яна мактабда ишлай бошлади. 1955 йилдан бошлаб Тошкент Давлат педагогика институтида (ҳозир шу институтнинг бошланғич таълим методикаси кафедрасида) ишламоқда.

У 1964 йилда «Сўзнинг морфологик таркиби» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Асари:

1964

Сўзнинг морфологик таркиби. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Раҳматулла Қўнғуров

Раҳматулла Қўнғуров 1933 йилнинг 7 февралида ҳозирги Сирдарё областининг Фориш районига қарашли Нурак қишлоғида туғилди. 1947 йилда қишлоқдаги етти йиллик мактабни, 1951 йилда Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли педбилим юртини, 1956 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди; 1956—58 йилларда мазкур университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ассистент бўлиб хизмат қилди; 1958—61 йилларда эса шу кафедра бўйича аспирантурада ўқиди, ниҳоят, 1962 йилда профессор У. Т. Турсунов раҳбарлигида (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича бирлашган Илмий советида) «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади. Кўп ўтмай унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Р. Қўнғуровнинг илмий фаолияти кўпроқ тасвирий сўзларни ўрганиш билан боғлиқдир. Аммо у тил тарихи («Чор девон» асарида келишик категорияси»), бадиий асар тили («А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг лексик ва стилистик хусусиятлари») бўйича ҳам самарали ижод қилмоқда. Олим кейинги вақтда лексикографияга ҳам қўл уриб, ўзбек тилида (А. Тихонов билан ҳамкорликда) биринчи бўлиб чаппа луғат яратди.

Ҳозирги кунда Р. Қўнғуров «Ўзбекистон топонимларини лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш» деган темада кузатиш ишлари олиб бормоқда.

Асарлари:


1956

А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг лексик ва стилистик хусусиятлари. ЎзДУ асарлари, 76, Самарқанд.




www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1958

И. Ўктамнинг «Кечирилмас гуноҳлар» пьесасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар. ЎзДУ асарлари, 77, Самарқанд.

## 1959

А. Навоийнинг «Чор девон» асарида келишик категорияси. ЎзДУ асарлари, 91, Самарқанд.

## 1960

Ҳамза ва шариат пешволари. «Фан ва турмуш» журнали, 7-сон, Тошкент.

Тақлидий сўзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. СамДУ асарлари, 102, Самарқанд.

## 1961

Тасвирий сўзларнинг фонетик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.

Тасвирий сўзларнинг синтактик функциялари. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 4-сон, Тошкент.

Образли ва товушга тақлидий сўзларнинг ўхшашлик ва фарқли хусусиятлари. Сб. «Материалы III Объединенной научной конференции ученых гор. Самарканда».

Ҳайвонлар ва қушлар гапирадими? «Фан ва турмуш» журнали, 4-сон, Тошкент.

Одам гапиришни қандай ўрганди? Юқоридаги журнал, 8-сон, Тошкент.

Ўзбек тилида тақлидий сўзларни ўрганиш масаласига доир. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.

Тасвирий сўзларнинг семантик классификацияси. Юқоридаги тўплам, 3, Тошкент.

Тасвирий сўзларнинг формалари. Юқоридаги тўплам, 3, Тошкент.

Тасвирий сўзларнинг ўзбек тили сўз ясаш системасидаги роли. СамДУ асарлари, 115.

Тасвирий сўзларнинг умумий характеристикаси. Юқоридаги тўплам.

Тасвирий сўзларнинг ундовлардан фарқлари. Юқоридаги тўплам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1963

Тасвирий сўзлардан ясалган феъллар. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд.

Тасвирий сўзларнинг ундовларга муносабати. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд.

Тасвирий сўзлар термини ҳақида бир неча сўз. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд.

Сўз кўрки—мақол. СамДУ илмий асарлари, 129.

Некоторые вопросы лингвистической географии в Узбекистане, «Тезисы докладов IV регионального совещ. по. изуч. тюркск. диалектов в г. Фрунзе».

## 1964

Тасвирий сўзлардан ясалган сифатлар. СамДУ илмий асарлари, 134, Самарқанд.

Ўзбек ономастикаси ҳақида бир неча сўз. СамДУ илмий асарлари, 134.

Об устойчивых сравнительных оборотах в русском языке, СамДУ илмий асарлари, 134, Самарқанд.

Достижение Самаркандских языковедов. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 4-сон (ҳамкор — У. Т. Турсунов, А. Тихонов).

Е. Д. Поливанов и узбекское языкознание. Сб. «Актуальные вопросы языкознания и наследие Е. Д. Поливанова», Самарканд.

## 1965

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар. Тошкент.

Омонимия аффиксов в современном узбекском языке. Сб. «Вопросы востоковедения».

В. И. Ленин об изучении культурного наследия прошлого. Сб. «Проблемы грамматического строя в узбекск. языке и диалектологии», Ташкент.

Халқ мақоллари ва нутқ маданияти. Ўша тўплам.

Труды Е. Д. Поливанова по тюркологии. «Тюркологический сборник», Алма-Ата.

Топонимика и диалектология. Сб. «Материалы V регионального совещ. по изучению тюркских диалектов», Баку.

Изобразительные слова как самостоятельные части речи. Сб. «Материалы всесоюзной конференции по теории частей речи», Ленинград.



www.ziyouz.com kutubxonasi



# Иристой Қўчқортоев

Иристой Қўчқортоев 1936 йилнинг 5 июлида Қозоғистонда (ҳозирги Чимкент областининг Сайрам районидаги Қорабулоқ қишлоғида) колхозчи оиласида туғилди. 1953 йили қишлоқдаги 3-ўрта мактабни (кумуш медаль билан), 1958 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини (имтиёзли диплом билан) тугатди. 1958—60 йилларда ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади; 1960—63 йилларда ТошДУ филология факультетининг тилшунослик кафедраси бўйича аспирантурада таҳсил кўрди; 1965 йилда Ш. У. Раҳматуллаев раҳбарлигида «Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади.

И. Қўчқортоев 1964 йилдан буён ТошДУ филология факультети тилшунослик кафедрасида ишлаб келмоқда. Ҳозир шу кафедранинг доцентидир.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ А. Қаҳҳор асарлари тилини, хусусан, фразеологизмларини, қисман, лексик-семантик ҳодисаларни ўрганиш билан боғлиқдир. У ўзининг «Абдулла Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши», «Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси моделлари бўйича янги иборалар яратиши», «Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир» каби қатор мақолаларида Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тили фразеологик бойлигидан ижодий-индивидуал фойдаланиш йўлларини, ўзбек адабий тили фразеологияси тараққиётига қўшган баракали ҳиссасини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ҳозир олим «Абдулла Қаҳҳор асарларининг тили ва услуби» деган темада илмий иш олиб бормоқда.

И. Қўчқортоев бадиий ижод билан ҳам шуғулланади: унинг болаларга атаб ёзган ҳикояларидан иборат «Яйловда», «Бу ишинг яхши», «Икки ва ўн бир» каби тўпламлари бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1960

Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Тилшунослик масалалари», I китоб, Тошкент.

1962

«Юз» сўзининг синонимлари тарихидан. ТошДУ илмий асарлари, 202-чиқиши, Тошкент.

1965

Абдулла Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси моделлари бўйича янги иборалар яратиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, Тошкент.

Сўзга кўркни кимлар беради. «Фан ва турмуш» журнали, 7.

# Ҳамид Ғафуров

Ҳамид Ғафуров 1920 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилди; 1937 йилда ўрта мактабни, 1941 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. Шундан сўнг ўрта мактаб ва ўқитувчилар тайёрлов курсларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. Кейинроқ В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети аспирантурасида ўзбек тилшунослиги бўйича таҳсил кўрди.

У 1951—57 йилларда Андижон Давлат педагогика институтида ишлади. 1957 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат Чет тиллар педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасида хизмат қилмоқда.

Ҳ. Ғафуров 1962 йилда СССР ва ЎзССР Фанлар академияларининг мухбир аъзоси проф. А. К. Боровков раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида номинатив гаплар» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган. 1963 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ атов гапларда интонация ва пунктуация масалаларини, уларда гап бўлакларининг тартиби ва грамматик ҳолатини белгилашда интонация ва паузанинг ролини ўрганиш билан боғлиқдир.

Асарлари:

1954

Ўзбек тилида атов гаплар. Андижон Давлат педагогика институтининг илмий ишлари, I том, Андижон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1957

Ўзбек тилида атов гаплар. В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, XI. Тошкент.

1963

Атов гапларда интонация ва пунктуация масалалари. «Уч. зап. ТГПИИЯ», VII, Ташкент.

## Назиха Ғафурова

Н. Ғафурова 1924 йилда Тошкентда хизматчи оиласида туғилди. 1940 йилгача мактабда, Халқ Хўжалик учёти техникумининг тайёрлов курсида, 1940—44 йилларда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. 1945 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида лаборант бўлди, 1946 йилда Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Политехника институтининг тайёрлов бўлимида, 1947—48 йилларда раислар мактабида ўқитувчилик қилди, 1949—52 йилларда эса УзССР Маориф министрлигида методист бўлиб ишлади; 1952—55 йилларда Тошкент Давлат педагогика институти аспирантурасида ўқиди; 1955—57 йилларда Термиз Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, 1957—63 йилларда эса ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади.

Олима 1962 йилда филология фанлари кандидати Фахри Камол раҳбарлигида «Ниёзбоши шеваси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

У 1965 йилдан ҳозирга қадар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

Олима шу кунларда «Уй-рўзғор буюмлари лексикаси» деган темада илмий иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1950

Ўқиш китоби. (Ҳамкор), Тошкент.

Катталар мактаби учун программа ва методик қўлланма, Тошкент.

1951

Ўқиш китоби (қўлланма). (Ҳамкор), Тошкент.

1952

Саводсизлар учун программа ва методик қўлланма. Тошкент.

Чаласаводлар учун программа ва методик қўлланма. Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1961

Ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», 2-том, тўплам, Тошкент.

Ниёзбоши шевасида эгалик ва келишик қўшимчаларининг қўлланиши ҳақида. «Тил ва адабиёт» журнали, 1-сон, Тошкент.



## Ҳусан Ғозиев

Ҳусан Ғозиев 1906 йилда Шаҳрихонда, ҳозирги Андижон областининг Москва районида туғилди. У 1940 йилда Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди.

Олимнинг илмий-лингвистик фаолияти 1932 йилдан, педагогик фаолияти 1925 йилдан бошланган. У аспирантурани тугатгандан сўнг ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Терминкомда, кейинчалик СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Тил, адабиёт ва тарих институтида (ҳозирги ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида) ишлади.

Ҳ. Ғозиев 1942 йилгача асосан олий, ўрта ва бошланғич мактаблар учун ўзбек тилидан дарсликлар, қўлланмалар ва программалар ёзган.

Олимнинг 1941 йилда эълон қилинган «Ўзбек тилидаги эргашган қўшма гапларнинг состави ҳақида» номли каттагина мақоласи ўзбек тилшунослигида эргаш гап составини кенг изоҳлаган биринчи илмий асарлардан эди.

Ҳ. Ғозиевнинг ўша даврдаги илмий фаолияти СССР ва ЎзССР Фанлар акдемияларининг мухбир аъзоси профессор А. К. Боровков томонидан ҳам юқори баҳоланган.

Ҳ. Ғозиев 1955 йилдан сўнг кўпроқ ўзбек тили тарихи бўйича тадқиқот ишлари олиб боради, унинг ўрхун ва уйғур ёзувлари ёдгорликларида айириш белгилари, араб алфавити негизидаги ўзбек ёзувларида (XI—XIX асрларда) пунктуация масалалари бўйича яратган асарлари шулар жумласидандир. Олим бу соҳадаги ишларини якунлаб, 1959 йилда «Ўзбек пунктуацияси тарихи (XI—XIX асрларда араб графикаси негизидаги ўзбекча ёзув материаллари асосида)» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳ. Ғозиевнинг матбуотда 100 босма листга яқин илмий иши эълон қилинган. У ўндан ошиқ ёш илмий ходимга раҳбарлик қилган, уларни фан кандидати қилиб етиштирган.

Олим 1970 йил 12 декабрда вафот этган.

Асарлари:

1932

Коммунист болалар. III синф учун она тили ўқиш ва иш китоби (ҳамкорликда), Тошкент.

Ёш коммунист. IV синф учун она тили ўқиш ва иш китоби (ҳамкор), Тошкент.

1937

Орфография ўқитиш методикаси. (Ҳамкор — Ф. Камолов), Тошкент.

Имло машқлари тўплами, I—II синфлар учун дарслик (ҳамкор — Ф. Камол), Тошкент.

Имло машқлари тўплами. III синфлар учун дарслик (ҳамкор — Ф. Камол), Тошкент.

1938

Грамматика ва орфография. I синф учун дарслик (ҳамкор — Ф. Камол), Тошкент.

Грамматика ва орфография. II синф учун дарслик (ҳамкор — Ф. Камол), Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси. Ўрта мактаблар учун дарслик (ҳамкор — Ф. Камол), Тошкент.

1939

Она тили программаси. Ўрта мактаблар учун, Тошкент.

Адабий тилимиз ҳақида, Тошкент.

1940

Адабий тилимиз ҳақида. «Совет педагогикаси» журнали, 1- сон, Тошкент.

1941

Синтаксис. VI—VII синфлар учун дарслик, Тошкент.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги эргашган қўшма гаплар состави ҳақида. Тошкент.

Ўзбек ёзувида бош ва кичик ҳарфларнинг қўлланиш ўринлари. Тошкент.

1957

«Турк-руник» ёзувларида тиниш белгилари. Тошкент.

Уйғур ёзувидаги бурунги текстларда ажратиш белгилари. Тошкент.

1958

Турк-руник ёзувидаги ажратиш белгилари ҳақида. «Тил ва адабиёт масалалари» журнали, 2- сон, Тошкент.

Выступление. Сб. «Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте 4—17 июня, 1957», Ташкент.


www.ziyouz.com kutubxonasi

1959

Ўзбек пунктуацияси тарихи (XI—XIX аср араб алфавити негизидаги ўзбекча ёзув материаллари асосида). «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент.

1966

Гап бўлаклари. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», тўплам, II, Тошкент.



## Ёқуб Ғуломов

Ёқуб Ғуломович Ғуломов 1926 йилда Тошкентдаҳунарманд-сарроч оиласида туғилди. 1942 йилда 110-ўрта мактабни, 1947 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)-нинг филология факультетини, 1950 йилда шу университет аспирантурасини тугатди, 1955 йилда проф. В. М. Насилов раҳбарлигида кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Е. Ғуломов бирмунча вақт техникумларда дарс берган, 1949 йилдан бошлаб эса Тошкент (собиқ Ўрта Осиё) Давлат университетининг тилшунослик кафедрасида ишлаб келмоқда. 1958 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Е. Ғуломов ўзбек тилшунослигининг кўпгина соҳалари бўйича 20 га яқин илмий ва илмий-методик характердаги мақолалар ёзган; 1962 йилда «Ўзбек тили методикаси курсининг программаси»ни нашр эттирган.

Олим сўнгги ўн йил давомида Тошкент атрофи районларига экспедициялар уюштириш асосида кўпгина ўзбек шеваларидан қимматли материаллар тўплади, уларни қайта ишлаб, матбуотда эълон қилмоқда.

Е. Ғуломов ҳозирги вақтда «Тошкент диалектининг грамматикаси» номли темада докторлик иши тайёрламоқда.

Асарлари:

1954

О падежных формах в ташкентском говоре. Труды САГУ, Ташкент.

1957

О притяжательном аффиксе в узбекском языке. Труды САГУ, XI.

Из наблюдений над морфологией ташкентского говора. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, I, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1958

Ўзбек тилида қаратқич ва тушум келишиклари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1- сон, Тошкент.

1961

Диалектологические заметки. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» II, тўплам, Тошкент.

О формах спряжения в узбекских народных говорах. Научн. Труды ТашГУ, Ташкент.

1962

Ўзбек тили методикаси (программа). Ҳамкор — М. Шамсиев (Бу программа 1966 йилда қайта нашр этилган.), Тошкент.

1963

О некоторых особенностях словоизменения глагола в Ташкентском говоре. Научн. труды ТашГУ, 211, Ташкент.

1964

Бўстонлиқ район ўзбек шевалари ҳақида. Научные Труды ТашГУ, 260. (Ҳамкор — К. Назаров), Ташкент.

1966

Тошкент диалектининг Бўстонлиқ шеваси ҳақида. Научные Труды ТашГУ, 262 (ҳамкор — К. Назаров), Ташкент.

Грамматика ташкентского говора. Монография, Ташкент.

«Сўз составі» темаси бўйича морфологик разбор. «Совет мактаби» журнали, 11- сон.

## Ҳисом Ғуломов



Ҳисом Ғуломов 1926 йилда Самарқандда хизматчи оиласида туғилди. 1940 йилда республика тожик педагогика билим юртини, 1946 йилда А. Навоий номли Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) филология факультетини (имтиёзли диплом билан) тугатди; 1946—50 йилларда Жиззах педагогика билим юртида ишлади; 1950—53 йилларда УзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди; 1954 йилда проф. В. В. Решетов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Жиззах шеваси»


www.ziyouz.com kutubxonasi

деган темада кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди. 1954—55 йилларда Тил ва адабиёт институтининг диалектология секторида ишлади, 1955—61 йилларда эса Тошкент театр ва рассомчилик институтининг умумий тилшунослик кафедрасига мудирлик қилди. 1960 йилда олимга доцентлик унвони ҳам берилган. У 1955—64 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Бухоро педагогика институтининг сиртқи бўлимида ҳам лекция ўқиб келган.

Ҳозир олим Республика рус тили ва адабиёти институтида форс-тожик тили ўқитувчиси бўлиб ишламоқда, айни пайтда «Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабати масаласи» деган темада докторлик иши тайёрламоқда.

Ҳ. Ғуломов 1950 йилдан буён Халқ маорифи аълочисидир.

Асарлари:

1957

Ўзбек тилининг Жиззах шеваси. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, тўплам, Тошкент.

1961

Ургут шевасида олмошлар. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, тўплам, Тошкент.



## Мирпоша Ҳабибов

Мирпоша Ҳабибов 1917 йилда Андижонда косиб-этикдўз оиласида туғилди. 1935 йили Андижондаги рабфакни тамомлади. 1939 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди. 1939-41 йилларда ҳарбий хизматда бўлди. 1941 йилнинг охирида Улуғ Ватан урушидан инвалид бўлиб қайтди. 1942 йилнинг март ойида Андижон Давлат педагогика институтига (ўша вақтда икки йиллик ўқитувчилар институти эди) ўқитувчи бўлиб ишга кирди. 1954—57 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида ўқиди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

М. Ҳабибов 1962 йилда «Рус тилидаги приставкали феълларнинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари» деган темада профессор В. В. Решетов раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Унга доцентлик унвони ҳам берилган.

Олим қиёсий грамматика ва ҳозирги замон ўзбек тили масалаларига доир 7 босма листга яқин илмий мақола ёзган. Бу мақолаларида илғор рус тилининг ўзбек тилига қилаётган баракали таъсири масаласи бош ўринда туради.

М. Ҳабибов ҳозир ҳам Андижон Давлат педагогика институтида хизмат қилмоқда.

Асарлари:

1957

Рус тилидаги приставкали феълларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. «Уч. зап. Андижанск. гос. педагогическ. института», том IV, Филологическая серия, Андижан.

1961

Рус тилидаги приставкали феълларнинг ўзбек тилида ифодаланишидаги айрим хусусиятлар. «Уч. зап. Андижанск. гос. педагогическ. института», том VII, Андижан.

## Жўрабой Ҳамдамов



Жўрабой Ҳамдамов 1929 йил 5 октябрда Андижон областининг Андижон районида (Хартум қишлоғида) туғилди; 1946 йилда қишлоқдаги ўрта мактабни, 1951 йилда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини (имтиёзли диплом билан), 1954 йилда университет аспирантурасини тугатди. 1963 йилнинг 16 сентябрида СамДУ Илмий совети мажлисида профессор У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилиш тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми)» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Олим ҳозир рус тилидан сўз қабул қилишнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган тарихи, хусусан, русча сўзларнинг ўзбек тилига фонетик, грамматик ва семантик жиҳатдан ўзлашиш йўллари, усуллари, принципларини аниқлаш бўйича илмий иш олиб бормоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарлари:

1955

Словарный состав сочинений поэта-демократа Мукими. Труды СамГУ. Самарканд.

1959

Фурқат ва рус тили. «Шарқ юлдузи» журнали, 7-сон, Тошкент.

1960

В. И. Ленин тил ва нутқ маданияти тўғрисида. «Шарқ юлдузи» журнали, 3-сон, Тошкент.

Фурқат ва Муқимийнинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги хизматларига доир. СамДУ асарлари, Янги серия, 102, Самарқанд.

1961

Завқий асарларида русча сўзлар. Сб. «Материалы третьей объединенной научной конференции ученых города Самарканда», Самарканд.

1964

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилишнинг асосий сабаблари. СамДУ асарлари, Янги серия, 139, Самарқанд.

Морфологическое освоение русских лексических заимствований в узбекском языке. СамДУ асарлари, Янги серия, 139. Самарқанд.



## Инфания Ҳамдамова

Инфания Ҳамдамова 1930 йил 11 сентябрда Тошкент область Пискент районининг Донқўрғон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1938—42 йилларда Оржоникидзе районидаги Куйбишев номли ўрта мактабнинг бошланғич синфларида, 1942—44 йилларда Пискентда Киров номли мактабда (7-синфгача), 1944—47 йилларда Тошкент хотин-қизлар педбилим юртида ўқиган; 1947—49 йилларда ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ўқитувчилик қилган; 1949—53 йилларда эса Низомий



www.ziyouz.com kutubxonasi

номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиган; 1953—58 йилларда Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 73- мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган.

У 1958—61 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди, 1961 йилдан сўнг дастлаб Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида, кейинчалик Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида хизмат қилди. У 1965 йилнинг март ойида «Сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатида берилиши» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган эди.

Олима 1968 йилда вафот этди.

Асарлари:

1961

Ўзбек тилида **-гина** элементи ва унинг маънолари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.

1963

Ўзбек тили изоҳли луғатида ранг-тус билдирувчи сифатларнинг берилиши ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6- сон, Тошкент.

1964

Сифатларнинг лексик-семантик группалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.

1965

«Катта» сўзининг семантик структураси. «Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.

## Муҳаммадризо Ҳусаинов



Муҳаммадризо Ҳусаинов 1932 йилда Сирдарё областининг Жиззах районида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, 1949 йили Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)-нинг филология факультетига ўқишга киради. Ўқишни 1954 йили имтиёзли диплом билан битиргач, ўзбек тилшунослиги кафедраси бўйича аспирантурага қолдирилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У 1960 йилда профессор У. Т. Турсунов раҳбарлигида «Ойдин прозасининг фразеологияси» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади; 1961 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилади.

Ҳозир олим «Рус ва ўзбек тилларида сўз таркиби» темасида илмий иш олиб бормоқда.

Асарлари:

1958

Ўзбек тили фразеологияси масалаларига доир. ЎзДУ асарлари, 77, Самарқанд.

1959

Ойдин прозасида фразеологик чатишмаларнинг қўлланилиши. Тўплам, ЎзДУ асарлари, 91, Самарқанд.

Ойдин ҳикояларида халқ мақолларининг қўлланилиши. Юқоридаги тўплам, ЎзДУ асарлари, 91, Самарқанд.

Ойдин асарларининг фразеологияси. «Фразеология масалалари», тўплам, Тошкент.

1960

Ойдин ҳикояларининг рус тилига қилинган таржимаси ҳақида. СамДУ асарлари, 102, Самарқанд.

1961

Ўзбек тили фразеологик ибораларини классификация қилиш масаласига доир. СамДУ асарлари, 139, Самарқанд.

Фразеологик ибораларнинг ўзбек адабий тилининг ривожланишидаги роли. «Конференция докладлари», тўплам, Самарқанд.

1963

Ойдин прозасида қўлланилган фразеологик ибораларнинг состави ва стилистик функциялари. СамДУ асарлари (ўзбек тилшунослиги масалалари), 129, Самарқанд.

www.ziyouz.com kutubxonasi